Тайёргарлик босқичи	<p>Реферат мавзуларининг рўйхатини аниқлайди (1-илова).</p> <p>Мавзуларни докладчилар томонидан танлаб олинишини, ҳамда ҳар бир докладчига тақризчи тайинланишини ташкил қиласди.</p> <p>Докладчиларга мавзуси бўйича режа тузиш вазифасини беради.</p> <p>Ҳамма талабаларга маъруза матнини ўрганиб чиқишини, режалар бўйича саволлар тайёрлаш вазифасини беради ва мустақил тайёрланишлари учун адабиётлар рўйхатини тақдим қиласди.</p> <p>Докладчиларга таклимотни қўргазмали материаллар асосида ўтказилишини уқтиради.</p>	<p>Мавзу танлаб оладилар ва машғулотга тайёрланадилар.</p> <p>Докладчилар реферат режасини тузадилар. Ҳар бир мавзу бўйича саволлар тайёрлайдилар ва зарур адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар.</p>
Тақдимотларнинг тузилиши ва кўринишини муҳокама қиласди		
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	<p>1.1. Семинар машғулотининг мавзусини эслатади. Машғулотининг шакли ва ўтказилиш тартибини тушунтиради.</p> <p>1.2. Доклад қилувчилар ва тақризчилар билан таништиради.</p> <p>1.3. Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини эълон қиласди (2-илова).</p> <p>1.4. Тақдимотлар регламентини аниқлайдилар (3-илова)</p>	Тинглайдилар
II. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Биринчи докладчига сўз беради. Материал мазмунининг мантиқан боғлиқлигини, баён этиш усули ва талабалар муносабатини кузатади. Талабалар томонидан савол беришни таклиф қиласди. Саволлар беради, докладнинг асосий моҳиятини аниқлаштиради.</p> <p>2.2. Тақризчиларга сўз беради ва талабаларга саволлар беришни таклиф қиласди. Аста-секин ўқув машғулотини мунозара шаклига ўтказган ҳолда, доклад мазмунини жамоавий муҳокама қилишни таклиф қиласди.</p>	<p>Тайёрланган доклад бўйича сўзга чиқади, тайёрлаган қўргазмали материаллар асоси да тақдимот қиласди, берилган саволларга жавоб беради.</p> <p>Тақризчи уз фикрини билдиради, саволлар беради. Жамоа бўлиб доклад мазмунини муҳокама, мунозара қиласди.</p>

	<p>2.3. Мавзу мазмунининг талабаларга қай даражада тушунарлилигини (докладчиларга берилаётган саволлар мазmuni ва саволларга берилаётгаг жавоблардан келиб чиқиб) баҳолайди. Талабаларга «мунозара иштирокчиси учун эслатма»ни эслатади ва мунозара бошланишини эълон қиласи (4-илова). Билдирилаётган фикрларга нисбатан демократик ёндашиш ва фаоллик, қизиқувчанликни намойиш қиласи. Ишончли мулоқот тонини қўллайди.</p> <p>2.4. Қисқача умумлаштириб докладга якун ясади. Докладнинг асосий моҳиятини, мунозара, муҳокама натижаларини қайд қиласи.</p> <p>2.5. Кейинги докладларни ҳам шу йўсинда муҳокама қиласи.</p>	Мунозара қиласи.
III. Якуний босқич (10 минут)	<p>3.1. Анжуман натижалари юзасидан хулоса қиласи, мавзуга якун ясади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича якуний хулосани шакллантиради; - доклад килувчилар ва машғулот иштирокчиларининг тайёргарлигини, мунозара, муҳокама жараёнидаги фаоллигини баҳолайди ва баҳоларни эълон қиласи; - маъруза-анжуман машғулоти натижаларига умумий баҳо беради. <p>3.2. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (5-илова); (2) эгалланган билим ва тушунчалар асосида БББ жадвалини тўлдириш (6-илова).</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Вазифани оладилар.</p> <p>ёзиб</p>

7- МАВЗУ	ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МУАССАСАСИНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ
(маъруза – 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)	
7.1. Маърузада таълим технологияси	
Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Кириш маърузаси
Маъруза режаси	5. Таълим тизимини бошқариш тизимини ташкил этиш ва унинг асосий тамойиллари.

	<p>6. Менежмент усуллари ва уларнинг таснифи.</p> <p>7. Бошқариш услублари ва бошлиқлар типларининг аҳамияти, уларнинг ижобий ва салбий томонлари.</p> <p>8. Таълим тизимида кадрлар менежменти.</p>
--	--

Ўқув машғулотининг мақсади: Психодиагностика методлари ва уларнинг классификацияси билан таништириш

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> Таълим тизимини бошқариш тизимини ташкил этиш ва унинг асосий тамойиллари билан таништириш; Менежмент усуллари ва уларнинг таснифи ҳақида маълумот бериш; Бошқариш услублари ва бошлиқлар типларининг аҳамияти, уларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида маълумот берилади; Таълим тизимида кадрлар менежменти ҳақида ахборот бериш; 	<ul style="list-style-type: none"> Таълим тизимини бошқариш тизимини ташкил этиш ва унинг асосий тамойилларини тушунтиради; Менежмент усуллари ва уларнинг таснифини тушунтиради; Бошқариш услублари ва бошлиқлар типларининг аҳамияти, уларнинг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида маълумотга эга бўладилар; Таълим тизимида кадрлар менежментини тушунтиради;
<i>Таълим методлари</i>	Маъруза, «ақлий хужум», намойиш этиш
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар, скотч
<i>Ўқитиши шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш.
<i>Ўқитиши шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Савол-жавоб, Назорат саволлари

Маърузанинг технологик харитаси

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчининг</i>	<i>талаабаларнинг</i>
I. Мавзуга кириш босқичи (20 дақиқа)	<p>1.1. Ўқув фанининг номини эълон қиласди. Фан ҳақида дастлабки тушунча беради ва фан миқёсида услубий ва ташкилий ишларнинг асосий томонларини очиб беради.</p> <p>1.2. Мазкур фан бўйича ўрганиладиган</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>

	<p>мавзуларни эълон қилади, улар ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда семинар ва амалий машғулотлар билан боғлайди. Фан рейтинги: жорий, оралиқ ва якуний назоратнинг баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова).</p> <p>Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди (слайд).</p> <p>1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак ўқув натижаларини эълон қилади.</p> <p>1.4. «Ақлий хужум» методини қўллаб, мавзу бўйича таниш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади (2-илова).</p> <p>Барча таклифларни доскага ёзиб боради.</p> <p>1.5. Ушбу ишни ўқув машғулотининг якунида охирига етказишларини айтади.</p>	<p>Мавзуни дафтарларига ёзадилар</p> <p>Ўз фикрларини билдирадилар.</p>
II. Асосий босқич (50 дақиқа)	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади: мавзу режаси ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишини таклиф қилади.</p> <p>2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида асосий назарий маълумотларни беради. Фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқасини слайдларда намойиш этиб, тушунтиради (3-илова).</p> <p>Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хulosалар қилади. Талабаларнинг эътиборини асосий тушунчаларга ва аҳамиятли томонларига жалб қилади.</p> <p>2.3. Доскада қайд этилган асосий тушунчаларга қайтишни таклиф қилади. Талабалар билан ҳамкорликда тушунчалар рўйхатини аниқлаштиради, қайтарилганларини олиб ташлайди, мавзуга тегишли бўлмаган маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар).</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Ҳар бир таянч ибора ва атамани муҳокама қиладилар, дафтарларига ёзиб оладилар</p>
III. Якуний босқич (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича якуний хulosалар қиладилар. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда</p>	Саволлар берадилар

	<p>қаерларда қўлланилиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.</p> <p>3.2. Талабалар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини таҳлил қиласди ва баҳолайди.</p> <p>3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) бўш схемаларни тўлдириш; (2) саволларга оғзаки жавоб топиб келиш.</p>	<p>Вазифани ёзиб оладилар</p>
--	---	-------------------------------

7.2. Амалий машғулотда таълим технологияси

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли:</i>	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлашти-риш амалий машғулоти
<i>Мавзу режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Таълим тизимини бошқариш тизимини ташкил этиш ва унинг асосий тамойиллари. 2. Менежмент усуллари ва уларнинг таснифи. 3. Бошқариш услублари ва бошлиқлар типларининг аҳамияти, уларнинг ижобий ва салбий томонлари. 4. Таълим тизимида кадрлар менежменти.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	Таълим тизимида инновацияларни бошқариш йўллари билан таништириш бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<p><i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Таълим тизимини бошқариш тизимини ташкил этиш ва унинг асосий тамойиллари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш; • Менежмент усуллари ва уларнинг таснифи тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш; • Бошқариш услублари ва бошлиқлар типларининг аҳамияти, уларнинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида назарий билимлар <ul style="list-style-type: none"> • эгаллаган назарий билимларни амалиётда қўллай олади.

даражасини шакллантириш; • Таълим тизимида кадрлар менежменти билимларини мустаҳкамлаш.	
<i>Таълим методлари</i>	Тезкор-сўров, сұхбат, тест
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, ўқув материаллари, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, компьютер технологиялари
<i>Таълим шакли</i>	Фронтал, жамоавий, кичик гурухларда ишлаш
<i>Ўқитиши шарт-шароитлари</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Назорат саволлари

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	талабаларнинг
I. Мавзуга кириш босқичи (20 дақиқа)	<p>1.4. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилажак натижаларни эслатади.</p> <p>1.5. Машғулот кичик гурухларда ишлаш шаклида ўтказилишини тушунтиради.</p> <p>1.6. Маъруза матнларини тарқатади ва яна бир бора ўрганиб чиқишлирага вакт беради.</p> <p>Талабаларни баҳолаш мезонларини эълон қиласди.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Ўқиб, ўрганиб чиқадилар</p>
II. Асосий босқич (50 дақиқа)	<p>2.1. Тезкор-сўров техникасидан фойдаланиб талабалар билимларини фаоллаштиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Таълимда инновацияларнинг назарий аҳамияти нимадан иборат? - Бошқарув қарорларининг амалий аҳамияти қандай? - Менеджернинг фаолиятида конфликтлар ҳақида нималарни биласиз? <p>2.2. Талабаларни 3 та кичик гурухларга бўлади. Ҳар бир гурухга вазифалар (эксперт вараклари) тарқатади. (1-илова) Гурухларда ишлаш қоидаларини</p>	<p>Берилган саволларга жавоб берадилар</p> <p>Ҳар бир гурух ўз эксперт вараклари бўйича фаолиятни бошлайди. Маъруза</p>

	<p>тушунтиради (2-илова). Гурухлар фаолиятини ташкил қиласы, кузатады, маслаҳатлар беради, йүналтиради.</p> <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласы. Ҳар бир гурух сардорлари чиқиб ўз ишларини тақдим қилишларини айтади. Гурух аъзоларига дикқат билан эшишишларини ва саволлар беришларини, шу билан бирга ўзаро бир-бирларини баҳолашларини эслатади.</p> <p>Жавобларни тўлдиради ва қисқача хulosалар қиласы.</p> <p>2.4. Гурухларга тарқатилган ўзаро бир-бирларини баҳолаш жадвалини тўлдириб беришларини айтади ва тўлдирилганларини йигиб олади.</p>	<p>матнидан саволларга жавобларни излаб топади. Жавобларни схемалар ва чизмали органайзерлар тарзида формат коғозла-рига туширадилар.</p> <p>Гурух сардорлари чиқиб ўз ишларини тақдим қиласидилар.</p> <p>Берилган қўшимча саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Баҳолаш жадвалларини тўлдирадилар.</p>
III. Якуний босқич (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича якуний хulosалар қиласидилар. Талабалар фаолияти натижаларини изоҳлайди.</p> <p>3.2. Талабалар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини таҳлил қиласы ва баҳолайди.</p> <p>3.3. Гурухларнинг ўзаро баҳоларини эълон қиласы.</p> <p>3.3. Мустакил ишлашлари учун вазифа беради: (1) берилган саволларга оғзаки жавоб топиб келиш (3-илова).</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар</p>

8 – МАВЗУ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАГИ ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

(маъруза – 2 соат, амалий машгулот – 2 соат)

8.1. Маърузада таълим технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машгулотининг шакли	Мутахассис иштироқидаги маъруза (1-машғулот) Маълумотли кўргазмали маъруза
Мавзу режаси	<p>9. Ўзбекистонда Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишнинг шартшароитлари.</p> <p>10. Давлат таълим стандартларининг</p>

	<p>ташкилий бошқарув функцияси.</p> <p>11. Таълим сифатини бошқариш.</p> <p>12. Ўқитиш сифатига ва мутахассис кадрларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар, уларга таъсир этувчи омиллар.</p> <p>13. Аккредитация ва аттестациядан ўтказишнинг аҳамияти ва уни ташкил этиш асослари.</p> <p>14. Ўз-ўзини аттестациядан ўтказиш таълим сифатини оширишда тутган ўрни.</p> <p>15. Ўқув тарбия жараёнини лойиҳалаш ва бошқариш воситалари.</p> <p>16. Лойиҳалашни иқтисодий таъминлаш ва амалга оширишни ташкил этиш масалалари.</p>
--	--

Машғулотнинг мақсади: Методларни қўллашда ва таҳлил қилишдаги талаблар, стандартлаштириш, ишончлилик ва валидлик тўғрисида билимларини шакллантириш.

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i>
<p>1. Ўзбекистонда Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишининг шарт-шароитлари ҳақида тўлиқ тушунча бериш;</p> <p>2. Давлат таълим стандартларининг ташкилий бошқарув функцияси ёритиш;</p> <p>3. Ўқитиш сифатига ва мутахассис кадрларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар, уларга таъсир этувчи омиллар ҳақида маълумот бериш;</p> <p>4. Аттестация ва аккредитация ҳақида тушунча бериш;</p> <p>5. Ўқув тарбия жараёнини лойиҳалаш ва бошқариш воситалари ҳақида тушунча бериш;</p>	<p>1. ОТ тизимида ДТС моҳияти, мақсади ва вазифаларини ёритади;</p> <p>2. Давлат таълим стандартларининг ташкилий бошқарув функциясини тушунтиради;</p> <p>3. Ўқитиш сифатига ва мутахассис кадрларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар, уларга таъсир этувчи омилларни кўрсатиб беради;</p> <p>4. Аттестация ва аккредитация моҳиятини тушунтиради;</p> <p>5. Ўқув тарбия жараёнини лойиҳалаш ва бошқариш воситалари ҳақида тушунча берилади;</p>
<i>Таълим методлари</i>	Маъруза, тезкор-сўров, «эксперт сўрови» методи, таҳлил, тест.
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер технологиялари, формат қофозлари, маркерлар, скотч,

	чизмали органайзерлар.
<i>Таълим шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш.
<i>Ўқитиши шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланиш ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маъruzанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	талаабанинг
I. Кириш босқичи (10 дақиқа)	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсади, ўқитиши натижаларини, мавзунинг режасини эълон қилади.</p> <p>Ўқув машғулотининг ўтказилиш шакли ва тартибини тушунтиради.</p> <p>1.2. Таклиф этилган психодиагност (эксперт) ни таништиради.</p>	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	<p>2.1. Назария ва амалиётни таққослаш асосида янги материални ўрганишни ташкил қилади. Бунинг учун таълимда стандартларининг назарий асослари ҳақида маълумот беради. (мавзуу режаси асосида). Расм, жадвалларни намойиш этади ва шарҳлайди (слайд).</p> <p>2.2. Амалиётчи сифатида психодиагностнинг маъруза режаси бўйича маълумот беришини ташкил қилади.</p> <p>2.3. Экспертга мавзуга тааллуқли саволлар беришини таклиф қилади. (1-илова ўқитувчининг вариантлари).</p> <p>Эксперт томонидан мавзунинг ҳар бир қисми бўйича берган жавобларини умумлаштиради.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Саволлар берадилар.</p> <p>Фикр алмашадилар.</p>
III. Якуний босқич (10 дақиқа)	<p>3.1. Талабалар диққатини мавзунининг асосий томонларига қаратган ҳолда, режанинг дастлабки учта саволи юзасидан хуласалар қилади ва якун ясайди.</p> <p>3.2. Экспертга миннатдорчилик билдиради.</p> <p>3.4. Мустақил ишлашлари учун вазифа</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

	беради: мавзунинг кейинги саволларини инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда ўрганиб келиш.	
--	--	--

8.2. Амалий машғулотда таълим технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:	
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш	
Мавзуу режаси	<p>1. Давлат таълим стандартлари таълимтарбия жараёнини лойиҳалаш ва бошқаришнинг янги тури сифатида.</p> <p>2. Таълим сифатини бошқариш.</p> <p>3. Таълим сифатига қўйиладиган талаблар ва олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар.</p> <p>4. Таълим тизимида аттестация ва аккредитациянинг аҳамияти ва уларни ўtkазиш механизмлари.</p> <p>5. Иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлик даражасига таълимнинг таъсири.</p> <p>6. Таълим тизими муассасасида ўқув-тарбия жараёнини бошқариш ва лойиҳалаш воситалари.</p>	
Машғулотнинг мақсади:	Методларни қўллашда ва тахлил қилишдаги талаблар, стандартлаштириш, ишончлилик ва валидлик тўғрисида билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш.	
Педагогик вазифалар:	<p>- Олий таълимда ДТС мазмуни хақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш;</p> <p>- Таълим сифати хақида кенгроқ маълумот бериш;</p> <p>- Аттестация ва аккредитация тўғрисидаги тушунчаларини чуқурлаштириш.</p>	
Таълим методлари	Ақлий хужум, сухбат, балиқ скелети техникаси, савол-жавоб, конверт техникаси.	
Таълим воситалари	Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, ўқув материаллари, тарқатма материаллар	
Таълим шакллари	Жамоавий, жуфтликларда ва гурӯхларда	

	ишлаш.
Ўқитуш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаши	Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчининг	тарабанинг
I. Кириш босқичи (5дақиқа)	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эслатади, уларнинг ахамиятлилиги ва долзарбилигини асослайди.</p> <p>1.2. Машғулотнинг ўтказилиш шаклини тушунтиради.</p> <p>1.3. Гурух ишларини баҳолаш мезонларини эълон қиласи (1-илова).</p>	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (65 дақиқа)	<p>2.1. Ақлий хужум методидан фойдаланиб, талабаларни фаоллаштиради ва билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Таълим жараёнини стандартлаштириш деганда нимани тушунасиз? <p>Жавоблар 2-3 сўздан иборат бўлиши кераклигини эслатади. Жавобларни талабалардан бирига доскага ёзиб боришни таклиф қиласи.</p> <p>2.2. Талабалар билан биргаликда жавобларни таҳлил қиласи.</p> <p>2.3. Талабаларни учта кичик гурухга бўлади ва ҳамкорликда топшириқ бажаришларини айтади. Гуруҳларга тарқатма материалларни тарқатади. Берилган топшириқни аввал жуфтликларда, сўнгра гуруҳларда бажаришларини тушунтиради. Балик скелети техникасини асосида ишлашларини айтиб, ўтказилиш қоидасини тушунтиради (2-илова). Гуруҳларда фаолиятни ташкил қиласи, кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар</p>	<p>Ўз фикрларини билдирадилар, саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Уча гуруҳга бўлина-дилар. Берилган топшириқни аввал жуфтликларда муҳокама қилиб, балиқ скелетини тўлдирадилар. Сўнгра бажарган ишларини гурух ичидаги муҳокама қилиб, аниқ, оптималь вариантини танлаб, умумий битта «Балиқ скелети»ни</p>

	<p>беради.</p> <p>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қиласди. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.</p>	<p>тўлдирадилар. Гуруҳдан ўқитувчи танлаган талаба чиқиб, гуруҳ ишини тақдим қиласди, фикрларини изоҳлайди. Бошка гуруҳ иштирокчилари томондан берилган саволларга жавоб беришади.</p>
III. Якуний босқич (10 минут)	<p>3.1. Мавзунининг режадаги биринчи учта саволини умумлаштиради, хулосалар қиласди, якун ясайди. Талabalар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайди. Гуруҳ фаолиятида фаол қатнашга талabalарни алоҳида қайд қиласди ва қолган талabalар ҳам кейинги машғулотда фаол иштирок этишларини айтиб, умумий баҳоларни эълон қиласди.</p> <p>3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова); (2) қўшимча адабиётлардан мавзуга тегишли бўлган янги маълумотларни тўплаш.</p>	<p>Эшигадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

8.2. Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

<i>Талabalар сони:30-50 та</i>	<i>Дарс вақти – 4 соат</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Мавзу бўйича билимларни чуқур ўрганиш ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган амалий машғулот

<i>Машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат таълим стандартлари таълим-тарбия жараёнини лойихалаш ва бошқаришнинг янги тури сифатида. 2. Таълим сифатини бошқариш. 3. Таълим сифатига қўйиладиган талаблар ва олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. 4. Таълим тизимида аттестация ва аккредитациянинг аҳамияти ва уларни ўтказиш механизмлари. 5. Иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлиқ даражасига таълимнинг таъсири. 6. ОТМда таълим-тарбия жараёнини бошқариш ва лойихалаш воситалари.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини бошқариш ва лойихалаш воситалари бўйича билимларни чуқур ўргатиш.
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Мавзу бўйича билимларини чуқурлаштириш ва системалаштириш;	Мавзу бўйича тушунчага эгалар;

дарслик билан мустақил ишлаш, тизимга солиш, таққослаш, мулоҳаза қилиш;	дарслик билан мустақил ишлай оладилар, таққослаш ва мулоҳаза қилиш қобилиятига эгалар;
мустақил реферат тайёрлаш кўнималарини сингдириш ва масофадан ўқитишни таҳлил қилиш.	“ОТМда таълим-тарбия жараёнини бошқариш ва лойихалаш воситалари” мавзуси бўйича ўқув материалидан фойдаланиб, методик талаблар асосида реферат тузиш.
<i>Ўқитиши усуллари</i>	Мустақил реферат тайёрлаш, жамоа муҳокамаси, блиц-сўров, тест.
<i>Ўқитиши шакллари</i>	Фронтал ва индивидуал иш, жамоа билан ишлаш.
<i>Ўқитиши воситалари</i>	<i>Ўқув қўлланма, тест.</i>
<i>Ўқитиши шароити</i>	<i>Жиҳозланган аудитория.</i>
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб.

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Талаба фаолиятининг мазмуни
---------------	-------------------------------	-----------------------------

1 босқич Мавзуг а кириш (5 мин)	<p>1.1. Ўқув машгүлоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси асосида гурухда иш олиб боришни айтиб ўтади.</p> <p>1.2. Фаоллаштирувчи саволлар беради. «Ушбу мавзу бўйича нималарни ўргандингиз?». Блиц-сўров ўtkазади.</p>	Эшитадилар, ёзадилар.
2 босқич Индивид ишлаш (10 мин)	2. Якка тартибда тест ўtkазади. (1 илова)	2.1. Ёзма равища тест саволларига жавоб берадилар ва ишни топширадилар.
3 босқич Асосий (60мин)	<p>3.1. Мавзу бўйича мустақил иш бажаришда билим ва кўнималар шаклланишини таъкидлайди ва масофавий ўқитишни таҳлил қиласди.</p>	3.1. Топшириқни бажарадилар.
	<p>3.2. Реферат тузиш бўйича ўқув материалидан «Олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини бошқариш ва лойиҳалаш воситалари» мавзусида топшириқ беради. (2 илова)</p>	3.2. Намунада кўрсатилган баҳолаш мезоналари билан танишадилар.
	<p>3.3. 1-2 талабалар томонидан бажарилган ишни умумий баҳосини чиқаради.</p> <p>3.4. Шу кўринишдаги ишни бажариш усулларини тушунтиради, намуна бўйича баҳолаш натижалари ёзилган қоғозни белгилайди. (3 илова)</p> <p>Талабалар томонидан бажарилган ишни мамуна бўйича қиёсий таҳлил қилишни ташкил қиласди.</p>	3.3. Олдинроқ бажарилган ишлар таҳлил қилинади.
	<p>3.5. Ҳар бир талабанинг ишида баҳолаш мезонларини қўллайди, кучли ва кучсиз томонларини топади, ўз-ўзини баҳолашни ташкил қиласди.</p>	3.5. Таклифлардан фойдаланади, мустақил равища ушбу топшириқни бажариш натижаларини баҳолайди.

	3.6. Бир қанча бажарилган ишни натижаларини жамоада мухокама қилишни ташкил қиласди. Иш мухокамасида умумий баҳо чиқаради.	3.6. Ишни жамоада мухокама қиласди.
4 босқич Якуний (5 мин)	<p>4.1. Иш якуни бўйича хулосалар чиқаради.</p> <p>4.2. Мустақил ишлаш учун топшириқлар беради:</p> <p>1. Бошқа ўқув материалидан фойдаланиб, реферат тайёрлаш (4 илова) ўрганилган усул ва намунада кўрсатилган талабга риоя қилинади.</p> <p>2. Масофавий таълим бўйича реферат танланиб, аниқ режа асосида ёзиш кераклиги кўрсатилади.</p>	<p>4.1. Саволлар берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқни ёзадилар.</p>

9 – МАВЗУ	Ўқув тарбия жараёнини услубий жиҳатдан бошқариш
----------------------	--

(маъруза – 2 соат, амалий машғулот – 2 соат)

9.1. Маърузада таълим технологияси

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Мутахассис (педагог) иштирокидаги маъруза
<i>Мавзуу режаси</i>	<p>5. Таълим тизими муассасасида ўқув тарбия жараёнини бошқаришда ҳуқуқий ва услубий асослари.</p> <p>6. Таълим тизими йўналиши ва мутахассисликлари классификатори.</p> <p>7. ОТМда янги мутахассисликларни очиш ва тайёрлашни ташкил этиш.</p> <p>8. Таълим жараёнини бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш хусусиятлари.</p>
<i>Машғулотнинг мақсади:</i>	Олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг методик ва ҳуқуқий асослари тўғрисида билимларини шакллантириш.
<i>Педагогик вазифалар:</i> - Таълим тизими муассасасида ўқув тарбия жараёнини бошқаришда ҳуқуқий ва услубий асослари ҳақида	<i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i> - Таълим тизими муассасасида ўқув тарбия жараёнини бошқаришда ҳуқуқий ва услубий асослари моҳияти, мақсади ва вазифаларини ёритади;

<p>тўлик тушунча бериш;</p> <p>- Таълим тизими йўналиши ва мутахассисликлари классификатори ҳақида маълумотлар бериш;</p> <p>-ОТМда янги мутахассисликларни очиш ва тайёрлашни ташкил этиш ҳақида маълумот бериш;</p> <p>-Таълим жараёнини бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш хусусиятлари ҳақида тушунча бериш;</p>	<p>- Таълим тизими йўналиши ва мутахассисликлари классификаторини тушунтиради;</p> <p>-ОТМда янги мутахассисликларни очиш ва тайёрлашни ташкил этиш ҳақида тушунчаларини белгилаб беради;</p> <p>-Таълим жараёнини бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш хусусиятлари моҳиятини тушунтиради;</p>
<i>Таълим методлари</i>	Маъруза, тезкор-сўров, «эксперт сўрови» методи, таҳлил, тест.
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер технологиялари, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, чизмали органайзерлар.
<i>Таълим шаклари</i>	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш.
<i>Ўқитиши шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланиш ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаши</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Маърузанинг технологик харитаси

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчининг</i>	<i>таалабанинг</i>
I. Кириш босқичи (10 дақиқа)	<p>1.1.Мавзунинг номи, мақсади, ўқитиши натижаларини, мавзунинг режасини эълон қиласди.</p> <p>Ўқув машғулотининг ўтказилиш шакли ва тартибини тушунтиради.</p>	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	<p>2.1.Назария ва амалиётни таққослаш асосида янги материални ўрганишини ташкил қиласди. Бунинг учун тестлаштириш, гурухий тестлар ва уларнинг қўлланилишининг назарий асослари ҳақида маълумот беради. (мавзуу режаси асосида). Расм, жадвалларни намойиш этади ва шарҳлайди (слайд).</p> <p>2.2.Амалиётчи сифатида педагог-</p>	Тинглайдилар.

	<p>ўқитувчининг маъруза режаси бўйича маълумот беришини ташкил қиласи.</p> <p>2.3. Талабаларга мавзуга тааллуқли саволлар беришни таклиф қиласи. (1-илова ўқитувчининг вариантилари).</p> <p>Ўқитувчи томонидан мавзунинг ҳар бир қисми бўйича берган жавобларини умумлаштиради.</p>	<p>Саволлар берадилар. Фикр алмашадилар.</p>
III. Якуний босқич (10 дақиқа)	<p>3.1. Талабалар диққатини мавзунининг асосий томонларига қаратган ҳолда, режанинг дастлабки учта саволи юзасидан хуносалар қиласи ва якун ясади.</p> <p>3.2. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: мавзунинг кейинги саволларини инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда ўрганиб келиш.</p>	<p>Эшигадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

«Таълим иқтисодиёти ва менежменти» фанидан маъруза матнлари тўплами

1-Мавзу. «Таълим иқтисодиёти ва менежменти» фанининг мазмуни, мақсади ва вазифалари (2 соат)

Асосий саволлар:

1. Таълимни бошқаришнинг зарурлиги ва моҳияти
2. Ўзбекистонда таълим тизимини ривожланиши.
3. «Таълим иқтисодиёти ва менежменти» фанининг мазмуни ва вазифалари.
4. Фаннинг предмети ва методлари.
5. Таълим иқтисодиёти ва менежменти курсининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
6. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида таълим тизимининг тутган ўрни ва аҳамияти.

Таянч иборалар ва тушунчалар: бошқарув, олий таълим тизими, узлуксиз таълим тизими, олий ўқув юртлари, менеджер, бошқарув функциялари

Дарснинг мақсади: бошқарув ҳақида тушунча бериш, таълим соҳасида менежментнинг хусусиятлари, функциялари, вазифалари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

1. Таълимда бошқарувнинг мазмуни ва аҳамияти.

Замонавий раҳбарнинг муҳим бошқарув мақсади ўз ходимларини ахлоқий жиҳатдан юксак даражага кўтариш, уларни маънавий жиҳатдан соғлом жамоага айлантиришдан иборат. Бу асосий қоидалар олий таълим соҳаси учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларида белгиланган мақсад ва вазифаларини бажаришда айниқса муҳимдир. Олий таълим соҳасида самарали бошқарув учун таълим сиёсатини миллий ва институционал миқёсда ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш учун масъул шахслар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалар, меҳнат соҳаси, олий таълим муассасалари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик зарур.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделида давлат таълим стандартлари энг муҳим унсурларидан биридир. Улар таълимнинг мақсад ва қимматини, унинг мазмуни ва натижаларини, таълим касб дастурининг асосий тавсифини, таълим жараёнининг шаклий тузилишини, унинг кўлами ва муваққат тузилмасини босқичма-босқич ҳамда якуний истиқболига йўналганлигини, таълим ва билимлилик даражасини белгилайди. Давлат таълим мезонларининг ташкилий-бошқарув вазифаси таълим тизимининг сифати ва миқдорий кўрсаткичларини тартибга солиш ва чегаралашдан

иборатдир. Булар ёрдамида таълим тизимининг масъул шахслар, давлат, жамият ва иш берувчи томонидан назорати таъминланади.

Олий таълим соҳасидаги сифат кўп ўлчамли, унинг бутун вазифаси ва фаолият турларини қамраб оловчи тузилма ҳисобланади. Сифат муаммоларини ҳал қилишда унга таъсир этувчи омиллар бутун мажмуини уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва шу билан бирга ҳаракат қилишилигига бошқаришлик зарур, яъни тизимли ёндашишдан фойдаланиш лозим.

Олий таълим муассасасини бошқаришнинг муҳим механизми бўлиб, унинг фаолиятини таълим хизмати кўрсатувчилар – ишлаб чиқарувчилар (илмий педагогик, педагог кадрлар) ва талабгорлар (ўқитилаётганлар, уларнинг ота-оналари, ходимларини буюртма қилувчилар) томонидан назорат қилиш ҳисобланади. Ўз-ўзини назорат қилиш натижалари олий таълим муассасасини ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асос бўлиб хизмат қиласи.

Ўқув тарбий жараёнини бошқаришнинг таъсирчан усули бўлиб, педагогик мулоқот, ишонтириш, асослаш ва мунтазам назорат ҳисобланади. Педагогик мулоқот жараёнида ўқитувчи таълим ва тарбий бўйича ўз хизмат мажбуриятларини амалга оширади. Буларнинг самарадорлиги эса Раҳбар танлаган усул ва талабаларни йўналтиришга боғлиқ.

Мунтазам назорат «қайтма алоқа» вазифасини бажаради ва қуйидаги мақсадга қаратилган:

- ўқиётганларнинг режалаштирилган ўқув мақсадларини ўрганишдаги натижаларини белгилаш ва баҳолаш;
- Таълимнинг паст натижалари сабабини аниқлаш;
- Ўқув тарбия жараёнининг боришини баҳолаш ва уни тартибга солиш таъсирий чораларини амалга ошириш.

Олий мактабга қўйиладиган талаблар кучайиб бораётган шароитда ишни ташкил этиш анча мураккаблашди ва профессионал бошқарувни талаб этади.

Хозирги вақтда менежмент жамият ҳаётининг деярли барча томонларида акс этувчи мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодиса ҳисобланади.

Менежментнинг маълум турлари (маъмурий, банк, стратегик, инновацион ва б.) орасида ишлаб чиқариш менежменти алоҳида ўрин эгаллайди. У ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида интеллектуал, молиявий, хом ашё, моддий ресурсларни бошқаришни ўз ичига олади.

Билимлар ва интеллектуал капитални улардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида бошқариш муаммолари сўнгги йилларда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Билимлар бошқарув объекти сифатида қаралиши лозимлиги кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Корхоналарнинг рақобатбардошлиқ даражасига уларнинг билимларни жамлаш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш қобилияти ва охир-оқибатда рақобат соҳасидаги барқарор устунликлар тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот (ихтисослик, малака) олиш турли ўқув фанларидан муайян мазмундаги билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълимнинг мазмуни

таълим мақсадларига таянади ва Давлат таълим стандартлари билан белгиланади.

Республикамизда юз берган иқтисодий ўзгаришлар миллий иқтисодий амалиётимиз учун янги бўлган бир қанча касбларга бўлган талабни белгилади. Уларнинг орасида менежер касби ҳам бор. Олий ўқув юртини бошқариш амалиётига ҳозирги замон менежменти киритилиши муносабати билан ўқув юртларида менежерларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилади.

Унинг профессионализми бозорни, унинг қонунларини билишда, ташкилотнинг ривожланишини прогноз қила олишда ва ташкилот мақсадларига эришиш учун зарур шароитлар яратиш қўнимасида, ресурсларни бошқариш ва вақти-вақти бошқарув технологияларини янгилаш қобилиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб, таълим илмий-техникавий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим элементигагина эмас, балки шахс ва жамият ижтимоий ва маънавий ривожланишининг бевосита қисмига ҳам айланди. Шу туфайли ҳам таълим жараёнини бошқариш натижаси муҳим ижтимоий-иқтисодий омил ҳисобланади.

2. «Таълим менежменти» курсининг мазмуни ва вазифалари. Менежерлар инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида, шу жумладан ўқув юртларида ҳам бошқарув функциялари ва методларини амалда таърифлашни ўз олдига мақсад қилиб қўядилар. Аммо таълим соҳасида менежмент ўзига хос тарзда намоён бўлади. Авваламбор, шуни қайд этиш лозимки, таълим муассасалари менежментни жорий этишга анча кеч киришганлар. Масалан, АҚШда олий ўқув юртлари менежментини ишлаб чиқиш ва уни амалга жорий этиш вазифалари 1980-йилларнинг охиридагина амалга оширила бошланган.

Бугунги кунда ўқув юртларида менежментни жорий этиш муаммоси айниқса долзарб тус олганлигининг сабаби нимада? Бизнингча, бу ўзаро боғланган бир қанча омиллар билан боғлиқ:

- биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ мамлакат таълим тизимини ислоҳ қилиш янада ривожланиши билан;

- иккинчидан, таълим тизими бошқаришни демократлаштириш жараёни ва ўқув юртларига таълим-тарбия ва хўжалик масалаларини ечишда кенг мустакиллик берилгани билан;

- учинчидан, таълим соҳасида иқтисодий алоқалар кенгайгани ва Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ривожланаётган шароитда ўқув юртларини бошқаришнинг иқтисодий дастаклари кучайтирилгани билан.

Қўйилган мақсадга эришиш қўйидаги **вазифаларни** ҳал қилишни назарда тутади:

- ижтимоий бошқарув назариясининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи билан талabalарни таништириш;

- таълимда менежментнинг энг янги методлари ва принциплари ҳақидаги ахборот билан танишиш;

- таълим хизматлари бошқаруви, маркетинги ва инновациялари соҳасида маҳсус билимларни ўзлаштириш.

Таълимда менежмент куйидаги **асосий функцияларни ўз ичига олади:**

ўкув юртлари фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш, мақсадларни тўғри қўйишни;

кадрларни жой-жойига оқилона қўйиш, вазифаларни тақсимлаш, кичик тизимлар ўртасида алоқалар ўрнатиши;

таълимга оид ахборот тизимини ташкил этиш ва ундан фойдаланишининг самарадорлигини таъминлашни;

ҳар томонлама назорат, таҳлил, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни;

таълим муассасалари менежерларининг малакаси ва маҳоратини ошириш тизимини.

“Гаълим менежменти” курсининг бошқа фанлар билан алоқаси ва ўзаро муносабатлари. Баъзан менежмент – иқтисодий фан деган фикр илгари сурилади. Албатта, менежмент назарияси ва амалиёти иқтисодиётни билишни тақозо этади. Шу маънода у иқтисодий фан ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда ҳозирги босқичда менежмент билимнинг педагогика, психология, бошқарув психологияси, социология каби ва бошқа мустақил тармоқларига таянади. Айни шу сабабли менежмент фанлараро фан ҳисобланади.

Менежментнинг турли хил муаммолари билимнинг турли тармоқлари вакиллари томонидан тадқиқ этилади. Бунда муайян фан ютуқларидан муайян вазиятга татбиқан фойдаланилади. Бошқарув муносабатлари ижтимоий муносабатлар ҳисоблангани боис, менежмент ижтимоий фанларга киради.

Таълимда менежмент амалий фан ҳисобланади, чунки инсон фаолиятининг муайян амалий вазифаларини ҳал қиласи, ижтимоий-амалий муаммоларни ечишда фундаментал фанларнинг натижаларидан фойдаланади. Бу билан таълимда менежмент вазифаси табиат, жамият ва тафаккурнинг ўзаро алоқасини белгиловчи қонунларни билишдан иборат бўлган назарий фанлар (фалсафа, ахлоқ ва б.)дан фарқ қиласи.

Шундай қилиб, таълимда менежмент асосан амалий фан ҳисобланади,

чунки инсон фаолиятининг муайян амалий вазифаларини ҳал қилади, ижтимоий-амалий муаммоларни ечишда фундаментал фанларнинг натижаларидан фойдаланади.

4. Давлат иқтисодиётиниң ривожланишида олий таълимнинг ўрни ва аҳамияти. Жаҳонда олий таълим тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Таълим соҳасидан давлат монополиясидан воз кечиш, тижорат таълимини яратиш, жамият ҳаёти тузилишининг ўзгариши таълим хизматлари бозорига пайдо бўлиши олиб келди. Мазкур бозор ахборот бозори ва меҳнат бозори билан бир қаторда таълим соҳасига фаол таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт ва жамиятнинг ахборотлаштирилиши, давлат ва хусусий корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатиш шароитларининг ўзгариши таълим хизматларига талаб кучайишига сабаб бўлди.

Маълумот ҳозирги дунёда нуфузни белгиловчи омил сифатидагина эмас, балки ҳозирги ҳаёт яшаб қолиш воситаси сифатида ҳам қарабади. Таълим инсон капиталини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни сифатида қаралиши мумкин.

Мамлакатда таълим даражаси унинг меҳнат ресурси, иқтисодий салоҳияти, хавфсизлиги, ривожланиш имкониятларини белгилайди. Бу ерда гап аҳоли маълумот даражасининг ўсишидан бутун жамият кўрадиган самара ҳақида боради. Шундай қилиб, инсон ўз маълумот даражасини оширав экан, бундан нафақат ўзи наф кўради, балки жамиятга ҳам катта фойда келтиради. Бу таълим тизимида давлат томонидан дотацион мадад кўрсатилиши заруриятини белгилайди.

Таълим, айниқса олий таълим маданият билан узвийдир. Таълим хизматларига талаб маданият даражаси билан бевосита боғлиқ. Бунда маданият даражаси қанча юқори бўлса, янги билимлар ва қўшимча маълумотга эҳтиёж шунча кучли бўлади. Маданий даражанинг ўсишига мос равишда истеъмолчи ўзининг таълим соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга онгли равишда йўналтирувчи бюджетдаги ҳаражатлар улуши ҳам кўпаяди.

2-мавзу. Таълим тизими иқтисодиёти (4 соат)

- 1. Таълим муассасаларининг иқтисодиёти ва ташкилий мазмуни**
- 2. Таълим тизимини молиялаштириш.**
- 3. Таълим муассасаларини ривожлантиришда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш йўллари**
- 4. Олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш.**

1. Таълим муассасаларининг иқтисодиёти ва ташкилий мазмуни

Олий таълим муассасаларининг молия ресурслари иккита манбадан ҳосил бўлади: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ.

Бюджет ҳаражатларини хисоблашда талаба (ўқувчи)лар қабул қилиш

фани; талаба (ўқувчи)лар миқдори; таълим муассаси моддий-техникавий негизининг ҳажми асос қилиб олинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби ва тегишли маош фондини белгилаш учун битта ўқитувчига белгиланган талаба сони кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

Бюджет маблағидан фойдаланиш устидан назорат ҳаражатлар моддаси гурухлари бўйича маблағ ажратиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштириладиган». Тармокларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, молиялаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш учун Ўзбекистан Реснубликаси Вазирлар Маҳкамаси «Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» (1999 йил, 414-рақамли) қарор қабул қилди. Унда қуйидагиларни кўзда тутувчи янги тартиб белгиланди:

- бюджет ташкилотлари раҳбарларининг бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- мавжуд маблағларни улардан фойдаланиш самарадорлигини юқори даражада оширишга эришиш мақсадида турлича қўллаш учун имконият яратиш ва бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини соддалаштириш;
- меъёрлар бўйича бирваракай молиялаш усули билан бюджет ташкилотларни молиялашнинг янги тартибини жорий этиш;
- бюджетдан молиялашни таълим муассасаси соҳасига мос товарлар ишлаб чиқариш (иш, хизматлар бажариш) билан қўшиб олиб бериш;
- таълим муассасаси ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти натижаларини ошириш ва мутахассисларни жойлаштириш учун шароит яратиш;
- режавий бюджетдан молиялаш ҳисобидан тушган ва ҳисбот йили охирида бюджет ташкилот ҳисобрақамларида қолган, тежалган (фойдаланилмаган) маблағ;
- таълим муассасаси фаолият соҳаси бўйича товарлар сотиш (иш, хизматлар бажариш), ишлаб чиқаришдан келадиган даромадлар;
- юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик ёрдами.

2. Таълим тизимини молиялаштириш

Давлат олий таълим муассасаси, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этиладиган бюджет ташкилоти ҳисобланади ва тўлиқ ёки қисман давлат бюджетидан таълим» ва ижтимоий-маданий ҳамда молиявий вазифани бажаради.

Мутахассислар тайёрлашга бўлган давлат буюртмаси таълим муассасасига бюджет маблағи ажратиш учун асос бўлади, шунга мувофиқ олий таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратилади.

Олий таълим муассасасининг бюджет тизими қуйидаги тамойилларга асосан тузилади:

- ички молия тизимларининг методик бирлиги;
- кирим ва чиқимлар ҳисоб-китобининг тўлақонлилиги;

- ошкоралик;
- раҳбарият миқёси бўйича бюджет ваколатининг тақсимланиши.

Олий таълим ҳақидаги қоидалар олий таълим муассасасининг бюджет тузилиши тамойиллари, ҳаражатларни тасдиқлаш тартиби, бошқарув турли даражаси ҳукуқларини белгилайди.

ОТМ бюджети-тегишли қоидалар билан мустаҳкамланган олий таълим муассасаси пул маблагининг ҳосил бўлиш ва сарфланиш шакли. Бюджет олий таълим муассасаси учун яхлит ёки қисман юридик шахс ҳукуқи берилган айрим бўлинма, алоҳида молия ҳисоби учун ажратилган ички бўлинма учун тузилади.

Бюджет тизими уч босқичи фарқланади:

- умумтаълим муассасаси;
- айрим бўлинма миқёси;
- айрим ишлар, айрим тадбир, айрим обьект миқёси.

Олий таълим муассасасини молиялаш учун маблағ давлат тузилмалари (давлат маблағи)дан, корхона ва якка фуқаролар (давлатга алоқаларсиз маблағ)дан келиши мумкин. Олий таълим муассасаси бюджет тизимининг ягоналиги ҳуқуқий негиз ягоналиги, таснифлашнинг ягона тизимидан фойдаланиш, хужжатлар ҳисбот ва режали шакли бир хиллиги, умумий бюджет тузиш учун бошқарув босқичлари бўйича зарур статистик ҳисбот тақдим этиш билан таъминланади.

Таълим муассасаси бюджетдан молиялаш механизми бюджет тузиш ва ундан фойдаланиш ягона қоидасини қўллашга асосланади, бу давлат иқтисодий ва молиявий сиёсати билан белгаланади.

ОТМ бюджет тизими ягоналиги турли босқичлар даромадига тушумлардан ажратмалар ва бошқарувнинг анча юқори босқичидан мақсадли ҳисоб рақамига тушумлардан ажратмалардан белгиланган меъёрлар орқали бюджетлар ўзаро бирлашуви билан чекланади.

ОТМ бюджет даромадлари-маъмурият ёки алоҳида бўлинмаларнинг раҳбарлари тасарруфига тушадиган пул маблағи.

ОТМ ҳаражатлари-олий таълим муассасаси, унинг бўлинмаси ёки айрим ходимлар эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган пул маблағи.

Ҳаражатларни даромаддан ошиб кетиши олий таълим муассасаси бюджетидаги камомад (дефицит)ни ташкил этади. Камомадни қоплаш манбаи навбатдаги йил бюджетида тасдиқланади ёхуд кейинги даврга карз сифатида ўтказилади.

Олий таълим муассасаси бюджет даромади қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

- қабул назорат рақамларига мувофиқ мутахассислар тайёрлаш учун давлат ажратмаси;
- малака оширишни давлат молиялаши;
- мақсадли ўқув программаларини давлат молиялаши;
- корхоналарнинг қўшимча таълим хизматига ҳақ ўтказиши;
- айрим фуқароларга қўшимча таълим хизмати кўрсатиш, таълим беришга ҳақ ўтказиш;

- олий таълим муассасаси майдони ва ресурсларининг ижараси учун маблағ ўтказиш;
- грантлар;
- илмий, консультатив ва таълимга алоқадорсиз турли хизматларга ҳақ тўлаш;
- моддий мас активларни сотишдан келган даромад;
- хусусий мулкни ёки олий таълим муассасасига хусусий мулк қилиб қолдирилган мулкни сотишдан тушган даромад;
- бошқа ташкилотлар фаолиятида қатнашишдан келган даромад;
- маданий-оммавий тадбир ўтказишдан келган даромад;
- бошқа ташкилотлар беғараз ёрдами.

Олий таълим муассасалар қўшимча даромад ёки режадан ташқари тушимга эга бўлса, улар биринчи галда қўшимча тушумлар ҳисобига молиялаштириладиган сарфларга йўналтирилади, сўнг кўзда тутилмаган ишларга тўланади, ниҳоят узоқ муддатли карзларга ажратилади. Қўшимча маблағлар йўналтириладиган тадбир ва соҳалар устуворлиги Олий таълим муассасаси кенгаши ва унинг ректори томонидан белгиланади. Бу устуворлик олий таълим муассасасининг навбатдаги йиллик иқтисодий режасини тайёрлашда кўзда тутилади.

Агар аввал режалаштирилмаган янги тур харажатлар қилиш зарурати пайдо бўлса, бунда уларни молиялаштириш олий таълим муассасаси кенгаши қарори ёки молиялаш тартиби кўрсатилган олий таълим муассасаси бўйича буйруқ билан белгиланади. Режада белгиланганидан ортиқ микдордаги харажатларни молиялаш зарур бўлганда олий таълим муассасаси бўйича молиявий текширув тайинланади, унинг натижаси бўйича молиявий қарор қабул қилинади. Бухгалтерия хизматининг режадаги йиллик бюджет харажатлари рўйхатига кирмаган сарфларни молиялашга ҳаққи йўқ.

Жорий харажатлар унсурлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан:
- ходимлар асосий маоши;
- иш ҳақига устама;
- меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш;
- лавозимдан ташқари ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
- ходимларга бошқа хил пул тўловлари;
- иш ҳақига ажратмалар, шу жумладан:
- давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар;
- Давлат бандлик фондига бадаллар;
- таъминот нарсалари ва сарфлаш материаллари ҳарид қилиш, шу жумладан:
- девон анжомлари;
- юмшоқ жиҳозлар;
- бошқа сарф материаллари;
- хизмат сафари ва иш бўйича қатнов;
- транспорт хизмати тўловлари;
- алоқа хизмати тўловлари;
- коммунал хизмати тўловлари;
- бошқа хизматларга тўловлар, шу жумладан:

- бино ва хоналарни жорий таъмирлаш;
- жиҳоз ва ускуналарни жорий таъмирлаш;
- қарзлар фоиз тўлови;
- аҳолига трансферлар, шу жумладан:
- моддий ёрдам бериш;
- стипендиялар;
- овқатланиш учун тўловлар;
- ёзги дам олишни қўллаб-куватлаш учун тўлов;
- бошқа трансферлар.

Капитал сарфлар жиҳозлар сотиб олиш, капитал қурилиш ва капитал таъмирлашдан юзага келади.

Кўйидагилар капитал сарфларнинг унсурлари ҳисобланади:

- жиҳозлар сотиб олиш, шу жумладан:
- ишлаб чиқариш ускуналари;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган жиҳозлар;
- капитал қурилиш, шу жумладан:
- турар жой;
- ишлаб чиқариш обьектлари;
- ижтимоий-маданий ва майший мақсадлардаги Объектлар;
- маъмурий обьектлар;
- капитал таъмирлаш, шу жумладан:
- турар жой фонди;
- ишлаб чиқариш обьектлари;
- ижтимоий-маданий ва маъший хизмат обьектлари;
- маъмурий обьектлар;
- ер сотиб олиш ва моддий мас активлар, шу жумладан:
- ер;
- номоддий активлар.

Ташкилотларнинг молиявий муносабатлари кредит ва унга тўловлар орқали ҳисобга олинади. Фаолиятнинг бу соҳасини акс эттирувчи сарфлар унсури кўйидагиларни ўз ичига олади:

- кредитлар бериш;
- кредитлар қайтариш;

3. Таълим муассасаларини ривожлантиришда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш йўллари

Республикада иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш даврида таълимни молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши бўлиб, бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу чора олий таълимни жаҳон миқёсида ривожлантиришнинг обьектив қонунияти ҳисобланади, ўтиш давридаги шарт-шароит тақазосига кўра фақат Ўзбекистондаги зарурат эмас.

Шартнома бўйича мутахассис тайёрлаш олий таълим муассасаларининг корхоналар билан муносабатларини ривожлантиришнинг мумкин бўлган бир

талай имкониятларидан биридир. Бу бозор иқтисодиётини шаклланиши шароитларида тубдан ўзгаради, чунки, бу икки тузилманинг бир-бирига зарурлиги ва манфаатдорлиги юзага келади ҳамда ошиб боради.

Ҳозирги вақтда таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунлашуви, муттахассислар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимиға ўтиш, таълим турли босқичларини молиялашга янгича ёндашиш ишлаб чиқилган. Бу муттахассислар тайёрлашни бюджетдан ташқари молиялашнинг умумий йўналишини очиб беради, у қуйидагичадир: касбий тайёргарлик даражаси қанча юқори бўлса, унинг учун шунча катта улушни бюджетдан ташқари молиялаш ўз зиммасига олиши керак.

Олий мактабни молиялашнинг бошқа манбаи таълим учун ўқиётганларнинг ўзи ҳақ тўлашидир.

Олий таълим муассасалари тўловнинг турли шаклларини жорий этиш масаласини ҳал этишда Ўзбекистон республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига амал қиласи.

Таълим учун ҳақ тўлаш муаммоси олий мактаб муттахассислар салоҳиятини сақлаб қолишга салмоқли ҳисса қўшувчи тижорат тузилмасисиз ҳал этилиши мумкин эмас. Уларнинг молиявий ёрдами баъзи ҳолларда жуда салмоқли бўлади. Ўқитувчилар, аспирантлар ва талабаларни тижорат корхоналари ишида қатнашишга жалб этиш ўқув жараёнини мавжуд иқтисодий амалиёт билан қўшилишига имкон яратади, ўқитувчилар таркиби юқори даражада касбий малакага эга бўлиши ва уни сақлаб туришга кўмаклашади. Чет мамлакатлар учун муттахассислар тайёрлаш ҳам бюджетдан ташқари маблағ келишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу муносабат билан чет элликларни ўқитиш қанча туришлигини аниқлаш зарурати вужудга келади. Муаммо шундаки, чет эл фуқароларини ўқитишнинг энг қуи даражада тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш талаб этилади. Албатта, чет элликларни ўқитиш ягона қийматини маъмурий тарзда белгилаш мумкин эмас, чунки турли олий таълим муассасаларига бериладиган имтиёзлар турличадир. Лекин улар ҳозиргача тўпланган тажриба асосида белгиланади ва уйғунлаштирилади. Ҳақ тўлаш масаласи олий таълим муассасалари берадиган диплом сифати, уни ҳалқаро ташкилотлар, ишбилармонлар дунёси, жамоатчилик томонадан тан олиниши масаласи, олий таълим муассасалари халқаро аккредитациядан ўтказилишига боғлиқ.

Хўжалик шартномаси тузиш асосида саноат корхоналари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш олий таълим муассасасини бюджетдан ташқари молиялашнинг анъанавий ва муҳим манбаларидан ҳисобланади. Илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, уларни амалга оширишнинг янги шаклларини топиш, ҳозирги замон тараққиётига мослаш қўпгина олий таълим муассасаси учун молиялашнинг қўшимча манбани излашнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда. Илмий-тадқиқот олиб бориш фаолияти ҳамон олий таълим муассасасини молиялашнинг қўшимча манбаи бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида олий таълим

муассасасининг вазифаси тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш бўйича катта ва турли-туман ишларни амалга олиш, молиялашнинг бюджетдан ташқари манбаларини излаш ва жалб этишдан иборатdir. Бюджетдан ташқари фаолият асосий турларини қўйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Таълим хизмати соҳаси:

- таълимнинг тўлов-контракт шакли;
- олий таълим муассасасига киришга тайёрлов;
- корхоналар билан шартнома асосида мутахассисларни тақсимлаш;
- иккинчи олий маълумот олиш;
- турли хил бизнес-мактаблар ташкил этиш;
- чет тилларни жадал ўргатиш курсларини ташкил этиш;
- маҳсус сертификатлар бериладиган курсларда қўшимча таълим бериш (программачилар, бухгалтерлик аудиторлик ва ҳ.к.);
- жисмоний ва юридик шахслар учун тўлов асосида консультациялар ташкил этиш;
- пулли қисқа муддатли курслар ва семинарлар ташкил этиш.

2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:

- хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари;
- консалтинг ва маълумотнома-ахборот фаолияти;
- минтақаларда юқори технологияни жорий этиш билан боғлиқ тадбиқий фаолият;
- илмий жиҳозлар ва ускуналар лизингини ташкил этиш;
- хукумат муассасалари, бошқарувнинг ҳудудий идоралари ёки тижорат тузилмаларининг буюртмасига кўра фанлараро мужассам тадқиқотлар;
- кичик ва ўрта бизнесга илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш;
- илмий-техникавий парклар ва янгиликлар инкубаторийларини ташкил этиш;
- тижорат ва хўжалик ҳисоби асосидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари билан якка тартибдаги шартнома бўйича илмий ишлар олиб бориш;
- олий таълим муассасаси олимларининг кашфиёт ва ихтиrolарига патент ва лицензия сотиш;
- тижорат фирмалари ва корхоналар билан илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар ташкил қилиш;
- чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузиш;
- тўлов асосида илмий-амалий конференция ва семинарлар ташкил этиш;
- олий таълим муассасаларининг таълим ва илмий-тадқиқот хизматларини реклама қилиш;
- аудиторлик фаолиятини ташкил этиш;
- Ўзбекистон республикаси қонунчилигига ман этилмаган илмий-ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа инновация фаолияти турлари олиб бориш.

3. Ташқи иқтисодий фаолияти:

- чет эллик талабалар, аспирантлар, магистрлар ва тажриба орттирувчилар таълимини ташкил этиш;
- хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда факултетлар ташкил қилиш;

- хорижий шериклар билан қўшма корхоналар тузиш;
- чет эл жамғармалари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш программаларида қатнашиш;
- Ўзбекистон талабаларини чет эл олий таълим муассасаларига юбориш;
- турли хил чет эл инвестициясини жалб этиш.

4. Тижорат фаолияти:

- дарсликлар, ўқув-услубий ва илмий-оммабоп адабиётлар чоп этиш;
- даврий нашрлар чиқариш;
- реклама фаолияти ташкил этиш;
- бўш хоналарни ижарага бериш;
- хоналар узоқ муддатли ижараси (лизинги);
- таътил вақтида бўшаб қолган ётоқхоналарни ижарага қўйиш;
- мажлислар зали, аудиторияларни конференция, пулли машғулотлар ўтказиш учун ижарага бериш;
- талабалар, ходимлар ва аҳоли учун хизмат соҳаси:
- умумовқатланишни ташкил килиш;
- соғломлаштириш масканларининг даволаш, соғломлаштириш хизмати;
- спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар хизмати;
- майший хизмат (сартарошхона, кимёвий кир ювиш, косибчилик ва ҳ.к.);
- пулли болалар боғчаси ва майдончаси ташкил этиш;
- тижорат ташкилотларига олий таълим муассасаси рамзи, реквизитларидан фойдаланиш хуқуқини бериш;

5. Ҳомийлик:

- корхона, ташкилот ва хусусий мулк барча туридаги фирмалардан ҳомийлик маблағларини жалб этиш;
- жиҳозларни беғараз бериш (аудио-видео, компьютер оргтехникиси, ўқув-амалиёт ускуналари, ёзув қофозлари ва ҳ.к.);
- кутубхона жамланмасини тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, каталоглар, бадиий адабиёт ва ҳ.к.);
- чет эл инвестициясини жалб этиш (кичик-босмахона, автотранспорт, ўқув-амалиёт жиҳозлари, ўқув адабиётлари);

6. Олий таълим муассасалари Мураббийлар кенгашини ривожлантириш жамғармаси:

- давлат корхоналарининг кўнгилли бадаллари;
- кооператив ташкилотлар кўнгилли бадаллари;
- фуқаролар кўнгилли бадаллари;
- чет эл инвесторларининг кўнгилли ҳомийлик бадаллари;
- Мураббийлик кенгашининг чет эл фирмалари билан қўшма корхоналаридан келадиган даромад;
- тижорат банклари ва бошқа молия муассасалари берган кредитлар;
- Мураббийлик кенгаши номига келган бошқа тушимлар.

Фаолият турли кўринишларини ва молиялашнинг қўшимча манбаларини жалб этишни кенгайтириш бўйича барча чораларни кўриб, олий таълим муассасалари ҳаддан зиёд тижоратга берилиб кета олмайдилар, чунки, олий мактаб жамиятнинг муҳим ижтимоий институтидир, у жамиятнинг ақлий ва

маънавий салоҳиятини оширади. Шунинг учун уни тижоратлаштириш йўналиши уставда кўрсатилган фаолият мақсад ва вазифаларга зид келмаган тақдирдагина ўзини оқлаган бўлади, унинг қайта шаклланишига олиб келмайди.

4. Олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш

Олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолиятини бошқаришнинг муҳим усули бўлиб, ресурс усули, хусусан, молиявий усул ҳисобланади. Давлат олий таълим муассасасида ресурслар тузилиши меҳнат ва моддий ресурслардан ташкил топади. Масалага анча кенг ёндашилса, яъни ахборот тўпловчи ресурслар имкони ва ресурслар бошқа турларини айтиш мумкин. Булар муайян маънода иккиламчидир, чунки, оқибатда, бари бир ходимлар меҳнати ёки улар фаолиятининг моддий шартлари атрибут сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан моддий мас активларни ажратиб кўрсатиш зарур, шунингдек унинг таркибидаги интелектуал мулкни ҳам таъкидлаш жоиздир. Хусусан ишлаб чиқариш омили сифатидаги олий таълим муассасаси ходимлари тадбиркорлик қобилиятини ҳисобга олиш талаб этилади. Ресурслар моддий қисмида, биринчи галда, бюджетдан ташқари фаолият ҳисобига шаклланган молиявий ресурслар муҳим ўрин тутади.

Ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатидаги олий таълим муассасаларининг ресурс (актив)лари ўзига хослиги қуйидагичадир:

- номоддий активлар аҳамияти сезиларли ва тобора ошиб бормоқда;
- лабаратория-эксперимент жиҳозларидан саноатдагидек жадал фойдаланила олмаслиги; унинг нодирлиги, юқори қиймати ва ликвидлилиги, бу олий таълим муассасаси маҳсулотининг рақобатбардошлигини пасайтиради;
- инсон капиталининг нодирлиги ва юқори малакаси, яъни илмий-педагог ходимлар; уларни, бир томондан, меҳнат ресурси сифатида гарчи олий таълим муассасасида қиммат туриши, иккинчи томондан, талабалардек арzon ишчи кучи мавжуд бўлсада;
- олий таълим муассасаси барча тур ресурслари (ҳам меҳнат, ҳам моддий) чекланганлиги, булар бюджетдан ташқари фаолиятга жалб этилиши мумкин. Мазкур ресурслар фақат мутлоқгина эмас, балки нисбий ҳам. Чунки улардан асосан бюджетдан молиялаштириладиган таълим ва илмий жараёнда фойдаланиш устувор ҳамда мажбурий ҳисобланади, бунда бюджетдан ташқари фаолиятни ташкил этиш қийинлашади.

Замонавий иқтисод ресурс (актив)ларга оид қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади; асосан, айланма, номоддий.

Моддий мас активлар, булар узоқ муддат фойдаланиладиган ва даромад келтирадиган хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган моддий бўлмаган объектлардир. Моҳияти, бу-тадқиқот ва ишланмалар олдидан келадиган натижалар. Хўжалик оборотига жалб этилиб, нарх қийматига эга бўлиб, улар моддий мас активга айланади. Амалдаги бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги

қоидага мувофиқ моддиймас активлар таркибиде ер майдонидан, патент, лицензия, товар белгиси, ноу-хау, программавий маҳсулот, монопол ҳуқуқ ва имтиёз, хусусан фаолиятнинг лицензиявий тури ва ҳ.кдан фойдаланиш ҳуқуқи бўлади. Моддиймас активлар таълим иқтисодида муҳим жиҳатлардан бири бўлиб қолади. Номоддий активларни бошқариш асосий фондларни бошқариш билан чамбарчас боғланиб кетади. Интелектуал мулк ва унинг муҳофазаси, патентлар ва ноу-хау билан савдо қилишни кенгайтириш ҳақидаги қонунчилик ривожланган сари аҳамият касб эта бошлайди. Шуни таъкидлаш муҳимки давлат ОТМ тизимида интелектуал мулк ҳуқуқининг субъекта бўлиб, ОТМнинг ўзигина эмас, балки, илмий-педагогик ходимларининг бир қисми ҳам ҳисобланади. Бу ОТМдаги бюджетдан ташқари фаолият жараёнидаги иқтисодий муносасабатни мураккаблаштиради.

3-Мавзу. Таълим тизимини бошқариш методологияси ва тузилиши асослари (2 соат)

- Тезори сабаблар
13. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури олий таълимни бошқариш методологиясининг асоси сифатида.
 14. Таълим тизимини бошқариш тамойиллари ва вазифалари.
 15. Таълим тизимини бошқариш тизими ва уни ташкил этиш усуслари
 16. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий жиҳтлари.
 17. Таълим тизимининг босқичлари, турлари ва тутган ўрни.
 18. Ишлаб чиқаришни малакали кадрлар билан таъминлаш асослари.

Таянч иборалар ва тушунчалар: олий таълим методологияси, менежмент тамойиллари, миллий модел, миллий моделнинг таркибий қисмлари, шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш

Дарснинг мақсади: республикамида олий таълим тизими методологик асосларини ўрганиш, асосий меъёрий хужжатлари мазмунини билан таништириш, иқтисодиётнинг ривожланишида миллий моделининг аҳамиятини тушуниш.

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” олий таълим тизимида бошқарув методологиясининг асоси сифатида. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади ва шу йўлдан шаҳдам қадамлар ташламоқда. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи инсон, уни ҳар томонлама камол топтириш ва унинг фаровонлигини оширишdir.

Мамлакатимиз истиқлонининг энг дастлабки кунлариданоқ, буюк маънавиятимиз ва қадриятларимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий

таълим - тарбия тизимини шакллантириш, заминини мустаҳкамлаш, уни давр талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига олиб чиқиш мақсадларига катта аҳамият берилди. Шу боисдан ҳам, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича хуқуқий кафолат – “Таълим тўғрисида”ги Қонун, бош дастуримиз ҳисобланмиш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ана шу тарзда юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадларини кўзланган ҳолда ишлаб чиқилди ва улар 1997 йил 29 август куни Олий Мажлис IX сессиясида тасдиқланди.

Аввалам бор, бу икки Қонунни таълим муассасалари амалиётига татбиқ қилиш мақсадида алоҳида истиқбол дастури ишлаб чиқилиб, бу ҳужжатларнинг мақсад ва моҳияти барча воситалар орқали таълим муассасаларида, ота оналар. Аҳоли ўртасида кенг тушунтирилди. Таълимга оид меъёрий ҳужжатлар: концепциялар. Даслат таълим стандартлари, талаблари, ўқув режалари ва дастурлари, Низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар юқоридаги икки Қонун моддаларига мувофиқлаштирилди. Республикада узлуксиз таълим тизими шакллантирилди.


Иқтисодиёт, фан, маданият ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мамлакат ривожланишининг муҳим омили сифатида эътироф этилган. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим тизимининг мазмуни ва тузилишини, шу жумладан уни бошқаришни модернизация қилишга қаратилган.

Узлуксиз таълим тизимида олий таълим алоҳида ўрин эгаллайди. Умумий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизидаги олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ амалга оширилади.

Олий таълим тизимида бошқарувнинг вазифалари ва принциплари. Олий ўқув юртлари Республика узлуксиз таълим тизимининг етакчи бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларига мувофиқ Ўзбекистоннинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини масаласини ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал этишга қодир, юксак даражада маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш **олий таълим тизимининг вазифаси** ҳисобланади.

Таълим муассасасининг бош вазифаси – таълим олиш ёки малака оширишга бўлган эҳтиёжларни янги таълим технологиялари ёрдамида ва ўқув жараёнини сифатли таъминлаш йўли билан қондириш.

Олий таълим соҳасидаги ***давлат сиёсати*** қўйидаги
принципларга асосланади:



Олий таълим тизими қўйидагилардан иборат:

- давлатга қарашли ва давлатга алоқадорсиз олий таълим муассасалари, булар давлат таълим стандартлариiga мувофиқ таълим-касб дастурини амалга оширади;
- илмий-педагогик муассасалар, булар олий таълимни ривожлантириш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини олиб боради;
- таълимни бошқарувчи давлат идоралари, шунингдек, улар тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

1993 йилдан республиканинг барча олий ўқув юртлариiga тест синовлари орқали абитуриентлар қабул этилмоқда. Талабалар олий ўқув юртларида икки босқичли таълим асосида бакалавр ва магистр даражаларини эгаллашлари мумкин.

Бакалавриат – ихтисосликлар йўналиши бўйича ўқиши муддати тўрт йилдан кам бўлмаган назарий ва амалий билим берувчи таянч олий таълим.

Магистратура – бакалавриат асосида ўқиши муддати икки йилдан кам бўлмаган, муайян ихтисослик бўйича олий таълим.

Олий таълим тизимининг асосий вазифалари қуидагилар хисобланади:

давлат таълим стандартларига мувофиқ замонавий таълим-касб дастурлари асосида сифатли ўқитувни таъминлаш ва раҳобатбардош кадрлар тайёрлаш

юқори малакали илмий-педагог кадрларни, жумладан хорижий илмий марказларда, тайёрлаш

мамлакатни иқтисодий ва ижтиёмоий ривожлантириши истиқболи, жамият эҳтиёжси, фан, техника, технология, иқтисод ва маданият замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлашининг ташкил этилиши ва усулини мунтазам такомиллаштириши;

- таълимни индивидуаллаштириши, масофадан ўқитишнинг янги педагогик ва информацион технологиялари, воситаларини жорий этиши

мустақиллик гояларига содиқлик, Ватанга, оиласа ва атроф муҳитига муҳаббат руҳида, миллий уйғониши мағкураси ҳамда умуминсоний қадриятларни чүкүр ҳис этиши асосида олий таълимнинг гуманитар йўналишини, ёшлиар тарбиясини таъминлаш

таълим, фан ва ишилаб чиқаришнинг самарали уйғуланувчи усулларини амалиётга татбиқ этиши

таълим хизмати кўрсатиши бозорида, раҳобат муҳитини юзага келтириши

-олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириши ва мустақиллигини кенгайтириши

Олий ўкув юрти бу вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган стратегик вазифаларга таянади. Ўз хусусиятини саклаган ҳолда, таълимнинг ҳалқаро миқёсда интеграциялашувига мумкин қадар кўмаклашиш лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсоннинг интеллектуал ва маънавий ахлоқий тарбияси билан узвий боғлиқ равища узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган шахсни таркиб топтиришни кўзда тутади.

Шахс таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида давлат томонидан сифатли таълим ва касбий тайёргарлик олишга кафолатланган.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият қўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

Ўзбекистонда рақобатбардош иқтисодиётни ташкил этиш масалани ечишда *Кадрлар миллий модели* асос бўлиб, ҳисобланади. У қуидагиларни ўз ичига олади:

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий субъекти ва обьекти, таълим хизматини талаб этувчи ҳамда амалга оширувчи;

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолияти кўрсатишини назорат қилиш ҳамда иш олиб боришининг бошқаришни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларга талабгорлик кафолати;

Узлуксиз таълим - ўз таркибига барча таълим турини, давлат таълим стандартларини, фаолият кўрсатиш тузилмаси ва муҳитини олган малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асоси;

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва талаб этувчи, илғор педагогик ва информацион таҳнологияларни ишлаб чиқарувчи;

Ишлаб чиқаруш – кадрларга бўлган талабни, шунингдек, улар тайёрланганлик сифат ва даражасига талабни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимларини молиялаш ва моддий-техник таъминлаш иштирокчиси.

Менежмент етакчи мактабларининг ривожланиш хусусиятлари. Республикаиз бозор иқтисодиётига утиш муносабати билан ходимлар масаласини яхшилаш давр талаби бўлиб қолди. Республикада ходимларни танлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини яхши йўлга қутиш борасида бир қатор кузга куринарли ишлар амалга оширилди.

Бошқарув фани ва амалиёти меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти маҳсули сифатида вужудга келган. Бошқарув зарурияти меҳнатнинг жамоа хусусияти ва одамларнинг мулоқотга бўлган эҳтиёжи билан белгиланади. Бошқарув фани иқтисодий фанлар мажмуига киради. У математика ва табиий фанлар билан узвий боғлиқ.

4–Мавзу. Таълим тизимини бошқаришни илмий асослари ва стратегияси (4 соат)

Асосни саволлар.

8. Бошқарувнинг кўп илм талаб этишлиги.
9. Таълимда менежментнинг ўзига хос хусусиятлари.
10. Бошқариш стратегияси ва унинг асосий вазифалари.
11. Таълим муассасасининг риволаниш стратегиясини ишлаб чиқиши.
12. Мақсадга йўналтирилган стратегияни ишлаб чиқиши.
13. Стратегияни татбиқ этиш ва амалий қўллаш.
14. Таълим тарбия жараёнини баҳолашнинг янги йўналишларини

ўрганиш.

Таянч иборалар ва тушунчалар: интеллектуал капитал, бошқарув, бошқарув объектлари, инсон капитали, таркибий капитал, бошқариш стратегия, стратегия турлари

Дарснинг мақсади: таълим соҳасида стратегия тушунчасини тушунтириш, стратегия турларини таҳлил қилиш, стратегия тузиш амалий кўнималарини шакллантириш.

Бошқарувнинг кўп илм талаб этишлиги. Билимлар ва интеллектуал капитални улардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида бошқариш муаммолари сўнгги йилларда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Айрим ташкилот назарияси ва амалиётида билим бошқарув обьекти сифатида қаралиши лозимлигини тан олиш тенденцияси кузатилмоқда. Корхоналарнинг рақобарбардошик даражасига уларнинг билимларни шакллантириш, жамлаш ва ривожлантириш, уларнинг негизида инновациялар яратиш, охир-оқибатда рақобат соҳасида барқарор устунликка эришиш қобилияти янада кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Менежерлар амалда, шу жумладан таълим соҳасида ҳам бошқарув функциялари ва методларини қўллаш мақсадини қўймоқдалар. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, таълим муассасалари менежментни амалга жорий этишга анча кеч киришганлар ва ҳанузгача уни қўллаш борасида саноат корхоналаридан анча ортда қолмоқдалар.

Таълим тизими учун менежерлар тайёрловчи ўкув юртлари сўнгги йиллардагина пайдо бўлди. Бу бир қанча омиллар, чунончи: “Таълим тўғрисида”ги Конунга мувофиқ узлуксиз таълим тизимининг янада ривожланиши; таълим-тарбия ва хўжалик масалаларини ечишда ўкув юртларига кенг мустақиллик берилиши; таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиши ва Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ривожланётган шароитда ўкув юртларини бошқариш иқтисодий механизмларининг кучайиши билан боғлиқ.

Бошқача айтганда, таълим олиш учун ўкув юртини танлаш имконияти кенгаймоқда. Ҳар бир ўкув юрти ўз имкониятларидан тўлақонли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, яъни бошқарув обьекти сезиларли даражада ўзгарган. Айни шу сабабли бошқарув ҳам ўзгариши, менежмент шаклини касб этиши лозим.

Ўкув юртида бошқарув обьектлари уч таркибий қисмга бўлинади: *моддий-техникавий* (асбоб-ускуналар, воситалар ва б.), *информациян* (ўкув режалари, дастурлар, ҳужжатлар ва б.) ва *инсоний*. Иш сифатини бошқариш охирги обьектдан бошланади. Таълим менежментининг муҳим жиҳати унда ўзаро боғланган икки томон – педагогик ва иқтисодий йўналишнинг мавжудлигидир. Иккала йўналиш ҳам муҳим, лекин улар кўпинча вақтда ва маконда муштарак эмас. Айни шу сабабли ё таълим-тарбияни, ё хўжалик жараёнини бошқариш билан шуғулланувчи менежерларнинг гурухлари ажратилади.

Педагог ҳамманинг кўз ўнгидаги туради, унинг фаолиятига ўкувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслари, ўкув юрти раҳбарлари баҳо беради.

Атрофдагилар эътиборини қозониш ўқитувчи учун кўпинча моддий рафбатлантиришдан муҳимроқдир. Таълим менежменти ўқитувчига касбий кўникмаларга қўшимча тарзда бошқарув кўникмаларини ҳам ривожлантириш имкониятини беради. Уларнинг мавжудлиги командада самарали иш олиб бориш, режалаштиришни амалга ошириш, муаммоларни оқилона ечиш, ташаббус кўрсатиш, лидерлик фазилатларини, тадбиркорлик фаоллиги усулларини, коммуникатив кўникмаларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Таълимда менежмент тармоқ менежментининг бир тури сифатида. Билимларни бошқариш жараёнлари интеллектуал капитални бошқариш жараёнлари билан узвий боғлиқ.

Интеллектуал капитални бошқариш жараёни ташкилот хусусияти – унинг катта-кичиклиги, фаолияти ва ҳоказоларга қараб ўз хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Т.Стюарт фикрига қўра, интеллектуал капитал уч элемент: инсон капитали, таркибий капитал ва истеъмол капиталини ўз ичига олади.

“Интеллект” ва “интеллектуал капитал” тушунчалари бир-биридан фарқ қиласди. Интеллект – ақлий фаолият, тўпланган билимлар. Интеллектуал капитал муайян билимлар мавжудлиги, ақлий фаолият билан шуғулланишга қодирликнигина эмас, балки интеллектдан фойдаланиш йўли билан даромад олиш қобилиятини ҳам назарда тутади.

Инсон капиталининг асосий вазифаси – бойликларни бевосита яратиш. Инсон капитали бутун компанияга эмас, балки айрим ходимга тегишли бўлади. Шу сабабли ҳар бир ходимнинг уқув ва кўникмаларини билиш ва улардан мумкин қадар кўпроқ фойда олиш муҳимдир.

Инсон капитали айрим ходимга қарашли билим ва тажриба бўлса, ташкилотнинг билим ва тажрибаси таркибий капитални ташкил этади.

Уларнинг баҳамжиҳат фаолияти натижасида синергетик самарага эришилади – одамлар баҳамжиҳат ишлаш орқали ўз индивидуал ҳаракатлари йиғиндисидан кўпроқ самара оладилар.

Таркибий капитални бошқаришнинг асосий вазифаси – ходимларнинг билимларини ташкилот мулкига айлантириш ва уни шу сифатда сақлаб қолиш. Таркибий капитал – интеллектуал капиталнинг ходим кетганидан кейин фирмада қоладиган қисми.

Таркибий капитал ранг-баранг шакл касб этиши мумкин. Унинг таркибига технологиялар, ихтиrolар, маълумотлар базалари, эълон қилинган асарлар, стратегиялар, меҳнат маданияти ва маънавий қадриятлар кириши мумкин. Қоида тарикасида, буларнинг барчаси хужжатли расмийлаштирилиши лозим.

Таркибий капиталнинг асосий вазифаси – ходимлар индивидуал меҳнатининг самарадорлиги ва унумдорлигини синергетик самара ҳисобига ошириш.

Мазкур муносабатларга қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида баҳо берилиши мумкин:

- мижознинг қониқиши даражаси;
- мижознинг ташкилот билан ҳамкорлигидан олинадиган фойда;
- мижознинг содиқлиги.

Янги мижозни қўлга киритиш учун зарур харажатлар эски мижозни сақлаб қолиш учун зарур харажатлардан анча кўп. Иқтисодиётда кучли рақобат шароитида доимий истеъмолчиларни сақлаб қолиш энг мақбул стратегия ҳисобланади. Т.Стюарт фикрига кўра, истеъмол капиталида энг муҳими – ўзаро тил топиш, ишонч ва очиқликдир.

Истеъмол капиталини ташкилот интеллектуал капиталининг мустақил қисми сифатида ажратиш бозор иқтисодиёти шартларига мувофиқдир.

Таълимда стратегик менежментнинг амалий жиҳатлари. Жамиятда юз берган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар шу жумладан таълим соҳасида ҳам фаолият ҳар хил турларини амалга ошириш шароитлари ўзгаришига олиб келди. Ўзбекистон иқтисодиётида юз берган ўзгаришлар таълим муассасаларини бозорга қараб мўлжал олишга даъват этмоқда. Бунда асосий урғу иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий томонига берилмоқда. Мехнат жамоасини бошқариш тизимини яратишида шахс омилини ҳисобга олиш, инсон ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш айниқса долзарб тус олмоқда. Бундай шароитда инсон ресурсларини бошқариш борасидаги фаолият алоҳида аҳамият касб этади.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда педагогик жараённинг, ўқувчининг, педагог касбий ва шахсий фазилатларининг ривожланишини таъминловчи бошқарув зарур.

“Бошқарув” тушунчаси одатда тизимнинг бир ҳолатдан янада сифатлироқ ҳолатга ўтиши сифатида тавсифланади. Бу ерда икки жиҳатга эътиборни қаратиш лозим. Биринчи – тизимни сақлаш, унинг барқарорлигини қувватлаш мақсадида бошқариш (маъмурий бошқарув). Иккинчи жиҳат – тизим янги сифат ҳолатига ўтишини, яъни муттасил ривожланишини таъминловчи бошқариш.

Стратегик бошқарув олий ўқув юртининг бўлғуси муаммолари ва имкониятларини прогноз қилишнинг асосий усули ҳисобланади.

Стратегик бошқарув олий ўқув юртининг бозор ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди. Ташкилот ташқи ва ички муҳитининг бекарорлиги олий ўқув юртининг рақобатбардошлиқ даражасини оширувчи янги менежмент стратегиясини ишлаб чиқишини талаб этади.

“Стратегик бошқарув” атамаси илмий муомалага XX асрнинг 60-70-йилларида жорий бошқарув билан олий даражада амалга ошириладиган бошқарувни ажратиш учун киритилган. Бизнесни амалга ошириш шароитларининг ўзгариши шуни тақозо этган. Муҳитдаги ўзгаришларни ўз вақтида пайқаш учун олий раҳбариятнинг диққат марказини унга қаратиш зарурлиги оператив бошқарувдан стратегик бошқарувга ўтишнинг мазмунини акс эттирувчи етакчи гояга айланган.

Стратегик менежмент қўйидаги уч муҳим саволга жавоб топишни назарда тутади:

1. Ташкилот (муассаса) ҳозир қандай аҳволда?
2. У 3, 5, 10 йилдан кейин қандай аҳволда бўлишни истайди?
3. Мақбул аҳволга қандай қилиб эришиш мумкин?


Биринчи саволга жавоб бериш учун раҳбарлар жорий вазиятни яхши

тушунишлари керак, бунинг учун ахборот зарур; иккинчи савол келажакка қараб мұлжал олуви стратегик менежментни акс эттиради; учинчи савол танланган стратегияни амалга ошириш билан боғлиқ.

Бозор шароитида маъмурий бошқарувда жиддий ўзгаришлар юз беради. Янги иқтисодий муносабатлар ташкилотнинг ташқи ва ички муҳитини ўзгартиради. Ташқи муҳитда бозор механизмлари амал қилади ва уни ташкилот назорат қила олмайди. Ташкилот доирасида одамларга таъсир кўрсатиш механизмлари бозор қонунлари билан тартибга солинадиган ташқи муҳитга боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, бошқарувнинг буйруқбозлиқ усули ўрнини маъмурий бошқарув эгаллайди. У ташкилотдаги фаолиятни моделлаштириш, ривожланаётган жамиятда унинг рақобатбардошлигини таъминлашни назарда тутади. Буни таъминлаш учун раҳбарлар ва ходимлар тегишли билимлар, укув ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. таълим муассасасини самарали бошқариш учун ходимларни мотивлаштириш, таълим стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув ташкилий тузилмасини яратиш талаб этилади.

Маъмурий бошқарув кўрсатмалар, буйруқлар, фармойишларга мувофиқ амалга оширилади. Булар бошқарув фаолиятининг қонунчилик асосларини белгилайди. Ривожлантирувчи бошқарув замирида субъект-субъект муносабатлари ётади. Мазкур бошқарув таълим муассасасининг педагогик моҳиятини акс эттиради. Илмий адабиётларда бошқарувнинг мазкур усули “педагогик бошқарув” деб аталади. У илк бор Ю.В.Васильев томонидан илмий муомалага киритилган.

Стратегияларнинг турлари ва уларни таълим соҳасида қўллаш амалиёти. Илмий адабиётларда “стратегия” тушунчасининг мазмунига берилган кўп сонли таърифларга дуч келиш мумкин. Бу мазкур тушунча жуда серқирра эканлиги билан изоҳланади:



ташқари, стратегия ташкилот моҳияти хусусидаги мухим саволларга жавоб беради:

1. Бугун бизнесингиз кай ахволда?
2. Эртага унинг ахволи қандай бўлади?
3. Хизматларингиз, товарларингиз, функцияларингиз қандай?
4. Қўйилган мақсадларга эришиш учун нима қилиш керак?

Ташкилотни стратегик бошқариш белгиларига:

- келажакни аниқ қўриш;
- яқин келажак учун мақсадларни қўйишни киритиши мумкин.

Ташкилотнинг бўлғуси ҳолатини тахмин қилиш учун беш етакчи стратегияни ўз ичига олган моделдан фойдаланилади.

1. *Маҳсулот стратегияси*. Асосий йўналишлари – маҳсулот ёки хизмат турлари, сифатини белгилаш. Таълим муассасаси таклиф қилаётган хизматлар бошқарув жараёнларини тўлиқ белгилайди. Таклиф қилинаётган хизматлар сифатини бошқариш олий ўкув юрти истеъмолчиларнинг талабларига жадал суръатларда мослашишини назарда тутади.

2. *Маҳсулот ёки хизматларни илгари сурии стратегияси*. Асосий йўналишлар – маркетинг, жамоатчилик билан алоқалар, реклама, нарх белгилаш, хизматлар кўрсатишининг маҳсус шароитлари. Мазкур стратегияда маркетинг иши истеъмолчиларнинг талабларини аниқлашга қаратилади. Реклама таълим муассасаси, қўрсатилаётган хизматларнинг афзалликлари ҳақида ташқи муҳитга ахборот беришни, шунингдек истеъмолчиларда мазкур хизмат билан танишиш истагини уйғотиши назарда тутади.

3. *Ходимлар билан ишлаш стратегияси*. Асосий йўналишлари – ишга қабул қилиш, кадрлар мониторинги, таълим бериш ва ривожлантириш, мотивлаштириш ва рағбатлантириш, ўзаро алоқа ва назорат.

4. *Ресурслар стратегияси*. Асосий йўналишлари – ахборот, вақт, моддий ресурслар, молияни бошқариш. Зарурий ахборотга эга бўлиш рақобатда устунликни белгиловчи муҳим омилга айланади.

5. *Инновациялар стратегияси*. Асосий йўналишлари – ўзгаришларни бошқариш, технологияларни ишлаб чиқариш.

5 – Мавзу. Таълим соҳаси менежернинг инсоншунослик бўйича маълумоти (4 соат)

Асосий сифатлар

17. Менежмент психологияси ҳақида тушунча.
18. Шахснинг индивидуал типологик хусусиятлари ва ижтимоий психологик сифатлари.
19. Таълим соҳаси менежернинг модели.
20. Менежернинг инсоншунослик жиҳатлари.
21. Бошқарув педагогикаси ва этикаси ҳақида тушунча.
22. Мехнат жамоаси шахсга таъсир этувчи ижтимоий муҳит сифатида.
23. Бошқарув одоби ва унинг ўзига хос томонлари.
24. Шахс ва гурухнинг аҳлоқий соғломлик даражаси.

Таянч иборалар ва тушунчалар: бошқарув психологияси, темперамент, характер, сангвинник, меланхолик, флегматик, холерик, раҳбарнинг аҳлоқий сифатлари

Дарснинг мақсади: менежмент психологияси ҳақида тушунча бериш, шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини меҳнат фаолиятига нисбатан таҳлил қилиш, таълим соҳаси менежер моделини лойиҳасини

тузиш.

Менежмент психологияси тушунчасининг мазмуни. Менежмент тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг психологиялашувидир. Ҳозирги вақтда ташкилотда инсон салоҳиятини фаоллаштириш йўлларини излаш ва ходимларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш омилларидан бири ҳисобланади.

Менежмент психологиясида ўрганиш *объекти* сифатида мазкур ташкилот ходимлари амал қиласди. Уларнинг фаолияти ижтимоий фойдали мақсадлар билан белгиланади, уларнинг самарадорлиги мезонлари бўлиб даромаддорлик, моддий ва маънавий фаровонлик хизмат қиласди. Ташкилотнинг психологик ҳодисалари менежмент психологияси *предмети* ҳисобланади. Уларга ижтимоий-рухий муҳит, мулоқот, лидерлик муаммолари, меҳнатни мотивлаштириш, меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш киради.

Менежмент психологиясининг айниқса фаол ишлаб чиқилаётган вазифаларига менежерларни психологик жиҳатдан танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш киради. Аксарият ҳолларда раҳбар касб сифатида эмас, балки лавозим сифатида қаралади, шу боис таълим тизими профессионал раҳбарлар тайёрлашга лозим даражада қаратилмаган.

Менежерлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг психологик жиҳатларига алоҳида эътибор берилади. Бу ерда бошқарув, мулоқот, қарорлар қабул қилиш услубларини такомиллаштириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Менежерларнинг жисмоний ва айниқса руҳий саломатлигини таъминлаш борасида амалда жуда кам иш қилинган.

Сўнгги йилларда республиканизнинг хўжалик организми анча ривожланди ва мураккаблашди, одамларнинг ўзаро алоқалари мураккаб тус олди, одамларнинг ўзи ҳам ўзгарди. Мазкур мураккаб организмни бошқариш, раҳбарликнинг ижтимоий-психологик усулларидан фойдаланиш муаммолари янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу усуллар буюришни эмас, балки ишонтириш маҳоратини, одамлар руҳиятини тушунишни, уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни назарда тутади.

Шахснинг индивидуал-типологик ва ижтимоий-психологик хоссалари. Инсон шахси ва унинг шаклланиши муаммолари билан педагогика билан бир қаторда фалсафа, психология, социология, генетика, тиббиёт каби фанлар шуғулланади.

Шахснинг ривожланиши жараёни бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Булар ирсият, яъни биологик омил, муҳит, таълим ва тарбия, шахс фаоллиги – шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари деб тушунилади.

Ҳар бир жамоа ходимлар мажмуасидан иборатdir. Жамоадаги ҳар бир ходим ўз интилиш ва мақсадларига эга. Жамоани бошқариш, аввало, унинг таркибий қисми бўлмиш ходимларнинг хусусиятини инобатга олишни талаб қиласди. Шахснинг ўзига хослиги эса кўп омиллар таъсирида шаклланади. Бу омиллар қаторида ёшлиқ даври, оила муҳити, ирсий белгилар ҳам ўз ўрнини топган. Жамоа миқёсида турли характерли ходимлар ягона мақсад сари

бирлашадилар ва раҳбарнинг асосий вазифаси шу турли туманликни ягона йўлда бирлаштиришдир. Ташкилот доирасидаги ташқи муҳит объектларидан асосийси ходимлар бўлиб, раҳбар ўз бошқарув фаолиятида уларга хос бўлган индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Шахс типологияси деганда, турли индивидуал психологик хусусиятлари бўйича инсоннинг бирон тоифага мансублиги тушунилади.

Гиппократ давридан яратилган тўрт темперамент типлари буюк рус физиологи И.П.Павлов тадқиқотлари орқали ўз илмий асосига эга бўлди. Темперамент бош миядаги кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро муносабатидан келиб чиқувчи хусусият сифатида тушунилади. Барча тадқиқотчилар унинг туғма эканлигини ва инсоннинг кўпгингина фаолият турлари натижаларига таъсир этишни эътироф этишади

Шахс – муайян инсон, маълум ижтимоий гурухнинг конкрет фаолият тури билан шуғулланувчи, муайян индивидуал-психологик хусусиятлари билан тавсифланувчи вакили. Шахс ўзини қуршаган дунё билан фаол ўзаро муносабатларга киришиш жараёнида шаклланади.

Ҳаётда мутлақо бир хил одамлар йўқ. Одамлар ёши, танасининг тузилиши, маълумот даражаси, шахсий тажрибаси, ҳаёт қадриятларига муносабати, шу жумладан мижозига кўра бир-биридан фарқ қиласди.

Шахс жиҳатлари ва инсон феъл-атворини ўзгартириш ва тарбиялаш мумкин бўлса, мижоз инсонда умр бўйи ўзгаришсиз қолади. Кўл остидаги ходимларнинг мижозини билиш менежерга улар билан ўзаро муносабатларни ташкил этишга ёрдам беради.

Асосан одамлар темпераментининг тўрт типи фарқланади: сангвиник, холерик, флегматик ва меланхолик.

Холериклар ўта таъсирчан ва қизиққон, нутқи ва ҳаракатлари жуда тез бўлади. Улар тез фикрлаши, ишchanлиги ва ташаббускорлиги билан ажralиб туради. Қийинчиликларни ёқтиради ва уларни енгишга қодир. Бундай ходимлар доим аниқ мақсадларни қўяди, ўз ишини яхши кўради, уни охирига етказади, лекин қизиққонлик ҳолатида вазиятда тўғри мўлжал олмаслиги мумкин. Ижодга қизиқади, мустақил ишлашга ҳаракат қиласди, амрга унча бўйсунмайди. Киришимли, ишга доир алоқаларни тез ўрнатади, ишда кўпинча эмоционал лидер бўлади. Бошқалар фикрига қулоқ солмайди. Хизмат сафарлари, янги одамлар билан учрашувлар кўп бўлган жойда яхши ишлайди. Холерикни пул билан ишга қизиқтириш мумкин, лекин пул унинг учун биринчи ўринда турмайди. Холерик жамоат тан олишига муҳтож, юксак мақсадлар унинг учун қуруқ гап эмас. Холерик флегматиклар ва меланхоликлар билан яхши ишлайди, лекин холериклар билан ҳеч қачон чиқиша олмайди. Кўл остидаги холериклар билан муносабатларда қизиққонлик қилиш ярамайди, танбех ўрнига топшириқ бериш ўринли бўлади. Холерикнинг хатоларини жамоа ўртасида муҳокамага қўйиш мумкин, чунки холериклар жазодан қўрқмайди. Хатоларни кўрсатиш уларни фаоллаштиради, янада юксакроқ иш сифатига эришиш йўлида ҳаракат қилишга мажбур этади. Нихоятда ишchanлиги билан ажralиб туради, жуда фаол ва кучини қаерга кўйиши билмайдиган бўлади; "бош қўтармай"

ишлиши мумкин ва қийинчиликларни күттаринки рухда енгади. Күпинча фаоллиги кучайгандан сўнг тушкунлик даври бошланади ва толиқиши юз беради, айниқса, бу ҳол фаол қилинган ҳаракат муваффақият келтирмаса, шундай вазият юз беради.

Сангвиник ҳаракатчан, серғайрат, хушчақчақ, нутқи ва ҳаракатлари жонли, фаол фикрлайди ва ҳис қиласи. Ўта ишchanлик билан ажралиб туради. Янги ғояларга қизиқиши мумкин, лекин муроҳазакорликни йўқотмайди. Масъул лавозимларда яхши ишлайди. Сангвиникни иш билан юклаб ташлаш керак: у иш билан банд бўлса, кайфияти яхши бўлади. Сангвиник самарали ишлиши учун унинг олдига доим янги ва қизиқарли вазифаларни кўйиш керак. Бунда уни вақти-вақти билан назорат қилган ва текширган маъкул. Сангвиникни меҳнатнинг моддий шароитлари ва истиқбол билан қизиқтириш мумкин. У оғир ишдан кейин ўз куч-ғайратини осонгина тиклайди, тушкунликка берилмайди. Одамлар билан тезда чиқишиб кетади ва улар билан фаол алоқага киришади; бир тахлиддаги ишларни ёқтирамайди ва бир тур фаолиятни бошқа тур фаолиятга осон алмаштиради; серзавқ, ўз ҳиссиётларини осон бошқаради ва янги шароитга тезда мослашади. Баланд овозда, тез ва дона-дона қилиб гапиради, нутқига ифодавий хатти-ҳаракат ва имо-ишораларни қўшиб юборади.

Флегматиклар оғир-вазмин ва сусткашлиги билан ажралиб туради, лекин вазиятга узоқ ва теран муносабатда бўлади. Ишchan, лекин ишга кўниши учун узоқ вақт керак бўлади. Одатда ташаббускор эмас, хатоларни кўп тақрорлайди. Иш шароити ўзгарганида флегматикларда меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада пасаяди. Хотиржам вазиятда, бир маромдаги меҳнат шароитида яхши ишлайди. Флегматиклардан юқори малакали иқтисодчилар, бухгалтерлар, иш юритувчилар чиқади. Улар стресс вазиятида ҳаммадан яхши ишлайди: кўпчилик саросимага тушган бир ҳолда, флегматиклар вазиятни шошмасдан таҳлил қилиб, хатти-ҳаракатларнинг тўғри стратегиясини танлашга қодир. Янги одамлар билан муроқотга киришиши қийин, лекин ўрнатилган алоқаларни сақлашга интилади. Саранжом сариштали, тартибни ёқтиради, интизомли, бошлаган ишини охирига етказишга ҳаракат қиласи, ташкилотдаги анъаналарга содик. Хатти-ҳаракати бир текис ва унга салмоқлаб кўрилмаган, шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш бегона, бир фаолиятдан бошқасига кўчиши суст, янги шароитларга узоқ вақт мобайнида мослашади ва кам хафсала. Уни бирор нима қилишга кўзғатиш учун ташки кучли туртки керак. Чидамлилик ва ўзини тута билишилилк ўзига хосдир. Хотиржам сўзлайди, ҳиссиётларини кескин намойиш қилмайди. “...одатда урушни холерик ва сангвинниклар олиб борадилар, флегматиклар эса вайроналарни тиклайдилар”.

Меланхолик ўта таъсирчанлиги, руҳий зўриқишиларга узоқ вақт дош беришга қодир эмаслиги, нутқи ва ҳаракатларининг сустлиги билан ажралиб туради. Иш қобилияти кайфиятига боғлиқ бўлади, тез толиқиши мумкин. Жамоада меланхоликлар конфликтлардан ўзини олиб қочишга ҳаракат қиласидилар, кутилмаган ҳолатларда ўзларини йўқотадилар. Хатолар ва кўнгилсизликлар уларга шикастли таъсир кўрсатади. Бундай инсонлар

орасида санъатга қобилиятлилар кўп учрайди. Улардан ажойиб рассомлар, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқади. Мураккаб ва низоли вазиятларда ҳаракати суст, тезкор вазифаларни ҳал этишда асабийлашади ва тез толиқади. Хаддан ташқари таъсирчан, тезда киришиб кетадиган ва арзимаган нарсаларни ҳам кўнгилга оладиган; танг вазиятларда қўпинча саросима ҳолатга тушиб қолади, эзилиш ва зерикишлик кайфияти унга хос; муваффақиятсизликдан қаттиқ қайғуради. Турмушдаги ўзгаришларни секинлик билан ўзлаштиради ва унга кўниши жуда суст; уятchan, чўчинқираб туради ва қатъиятсиз ҳазил ва учурискларга одатда хавотирона муносабат кўрсатади.

Меланхолик – нозиктаъб, кузатувчан одам. У одамлар хулқ-атворида улар яширишга ҳаракат қилувчи жиҳатларни пайқашга қодир. Меланхолик ходимлар орасида раҳбар янги ғоя ёки дастур мухокама қилинаётганда улардан мадад кутиги мумкин. Меланхоликни ҳеч қачон моддий неъматларгина қизиқтиrmайди, унга бошлиқлар билан яхши муносабатда бўлиш ҳам мухим. Сангвиниклар ва меланхоликларнинг куч-ғайратини бирлаштирган маъқул, чунки уларнинг биринчиси меланхоликларнинг сусткашлигидан шикоят қиласи, иккинчисида ўз кучига ишончсизлик пайдо бўлади.

Шахс индивидуал-руҳий ва ижтимоий-руҳий сифатини билиш раҳбарнинг кадрлар муаммолини ҳал этишида, ходимлар касбий мувофиқлигини белгилашида қўл келади.

Менежер шахсиға қўйиладиган талаблар тизими. Ҳозирги замон менежментини таълимни бошқариш амалиётига жорий этиш вазифаси таълим муассасаси менежерлари фаолиятининг мазмуни ва уларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги масалани кун тартибига қўяди.

Менежер одамларни ва уларнинг ўртасидаги муносабатларни бошқариш, чунончи: ходимларни умумий мақсадлар атрофида жипслаштириш, уларда касбий эҳтиёжларни шакллантириш ва уларни қондириш учун шароитлар яратиш, ишга доир муносабатларни тартибга солиш, меҳнатни мотивлаштириш ва рағбатлантириш, жамоада ҳурмат, ишонч ва муваффақият муҳитини яратиш маҳоратига эга бўлиши мухимdir.

Ҳозирги вақтда менежер инновацион жараён ташкилотчиси бўлиши лозим. Инновация (лот. – янгилаш, ўзгартириш) янги маҳсулот турлари, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, бошқарувнинг янги шакллари ва усулларини амалга жорий этишга қаратилган ижодий фаолият маҳсулидир.

Менежер муваффақиятининг “сири” нимада? Бу саволга икки қарама-қарши жавоб бор. Биринчи – математика методлари ва компьютер технологияларидан кенг фойдаланишда. Ҳар бир иш амали математик жиҳатдан пухта ҳисоб-китоб қилиниши, чунончи: даромадлар ва ҳаражатлар ҳажмларининг прогнози тузилиши, қарорларнинг энг самарали вариантлари танланиши, иш графиклари ва режалари тузилиши, ресурслар ҳисобга олиниши лозим.

Таълим соҳасидаги менежер модели. Назарияда қабул қилинган уч даражали таснифдан келиб чиқиб, олий ўкув юртлари раҳбарларини олий

бўғин (ректор, проректорлар), *ўрта бўғин* (деканлар) ва қуи, *базавий бўғин* (кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари)га ажратиш мумкин.

Педагогик жамоага раҳбарлик қилиш – жамоа хусусияти, унинг вазифалари, таркиби, муайян вазиятларнинг хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлган бир қанча функцияларни амалга ошириш. Вазифалар қай даражада аниқ бўлса, ходимлар шу даражада ҳамжиҳат ва уюшқоқ, раҳбариятга уларнинг муносабати шу даражада яхши бўлади.

Педагогик жамоа сиёсий етук, ташкилотчилик қобилиятлари ривожланган, юксак маданиятли, ишни яхши биладиган обрўли раҳбарга муҳтоҷ бўлади. Булар раҳбарга иш натижаларига тўғри баҳо бериш, кўл остидагиларни ишга рағбатлантиришга ёрдам беради.

Раҳбар энг аввало ўз фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарур фазилатларга эга шахс бўлиши лозим. Шунингдек раҳбар фаолияти ва иш натижаларига унинг мижози, феъл-атвори, шахсияти, иш услуби таъсир кўрсатади. Бу ерда гап энг аввало шахснинг касбий, психолого-педагогик, ахлоқий, ташкилий-раҳбарлик фазилатлари ҳақида боради.

Раҳбар ҳамиша ўз сиёсатини амалга ошириши, мустақил фикрлаши, доим ижодий изланишда бўлиши лозим. Унинг энг муҳим вазифаси – прогрессив инновацияларни амалга фаол жорий этиш.

Раҳбар энг аввало ўз қўл остидагиларга ўрнак бўлиши лозим. Вазиятлар ранг-баранглиги, у ёки бу муаммоларни ечишга нисбатан ёндашувларнинг кўплиги замонавий раҳбарга қўйиладиган талабларни таърифлаш учун замин яратган.

1. Умумий ташкилий-бошқарув фаолияти.
2. Ижтимоий иш (одамлар билан ишлаш).
3. Ўқув фаолияти ва илмий фаолият.
4. Раҳбар шахси.

Олий ўқув юрти раҳбари ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун турли даража кишилари (талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар, отаоналар, тадбиркорлар, бошлиқлар) билан ўзаро муносабатларга киришиши, ҳамкаслари билан ишга доир ва ижодий муносабатлар ўрнатиши, ахборотни ўзлаштириши ва ундан фойдаланиши лозим. Буларнинг барчаси олий ўқув юртлари таркибий бўлинмалари раҳбарларининг касбий тайёргарлиги даражасига юксак талаблар қўяди.

Олий ўқув юртида замонавий раҳбар танланган стратегияни амалга оширишда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ташкилий, ижтимоий-педагогик ва психологик воситалар мажмуига эга бўлиши лозим.

Раҳбар ташкилий-бошқарув модели

Касбий маҳорат: ташкилий-бошқарув маданияти, педагогик маданият, иқтисодий маданият, илмий фаолият маданияти, хукуқий маданият, олий ўқув юртини бошқариш тажрибаси, тадбиркорлик тажрибаси

Ташкилотчилик фазилатлари: лидерлик, киришимлилик, ходимларнинг баҳамжиҳат меҳнат фаолиятини ташкил эта олиш, шахсий нуфуз.

Ишчанлик: стратегик фикрлай олиш, омилкорлик, шахсий уюшқоқлик.

Ахлоқий фазилатлар: ходимлар қобилияти ва хулқ-авторига баҳо беришда адолатлилик, бегаразлик ва хайрихоҳлик.

Сиёсий маданият: бутун жамият, қўл остидаги жамоа ва айрим ходим манфаатларига эътибор, шунингдек сиёсий вазиятни билиш, мунозара олиб бора олиш, ҳар хил нуқтаи назарларга сабр-тоқатлилик

Иш қобилияти – раҳбар давомли, оғир ижодий ишни бажаришга қодирлиги. Иш қобилиятига соғлик, ёш, нерв системаси каби физиологик омиллар таъсир кўрсатади, руҳий-иродавий мажмуя: меҳнаткашлик, тиришқоқлик, оиласвий фаровонлик, оптимизм

Раҳбарнинг шахсий фазилатлари ҳақида гапирганда, муҳим жиҳат – одамларга раҳбарлик қилиш хуқуқига эътибор бериш лозим. Бунда одамларга раҳбарлик қилиш касбий ва маънавий хуқуки ҳақида гапириш ўринли бўлади. Касбий хуқуқ энг аввало билимдонлик, ташкилотчилик қобилияtlари билан, маънавий хуқуқ эса – раҳбарнинг ахлоқий фазилатлари ва сиёсий маданияти билан таъминланади.

6-мавзу. Таълим тизими муассасасини бошқаришнинг тузилиши (4 соат)

15. Таълим тизимининг асосий вазифалари.
16. Таълим тизимини бошқаришнинг ташкилий тузилиши.
17. Давлат ва жамиятнинг таълим тизимидағи кафолатларининг аҳамияти.
18. ОТМда таълим жараёнлари
19. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришни асосий тамойиллари.
20. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида фаннинг, илмий тадқиқотларнинг ўрни.
21. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ишлаб чиқаришнинг вазифалари.

Таянч иборалар ва тушунчалар: олий таълим тизимини бошқариш жараёнлари, бошқариш органларининг ваколатлари, бошқарув технология, лойиха, раҳбар саломатлиги, иш қобилияти

Дарснинг мақсади: республикада олий таълим жараёни босқичларини ўрганиб чиқиш, олий таълим тизими бошқариш органларининг

ваколатларини кўриб чиқиш, раҳбар саломатлиги технологияси лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Олий таълим тизимини бошқаришнинг ташкилий тузилиши.

Ҳозирги даврда олий таълимнинг роли республикамизда демократик ва хуқуқий давлат қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади – узлуксиз таълим тизимини яратиш ва уни муттасил ривожлантириш. Қўйидагилар таълим соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

- ҳамма учун очик сифатли таълим кафолатларини давлат томонидан таъминлаш;
- умумий ва қасб-хунар таълими сифатини ошириш учун шартшароитлар яратиш;
- таълим тизимида самарали иқтисодий муносабатларни шакллантириш;
- таълим тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, уларни давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлаш;
- таълимнинг ривожланишини бошқариш.

Таълимга эҳтиёж майян қасбни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, маълум даражада маълумот олиш, малака ошириш, жамиятда майян ўринни эгаллаш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш истаги билан белгиланади. Ҳозирги дунёда маълумот нуфуз омили сифатидагина эмас, балки ҳаётда яшаб қолиш воситаси сифатида ҳам қаралади. Таълим маркетингининг бош вазифаси шахс ва жамият эҳтиёжларини қондиришdir.

Истеъмолчи таълимга эҳтиёжни англаб этиши қўйидагиларни ўз ичига олади:

- қасб ва ихтисосликни танлашни;
- танланган ихтисослик бўйича ишлаш имкониятларига баҳо беришни;
- таълим хизматлари ҳақида ахборот қидириш ва уни таҳлил қилишни;
- таълим хизматининг сифатига баҳо беришни;
- турли таълим муассасаларида таҳсил олиш варианtlарига баҳо беришни;
- оптималь вариантни танлаш.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қасб-хунар таълимини бошқариш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида ўрин ажратилган. Бунинг учун ўқув юртлари педагогик ва раҳбар ходимларининг ижтимоий мақоми ва қасбий маҳоратини ошириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларига мувофиқ Ўзбекситоннинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини масаласини ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал этишга қодир, юксак даражада маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш **олий таълим тизимининг вазифаси** ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мутахассислар сифатига қўйиладиган талаблар ошди, педагогик жамоаларни йириклиштириш, янги

ихтисосликларни очиш ҳисобига соҳани доимий янгилаш, ишни ташкил этиш жараёнлари эса анча мураккаблашди. Мазкур тенденцияни кучайтирувчи омиллар қаторида қўйидагиларни қайд этиш мумкин: битириувчиларни тақсимлаш марказлаштирилган тизими йўқлиги; талабалар сифат таркибининг ўзгариши; талабаларга контракт асосида таълим бериш тизимидан кенг фойдаланиш; ўқув жараёнини фаол компьютерлаштириш ва дистанцион таълимни ривожлантириш; мамлакат таълим тизимининг жаҳон таълим ва илмий жараёнига интеграциялашувини таъминлаш зарурияти.

Олий таълим тизимини бошқаришнинг ташкилий тузилиши. Ўзбекистон Республикаси олий мактаби ўз ривожланишининг янги босқичига қадам қўйди. Республикаиз мустақиллиги олий таълимнинг тубдан ислоҳ қилинишини белгилаб берди. Ислоҳотнинг бош мақсади – ривожланган демократик давлатлар даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш. Ислоҳ қилиш олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатида белгиланган принципларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига мувофиқ олий таълимни бошқаришни қўйидаги босқичлари кўзда тутилган.

1. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**, унинг ваколати қўйидагиларни ўз ичига олади:

- олий таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боради;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатланган давлат идораларига, шу жумладан олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ)га раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини барпо этиш, қайта тузиш, тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациялаш, педагог ва илмий ходимларни аттестациялаш тартибини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикасидаги бошқа давлатлар таълим муассасаларига таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиши учун рухсат бериш;
- чет давлатларнинг таълим стандартларини тасдиқлаш;
- маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги хужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат гранти миқдорини ва таълим муассасаларига қабул тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасалари ректорларини тайинлаш;
- таълим олаётганларни аккредитацияланган бир таълим муассасасидан бошқасига кўчириш тартибини белгилаш;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар.

2. **Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси (ОЎМТВ)**, унинг ваколатига қўйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим ва бошқа муассасаларга методик раҳбарликни амалга ошириш ва раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари талаблари, таълим даражаси ва

мутахассисларни касбий тайёрлаш сифатига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;

- ўқув жараёнига ўқитишнинг илғор шаклларини янги педагогик технологиялар ва ўқитишнинг информацион воситаларини жорий этиш;

- ўқув ва ўқув-методик адабиётлар яратиш ва нашр этишни ташкил этиш;

- таълим олаётганларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги ва таълим муассасасидаги экстернет тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш;

- педагог ходимлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат олий таълим муассасасига ректор тайинлаш тўғрисида таклиф киритиш;

- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар.

Олий таълим соҳасидаги бошқарув билан шуғулланувчи шахсларга юксак даражадаги маъсуллиятилик, ваколатлилик ҳамда тартиб, маъмурий қоидаларни ички ва ташқи воситалар ёрдамида мунтазам самарали баҳолаи қобилияти хос бўлиши лозим.

3. Олий таълим муассасалари. Давлат ОТМ бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ректор томонидан бошқарилади. Давлатга алоқадорсиз ОТМда ректор таъсисчи (мулк эгаси) томонидан тайинланади.

Ректор “Олий таълим тўғрисида”ги Низомга мувофиқ таълим муассасасининг иш натижалари учун маъсулдир. У Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ таълим муассасаси номидан фаолият кўрсатади, *барча идоралар, муассасалар ва корхоналар билан уни намоён этади, мулкни масарруф этади, шартномалар тузади, ишончнома беради, банкда таълим муассасанинг ҳисоб рақамини очади, кредитларни тақсим қилувчи ҳисобланади.*

Олий ўқув юрти лицензияга мувофиқ олий касб-хунар таълими дастурларини амалга оширувчи юридик шахсадир. У одатда турли хил фанлар, чунончи: иқтисодий, юридик, социологик, педагогик ва бошқа фанларнинг ўрганиш обьекти ҳисобланади.

Олий таълим тизими:

- давлат таълим стандартлари га мувофиқ таълим ва касб-хунар дастурларини амалга оширувчи олий таълим муассасаларидан;

- олий таълимни ривожлантириш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалардан;

- давлат таълимни бошқариш органларидан таркиб топади.

Олий таълим икки босқич: бакалавриат ва магистратурага эга.

Олий ўқув юртининг ижтимоий масъулияти у жамиятнинг ривожланишига қўшувчи ҳиссада намоён бўлади ва мамлакат ёки ўзи жойлашган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, энг долзарб ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳолининг ҳаёт учун муҳим ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун жавобгарликни давлат билан баҳам кўришни назарда тутади.

Олий ўқув юртининг ижтимоий масъул институт сифатидаги ролини тушуниш учун у ўзининг жамиятдаги ўрнига кўра бажарувчи функцияларни кўриб чиқиш ўринли бўлади:

- 1) ижтимоий интеллектни ўстириш – инсонга хизмат кўрсатиш ва унинг эркин ривожланишига қаратилган таълим хизматларини жамиятга кўрсатиш;
- 2) юқори малакали кадрлар – жамият элитасини таълим тизимининг ривожланиши, шунингдек мамлакатнинг илмий-техникавий ва ижтимоий-иктисодий тараққиёти омили сифатида тайёрлаш;
- 3) меҳнат бозорини шакллантириш – олий ўқув юртида яратиладиган янги билимлар меҳнат бозорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, хусусан у ёки бу касбий қўнималар аҳамиятига қайта баҳо беришга мажбур қиласди, меҳнат ресурсларига қўйиладиган талабларни ўзгартиради;
- 4) маданият ҳамда хулқ-атвор меъёрларини ривожланириш;
- 5) ижтимоий муносабатларни барқарорлаштириш – олий ўқув юрти манфаатдор тарафлар ва ижтимоий муҳит вакиллари билан ўзаро муносабатларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Шундай қилиб, олий ўқув юрти ижтимоий ривожланишда – аҳоли маълумот даражасини ошириш ва комил инсонни тарбиялашда алоҳида ўрин тутади.

Бошқарув таълим жараёнининг ривожланиш омили сифатида. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, жамиятдаги иктисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бошқа хил фаолиятни, шу жумладан таълим соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш шароитлари ўзгаришига олиб келди. Чунончи, иктисодий ислоҳотлар мазмуни кенгайди, ривожланиш йўналишларини белгилашда инсон бош омилга айланди.

Жаҳон амалиётида таълим жараёнининг ривожланишига кўмаклашувчи ва таълим муассасаси сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишига ёрдам берувчи бошқарувни амалга ошириш масаласи кун тартибиغا қўйилган. Янги ижтимоий-иктисодий шароитларда педагогик жараён, таълим оловчи, ўқитувчининг касбий ва шахсий фазилатлари ва бошқарув фаолияти мазмунининг ривожланишини таъминловчи бошқарув зарур.

“Бошқарув” тушунчаси одатда тизимни бир ҳолатдан янада сифатлироқ бошқа ҳолатга ўтказиш, яъни муттасил ривожланиш сифатида тавсифланади. Таълим соҳасида норматив ҳужжатларда ўз аксини топган муайян сиёсатсиз ривожланишга эришиш мумкин эмас.

Ривожлантирувчи бошқарув замирида субъект-субъект муносабатлари ётади. Илмий-педагогик адабиётларда бошқарувнинг мазкур усули “педагогик бошқарув” деб аталади. Мазкур атама Ю.В.Васильев томонидан илмий муомалага киритилган.

Педагогик бошқарувни баъзан демократик бошқарув деб атайдилар. Бунда демократия омилини ходимларга эътибор сифатида тушунадилар. Айrim илмий асарларда партисипатив бошқарувни ўзлаштириш зарурлиги исботланади. Бу бошқарувнинг колектив усулларини назарда тутади. Баъзи бир асарларда “инновацион бошқарув” атамаси қўлланилади.

И.К.Шалаев “мотивацион бошқарув” атамасини таклиф қиласди. Бунда у

раҳбар жамоа аъзоларига буйруқлар ва санкциялар воситасида эмас, балки фаолият андозаси саналган меъёр воситасида изчил таъсир кўрсатишини тушунади.

Педагогик ҳодисалар ва жараёнларни бошқариш педагогиялаштирилиши лозим, чунки бу ерда гап “инсон – инсон” муносабатлари ҳақида боради. Таълим муассасасини педагогик тизим сифатида бошқариш борасидаги касбий фаолиятнинг мазмуни шу билан белгиланадики, уни раҳбар ва унинг ўринbosарларигина эмас, балки ҳар бир педагог ва ўқувчилар педагогик жараён субъектлари сифатида амалга оширадилар.

Педагогик бошқарув натижага қараб мўлжал олиш билангина кифояланмайди, у педагогик ҳодисага жараён сифатида ёндашади. Бошқарув – янги ғоялар учун очиқ фаолият. У ўз моҳиятига кўра инновациондир. Ҳар бир раҳбар ёки педагог педагогик бошқарув санъатида муттасил такомиллашуви мумкин. Ҳеч кимни самарали раҳбар бўлишга ўргатиш мумкин эмас. Бунинг учун таълим олувчининг шахсий иштироки, унинг жиддий назарий ишга тайёрлиги талаб этилади.

Вазифаларнинг кўплиги ва мураккаблиги ўз вақтида сифатли қарорлар қабул қилиш учун менежерларнинг жавобгарлигини кучайтиради. Мамлакат олдида турган ижтимоий-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш вазифаси инсон омили муаммоларига алоҳида эътибор бериш заруриятини белгилайди.

“Инсон омили” – кенг, комплекс, умумий тушунча. Унга турли фанлар – бошқарув, иқтисод, психология, демография ва ҳоказолар нуқтаи назаридан ёндашиш ўринли бўлади. Ҳозирги даврда инсон омили соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди ва юз бермоқда. Чунончи, одамларнинг маълумот, маданият ва касбий даражаси, уларнинг ҳуқуқий ва шахсий онги, хабардорлик даражаси ўси, ҳаётнинг моддий шароитлари ўзгарди, бошқарувда демократик асослар янада чукурлашди. Раҳбар ўз амалий фаолиятида бу омилларнинг ҳар бирини ҳисобга олиши лозим.

Раҳбарнинг замонавий фикрлаши нуқтаи назаридан энг муҳими ҳар томонлама ўйлаш ва ҳаракат қилишдир. Хусусий бошқарув тизими зарур. Шу маънода амалий педагогларнинг ўз бошқарув технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш борасидаги иши айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик бошқарув технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш. Педагогик технология бу илмий техникавий тараққиёт меваси бўлиб «Педагогика», «Технология» фанлар уланишидан пайдо бўлади. Оммавий таълимнинг ривожланиши бу фаннинг пайдо бўлиши учун замин яратади.

«Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари асосида 12 йиллик мажбурий таълимга утилади. Таълим тизими олдига янги юксак вазифалар қуйилди. Бундай юксак вазифаларни бажариш учун методика педагогик технологиялар билан бойитилиши талаб этиляпди. Бугунги кунда педагогик технологияларга жуда катта талаб қуийилмокда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юқори малакали кадрларни тайёрлашни талаб этаётган бир вақтда кафолатланган

самарали натижани вужудга келтирувчи йўналиш жуда катта аҳамият касб этади. Фақат кафолатланган самарали натижага асосланган таълим тизимиғина малакали кадрларни етказиш мумкин. Шуниниг учун ҳам педагогик технологияларни янада мукаммаллаштириш, янги технологияларни ишлаш талаб этилмоқда. Айниқса тарбия борасида педагогик технологиялар кам ишланган. Баъзи технологияларда аниқлик етишмайди, бу эса натижани кафолатлашга халакит беради.

Одатда технология деганда харакатларни бажариш усуллари ёки методлари мажмуи тушунилади.

Педагогик бошқарув технологиясини яратиш ва такомиллаштириш жараёни самарали бошқарувнинг асосий муаммоларига қайтиш учун имконият яратади.

Қабул қилинган бошқарув қарори муайян шароитлардагина педагогик жиҳатдан самарали бўлиши мумкин. Ҳар бир муайян ҳолда объект ҳам, педагогик бошқарув натижаси ҳам ўзгаради, шу боис ҳар сафар тегишли воситаларни қўллаш талаб этилади.

Педагогик бошқарув технологиясининг методологик жиҳати қўйидаги босқичларни амалга оширишда ўз ифодасини топади:

- педагогик жараённи ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларини таърифлаш;
- гипотезаларни тузиш ва асослаш;
- шартлар ва ҳолатларни далиллаш;
- пировард натижаларни асослаш;
- таълим тизимларининг ривожланиш тенденцияларини, таълим вазиятларидағи ўзгаришларни таҳлил қилиш.

Педагогик бошқарув технологияларини таълим тизимининг барча даражаларида амалга жорий этиш мазкур тизим ҳолатларини ҳар томонлама билиш ва ҳисобга олишни назарда тутади.

Раҳбарнинг саломатлиги ва иш қобилиятини таъминлаш технологиялари. Жисмоний ва руҳий соғломлик, касбда узоқ вақт ишлаш муаммоси бошқарув функцияси ва жамоа ишининг муваффакияти учун жавобгарлик юклатиладиган менежер фаолиятида улкан аҳамият касб этади. Саломатлик ва гигиеник турмуш тарзи ишビルармон одам учун муҳимдир, чунки фаолият кўп куч-ғайрат сарфлашни талаб этади ва руҳий зўриқиши ва толиқишилар билан боғлиқ.

Соғломлик ва иш қобилиятининг юқорилиги шахсий муваффакият ва жамоадаги обрў учун жуда муҳимдир.

Инсон соғлиғи атиги 8-10% соғлиқни сақлаш даражасига, 20% - экологик шароитларга, яна 20% - ирсий омилларга ва 50% - инсоннинг ўз турмуш тарзига боғлиқ бўлади.

Менежер ўз саломатлиги, руҳий ва жисмоний ҳолати ҳақида доимий ғамхўрлик қилиши лозим. Зеро бу самарали фаолият кафолатидир. Ошқозон касалликлари, сурункали бош оғриши, уйқусизлик, склероз, невроз менежерга хос бўлган “профессионал” касалликлардир. Менежернинг жисмоний ва руҳий саломатлигини таъминлаш вазифаларини ҳал қилишда

инсоннинг ўз соғлиғига муносабати улкан аҳамият касб этади. Соғлом яшаш ва узоқ умр кўришга қатъий мўлжал олиш зарур.

Инсон ўзининг руҳий саломатлигини ўзи бошқариши лозим. Бу ўз имкониятларига ишонч, ўз-ўзини билиш, ўз жисмоний ва руҳий имкониятларининг ҳақиқий даражасига баҳо бера олишни назарда тутади. Булар инсонга майший ва касбий муаммолардан ўзини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Раҳбар иш вақтидан самарали фойдаланиши учун бажарилиши керак бўлган ишлар мазмuni ва тартибини аниқ тасаввур этиши керак. Раҳбар ўз лавозим бўйича teng келадиган шахсларга хизмат қилиши учун сарфланадиган вақтини ўз хохиши бўйича белгилай олмайди. Демак, шахсан ўзига ажратиладиган вақтни самарали фойдалана билиш раҳбар учун энг муҳим муаммолардан бирига айланади. Бу дегани раҳбар ўз ходимларига ажратиладиган вақтни иложи борича камайтиришга интилади. Агар раҳбар ўз ходимларига ажратиладиган вақтни имкон борича қисқартиришга интилса, иқтисод қилинган вақтни ўз раҳбари ва ташкилоти учун ажратишга ҳаракат қиласди.

7- мавзу: Таълим тизими мұассасасини бошқариш тамойиллари ва услублари (4 соат)

Асосий саволлар:

9. Таълим тизимини бошқариш тизимини ташкил этиш ва унинг асосий тамойиллари.
10. Менежмент усуллари ва уларнинг таснифи.
11. Бошқариш услублари ва бошлиқлар типларининг аҳамияти, уларнинг ижобий ва салбий томонлари.
12. Таълим тизимида кадрлар менежменти.

Таянч иборалар ва тушунчалар: инновация, инновацияларни бошқариш, бошқарув қарорлари, мулокот маданияти, низолар, низоларни бошқариш

Дарснинг мақсади: дарс жараёнида таълимда инновациялар ҳақида тушунча хосил қилиш, менежер фаолиятида бошқарув қарорларини туғри танлаш аҳамиятини тушунтириш, касбий этика ва мулокотнинг амалий жиҳатларини кўриб чиқиш, низоларни бошқариш бўйича технологияларни лойихалаш

1 Таълим тизимини бошқариш тизимини ташкил этиш ва унинг асосий тамойиллари

Агар самарали бошқарув бўлмаса, режалаштириш, ташкил қилиш, тарбиялаш, мохиятлаш ва назорат қилиш вазифасини самарали бажариш мумкин эмас.

ОТМни бошқариш самарали бўлиши учун ўқув-тарбия жараёни барча иштирокчиларнинг-талабалар, профессор-ўқитувчилар маркиби, ўқув-

ёрдамчи соха ва маъмурият ходимлари ва б. нинг манфаатлари бундай ранг-баранглиги, табиийки, уларни бошқаришнинг тегишли тамойилларини танлашни талаб қиласди.

Ривожланган мамлакатларда 7.01-жадвалда келтирилган таълимни бошқаришнинг саккизта асосий тамойилидан фойдаланилади. Шулардан 1-4 тамойиллар **топшириқни бажаришга**-буортмачилар (мехнат бозори, фан, хизмат кўрсатиш сохаси, тиббиёт ва х.к.) нинг мувофиқ малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Кейинги тўрт тамойил мутахассислар тайёрлаш жараёнини **амалга оширувчилар**-профессор-ўқитувчилар таркиби, ўкув-ёрдамичи соха ва маъмурият ходимлари ва б.га қаратилган.

7.01-жадвал

Таълимни бошқаришнинг асосий тамойиллари

№	Топшириқни бажаришга қаратилган
1	Муаммони ечишга ижодий ёндашув (ўзгаришларга мослашиш учун тафаккурнинг барча имкониятларидан фойдаланиш)
2	Сифат ўзгаришларга эришиш учун мунтазам режалаштириш (сиёsat-режалаштириш-амалга ошириш-мониторинг ишлаб чиқиш)
3	Вазиятдан келиб чиқадиган раҳбарият услуби (вазият ва бўйсинувчиларга мослашув қобилиятини ошириш)
4	Ўзаро хамкорлик ва идеалга бир хил муносабат (аниқ кутишлик, фойдали қайта алоқа)
Амалга оширувчиларга қаратилган	
5	Гурух ва коммуникация аъзоларининг хамкорлиги
6	Буортмачига қаратилган (буортмачи, манфаатдор шахс талабарини бажариш бўйича хизматларни бажариш)
7	Ижобий фикрлаш, қулай мухит ва ўзаро алоқа (хамкасбларни қадрлай ва хурмат қила билиш)
8	Ваколатни бериш ва ходимлар касбий масалакаси ошувига кўмаклашиш (ваколатни бериш ва касбий ўсиш учун шароит яратиш)

Ижодий ёндашиш тамойили, одатда ўкув-тарбия жараёнини бошқаришда қўлланилади. Уни қўллаш зарурияти қўйидаги шартларни талаб қиласди:

Биринчидан, ўкув *фаолияти турининг хилма-хиллиги*: маъruzалар, лабаратория ва амалий машғулотлар семинарлар, коллеквиумлар, мустақил ўрганиш, малакавий амалиёт, курс лойихалари (ишлари) ва х.к. Буларнинг мақсад ва вазифаси турличадир.

Иккинчидан, мақсад ва вазифаси, тузилиши ва мазмунига кўра ўқитиладиган фанлар ва курсларнинг турли-туманлиги.

Учинчидан, ўқитилаётган шахслар индивидуаллиги.

Кўрсатилган ўзига хосликларни хисобга олиш учун хам таълим оловчилар, хам таълим берувчилар фикрлаш имкониятидан унумли фойдаланиш зарур. Бу ўкув-тарбия жараёнини ўтказиш турли унсурларни ва шартларни мослашишга имкон беради.

Фаолияти мунтазам режалаштириш тамойили хам таълим

муассасалари турли бўлинмаларда, хам ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишда кенг қўлланилади. Бу фаолият самарадор режасини ишлаб чиқариш, уларни бажаришни ташкил этиш, олинган натижаларни баҳолашни кўзда тутади. Ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда бу тамойил ижодий ёндашиш воситаси хисобланади. Ўқитувчи, у ёки бу ўқув фаолият турини бажаришга ижодий ёндашиб, ўзининг ва таълим олувчиларнинг харакатини *режсалаштириши*, буни юкори савияда *бажариши*, натижаларини *назорат қилиши ва баҳолаши*, агар зарурат пайдо бўлса, ўзининг ва талабаларнинг фаолиятини ўзгартириш бўйича **хулоса чиқариш**.

Рахбарият услубининг мослашувчанлик тамойилидан тез-тез ўзгариб турадиган вазитда ишловчи кўпчилик раҳбарлар фойдаланади. Бундай вазият айниқса, ўқув-тарбия жараёнига хос. Юқорида таъкидланган, бу хол ўқув фаолиятининг тури хар хиллиги, фанлар ва курслар турли-туманлиги, шахслар индивидуал хусуссиятларида намоён бўлади. Буларга қўшимча қилиб, яна таъкидлаш мумкинки, айни бир ўқитувчи турли гурух ёки кичик гурухларда дарс ўтиши натижасида бошқариладиган жамоа кўпинча ўзгариб туради, устига-устак бу ўзгаришлар турли курс ёки факультетларда, бир неча йўналиш ва ихтисосликларни қамраб олади. Бундай шароитда ўқитувчи *хар сафар фақат тегишили раҳбарлик услубинигина эмас, балки таълим ва тарбия усулларини хам танлаши лозим бўлади*.

Бир-бирини тушуниш ва хамфирлик бошқарув Ёясини белгилайди. Бу тамойилдан айниқса, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда фойдаланиш мухимдир. Ушбу вазиятда ўқитувчилар ва талабалар қуидагиларнинг моҳиятини англашда хамфирлар бўлмоқлари лозим:

- ижтимоий ва шахсий қадриятлар;
- мамлакат иқтисодини ривожлантиришдаги йўналиши ёки ихтисослик;
- хам касбий, хам маънавий маънода шахсни шакллантирувчи курс ёки фан;
- курс ёки фаннинг мақсад ва вазифаси.

Бир-бирини тушуниши ва хамфирлик даражаси хамкорлик муносабатини белгилайди ва ўқув-тарбия жараёнида фойдали қайта алоқа хисобланади.

Гурух (жамоа) хамкорлик **тамойилидан**, одатда кафедра, лабаратория, факультет, ОТМ илмий ва бошқа бўлинмаларни бошқаришда фойдаланилади. Бу тамойил турлича фаол гурухий усуллар (“оқилона фикрлаш”) ни кўзда тутади, **хамкорлар тенглиги** ва ўз фикрини эркин мустақил баён қилиши буларга хос хусусият хисобланади. Бундай холда раҳбар нимаси биландир дрижёрни эслатади.

Буюртмачини назарда тутиш **тамойилидан** ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда, айниқса, буюртмачининг талабига мувофиқ мутахассисларни ихтисослаштиршда фойдаланилади. Фанларни танлаш бўйича талабалар хам буюртмачи хисобланади. Мазкур тамойил турли шартномавий ишлар (амалий ИТИ, тажриба-конструкторлик ишлари ва х.к.) ни бажаришда ОТМ

бўлинмаларида кенг қўлланади.

Ижобий фикрлаш ва қулай мухит тамойилидан хамиша бошқарувнинг бошқа тамойилларини хам ўқшган холда фойдаланилади. Бу тамойил хамкасбларни қадрлаш ва хурмат қилиши, таълим олувчилар билан хамкорлик муносабатини ўрнатишга асосланади.

Ваколатни бериш тамойилидан, одатда, ОТМ бўлинмаларида улар ходимлари касбий мукаммалашувига қўмаклашиш мақсадида фойдаланилади. Бу тамойилдан яна “айланиб қолиш” усулини амалга оширишда, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда қўлланади (тарбия ўқитувчи вазифасини бажаради).

Бошқарув тамойиллари самарадор мажмуини танлаш-муваффақиятга эришиш гарови, холос. Бошқарув муваффақиятининг мухим омили **рахбарлик услуги** хисобланади.

Одамлар билан ишлай билишлик рахбарнинг асосий касбий даъвати хисобланади.

Рахбар услуги рахбарнинг қуйидагиларга қанчалик мойиллигига боғлиқ:

- *бошқа рахбарлар билан хокимиятни бўлиша олишилигига;*
- *ўзига бўйсунувчилар тадбиркорлигига ва ташаббускорлигидан фойдалана олишиига;*
- *рахбарлигидагиларга харакат режасини ишлаб чиқариш ва амалга оширишиликни ишониб топширишига.*

Буларга боғлиқ тарзда рахбарнинг тўрт хил услубини кузатиш мумкин .

- *автократик;*
- *бюрократик;*
- *демократик;*
- *аристократик.*

Мак Грегор назарияси бўйича рахбарнинг тўрт тури бўлиши мумкин:

-*буйруқдор*-ходимлар нима қилиши тўғрисида фармойиш беради (автократ услуги);

-*маълум қилувчи*-сабабларни кўрсатиб, ходимларга буйруқ беради (бюрократик услуг);

-*консултант* – қарор қабул қилгунча ёки режа ишлаб чиққунча ходимлар маслаҳатига қулок солади (демократик услуг);

-*хамкор*-ходимлар харакат режаси ишлаб чиқиши ва амалга оширишни ишониб топширади (демократик услуг).

Автократ (ёки авторитар) услуг шу билан тавсифланадики, рахбар ўзининг шахсий (ёки, баъзи бир ким томонидан мажбурланган) ғоя, режа, тавсия ва х.к.ни, буларни жамоа аъзолари у ёқда турсин, ўз муовинлари билан хам мутлақо маслаҳатлашмай амалга оширади. Рахбарнинг нуқтаи назари бошқаларга тааллуқли фикрлар мажмуига асосланади, аммо у ўз шахсий фикри қилиб олиниб, баён этилади (яъни рахбар бошқалар фикрини ўзиники қилиб олади). Муаммони гурух бўлиб мухокама қилишда у ўз фикрини ўарор сифатида таъкидлайди, уни мухокама иштирокчилари буйруқ

сифатида қабул қиласылар. Бундай раҳбарлар ижрочилар билан түғридан-түғри, уларнинг бевосита раҳбарларини четлаб, фаолият юритадилар.

Бошқарувнинг автократ услугида, агар раҳбар ўз ходимларига ишонмаса, яхши натижага эришиб бўлмайди. У қаттиқ назорат ўрнатади ва улар муфассал текширади, бу билан ходимлар ташаббусини бўёғади.

Бюрократик услуг бошқаришга расмий ёндашишга асосланади ва “меъёр доираси”да амалга оширилади. Бу усул факат ижрочиларнинг эмас, балки раёбарларнинг ёам ташаббусини турли йўриқномалар, кўрсатма ва х.к.лар ёрдамида бўёғиб қўяди.

Демократик услуг раҳбарнинг бошқарув фаолияти ва жамоа ўз-ўзини бошқарувининг энг самарави тарздаги нисбатига асосланади. Ҳаракат режасини мухокама қилиш, қабул қилиш ва амалга оширишда ижрочиларнинг фаол ва онгли иштироки унинг асосий жихати хисобланади. Юқори самарага раҳбарнинг *кўтаринки рухи* ва бўйсунувчиларга *ишончи туфайли* эришилади.

Умумий жипслик, умуммаваффакиятдан ғуурланиш, бир-бирини кўллаб-куватлаш ва хамфирлик-самарави ишлаш гарови.

Одамларга “буни биз ўзимиз қилдик” дейишига имкон берадиган йўлбошчи энг яхши йўлбошчидир. **Лао Цзе.**

Юқорида таъкидлангандек бошқарувнинг бирор услубини мутлақлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Мухими-муайян вазиятларга мувофиқ бошқарув фаолиятида уларни қўшиб олиб бора билиш. Масалан, бошқарувнинг демократик услуби ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишда яхши натижа беради, автократ услуби юқори ташкилотлар фармойишларини амалга оширишда, бюрократик усул эса-хисоб-китоб ва хисботда.

Бошқарув қарорлари менежер ишининг самарадорлиги маҳсули сифатида. Менежер томонидан қарорлар қабул қилиш – доимий ва масъулиятли иш. Қарорлар қабул қилиш зарурияти ҳар қандай даражада раҳбарнинг мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш йўлидаги фаолияти билан узвий боғлиқ.

Қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни бир нечта босқични ўз ичига олади: мақсадни қўйиш; муаммони ўрганиш; самарадорлик мезонларини танлаш ва асослаш, юз бериши мумкин бўлган оқибатларни тахмин қилиш; қарорларнинг вариантларини кўриб чиқиш; қарорларни танлаш ва узил-кесил таърифлаш; қарор қабул қилиш; қарорларни бажарувчиларга етказиш; қарорларнинг бажарилиши устидан назорат.

Бошқарув амалиётида қарорлар қабул қилишга нисбатан икки асосий ёндашув – *индивидуал* ва *гуруҳий* ёндашувлар фарқланади. Индивидуал ёндашув ташкилотда қарорларнинг аксарият қисми бошқарувнинг олий бўғини, бир менежер ёки менежерларнинг кичик гуруҳи томонидан қабул қилинишини назарда тутади. Гуруҳий ёндашувда менежер қарорларни қабул қилишга бошқа ходимларни ҳам жалб этади. Бу ҳолда олий даражада менежери ваколатларни бошқарувнинг қуи даражасига ўтказади ва бу уни кундалик майда муаммоларни ечиш ташвишидан халос этади.

Бошқарув қарорлари буйруқ ёки фармойиш тарзида

расмийлаштирилади. Аммо кўпгина қарорлар оғзаки кўрсатмалар, топшириқлар, йўл-йўриқлар тарзида берилади. Менежернинг бош вазифаси бундай қарорнинг бажарилишини ташкиллаштириш, унинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилишдан иборат. Назоратнинг вазифаси берилган дастурдан оғиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини ўз вақтида кўришдир.

Ишга доир муносабатларда мулоқот маданияти. *Мулоқот маданияти* – иш жараёнида одамларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этиш соҳасидаги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш, улар билан тил топиш имкониятини берувчи билимлар ва кўникмалар.

Мулоқот маданияти замирида хушмуомалалик, сиполик, одоблилик, камтарлик, бир сўзлилик, илтифотлилик каби мулоқотга қўйиладиган умумий ахлоқий талаблар ётади.

Хушмуомалалик – бошқа одамларга нисбатан ҳурмат ифодаси. Муомалада, сўзларда, овоз оҳангода, имо-ишораларда акс этади. Қўполлик маданиятсизлик қўрсаткичигина эмас, балки иқтисодий категория ҳамдир. Қўпол муомала натижасида ходимлар меҳнат унумдорлигига ўрта ҳисобда 17% ни йўқотишлари аниқланган.

Сиполик – ҳар қандай, энг аввало – конфликтли вазиятларда ўзини қўлга ола билиш.

Одоблилик ҳам мулоқот маданиятининг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. У энг аввало мулоқотда меъёрни билишни назарда тутади.

Камтарлик ўзгаларга баҳо беришда сиполикни, уларнинг дидини ҳурмат қилишни англатади.

Ишга доир муносабатларда муваффақиятга эришишда *бир сўзлилик* ҳам улкан аҳамият касб этади. Фаолиятнинг исталган соҳасида берилган ваъдалар ва олинган мажбуриятларни аниқ бажармасдан иш олиб бориш қийин.

Илтифотлилик – биринчи бўлиб илтифот қўрсатишга, бошқа одамни ўнғайсизлик ва кўнгилсизликлардан халос этишга ҳаракат қилиш.

Мулоқот маданиятининг юксак даражаси мулоқот жараёнида инсонда куйидаги шахсий фазилатлар мавжудлиги билан белгиланади:

- эмпатия – дунёни бошқалар кўзи билан кўриш, уни шу одамлар каби тушуниш кўникмаси;
- хайриҳоҳлик – ҳурмат, симпатия, одамларни тушуниш, бошқаларни қўллаб-қувватлашга тайёрлик;
- ташаббускорлик – одамлар билан тил топа билиш, муайян шароитда жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёрлик;
- очиқлик – очиқ-ойдин гапириш ва иш кўра олиш, бошқаларга ўз ички дунёсини очишга тайёрлик;
- ўз-ўзини билиш – одамлардан ўзи ҳақида ҳар қандай ахборотни олишга тайёрлик, лекин ўзгалар фикрига қарам бўлмаслик.

Ҳар бир шахснинг ривожланиш хусусиятлари индивидуал мулоқот маданиятининг бетакрорлиги ҳақида сўз юритиш имкониятини беради. Мулоқот маданияти таълим жараёнида ривожланиши мумкинлиги ёдда тутиш муҳимдир.

Ходимларнинг ижтимоий хулқ-атворини рағбатлантириш. Янги иқтисодий муносабатлар ходимларга янги талабларни ҳам қўяди. Уларнинг орасида янгича тафаккур, менталитет, меҳнатга рағбатлантириш усулларини шакллантириш ҳам бор.

Мотив нафақат инсонни ҳаракатга рағбатлантиради, балки нимани қандай бажариш кераклигини ҳам белгилайди. *Стимуллар* муайян мотивларга туртки берувчи омиллар ролини ўйнайди. Одамларни мотивлаштириш учун турли хил стимуллардан фойдаланиш рағбатлантириш жараёни деб аталади. Бошқарув амалиётида унинг айниқса кенг тарқалган шаклларидан бири моддий рағбатлантириш ҳисобланади.

Инсоннинг ижтимоий хулқ-атворини белгиловчи омиллар тизимининг бўғинлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Жамоа аъзоси турли ижтимоий гурухларга мансуб бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир гурух ижтимоий хулқ-атвор хусусиятлари билан тавсифланади. Масалан, ёш ходимлар меҳнатнинг мазмунига, ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш имкониятига кучли қизиқиш билдирадилар; катта авлод вакиллари учун уларга жамоанинг, раҳбарнинг муносабати, уларнинг жамоа олдидаги хизматлари тан олиниши, яхши меҳнат шароитлари алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнатни рағбатлантириш – олий ўқув юртида ходим фаолиятини бошқариш анча мураккаб жараёни. Рағбатлантиришнинг энг биринчи усули тақдирлаш ва жазолаш бўлган. Бу усул маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида анча узоқ вақт амал қиласан. Қадимги Римда буқаларни ҳайдашда ишлатилган учкур учли таёқни “стимул” деб атаганлар. Ҳозирги талқиндаги меҳнатни рағбатлантириш – ўқитувчини тақдирлаш ва мажбуrlаш ёрдамида иш кўришга даъват этишdir.

Маънавий стимуллар ходим онгина таъсир кўрсатиш, хулқ-атворни белгиловчи мотивларни шакллантиришнинг кучли воситаси ҳисобланади. Аммо бунда улардан моҳирона фойдаланиш талаб этилади. Тақдирлашнинг очиқлиги, тантаналилиги ва кўргазмалилиги меҳнатни рағбатлантиришнинг муҳим принциплариdir.

8– Мавзу. Олий таълим муассасасидаги ўқув тарбиявий жараёнининг босқичлари (4 соат)

Асосий саволлар:

17. Ўзбекистонда Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишининг шартшароитлари.
18. Давлат таълим стандартларининг ташкилий бошқарув функцияси.
19. Таълим сифатини бошқариш.
20. Ўқитиш сифатига ва мутахассис кадрларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар, уларга таъсир этувчи омиллар.
21. Аккредитация ва аттестациядан ўтказишнинг аҳамияти ва уни ташкил этиш асослари.
22. Ўз-ўзини аттестациядан ўтказиш таълим сифатини оширишда тутган

ўрни.

23. Ўқув тарбия жараёнини лойиҳалаш ва бошқариш воситалари.

24. Лойиҳалашни иқтисодий таъминлаш ва амалга оширишни ташкил этиш масалалари.

Давлат таълим стандартлари таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва бошқаришнинг янги тури сифатида. Билим, уқув ва кўнималари, яъни малака даражаси ишлаб чиқариш талабларига жавоб берувчи профессионал кадрларни тайёрлаш ва танлаш муаммолари узок йиллардан бери ўзининг долзарб аҳамиятини сақлаб келмоқда. Мазкур соҳада иш кўриш ва тартибга солишнинг янада самаралироқ ва ишончлироқ ёндашувларини яратиш амалга жорий этиш зарурияти ҳозирги замон жамиятининг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ечишда инсон капиталининг тобора ўсиб бораётган аҳамияти билан белгиланади. Бундай муаммоларга ишлаб чиқаришни янгилаш суръатларини янада жадаллаштириш, миграция жараёнларининг кучайиши, янги глобал хавфлар (экология муаммолари, терроризмга қарши кураш ва б.) киради.

Таълимда давлат стандарти нима?


Таълимни стандартлаштириш инсониятнинг ижтимоий онгида рўй берган туб ўзгаришлар туфайли келиб чиқсан заруратдир. Иқтисодий аҳволи ва тараққиёт даражаси турлича бўлган давлатларда яшовчи барча кишиларнинг фикрлаш даражасини иложи борича бир хил ҳолатга келтириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бу ҳолат таълим стандартлари деб аталмиш тушунчани юзага чиқарди.

Стандартни ишлаб чиқиша талабани ҳаддан ташқари зўриқтириб юбормаслик талабларига рия қилиш, яъни у ўқувчи ёшига мос, уни бажаришга қурби етадиган даражада бўлиши керак. Албатта, таълим олувчининг қизиқиши, хоҳиши, эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим. Давлат ва жамият таълим муассасалари олдига муайян ижтимоий буюртмалар қўяётган экан, ўша муассасалар томонидан тайёрланадиган кадр эгаллаши лозим бўлган ижтимоий сифатларнинг минимал чегарасини ҳам кўрсатиб бериши табиийдир. Таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва маънавий сифатларнинг энг қуи миқдори илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик ҳужжат - давлат таълим стандарти ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдики, ДТС назорат воситаси, айни вақтда, таълим муассасаларида кўзланган кўрсаткичларни қўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш ўлчови ҳамдир.

Давлат таълим стандартларининг икки асосий вазифасини алоҳида таъкидлаб қўрсатиш мумкин. Бундай стандартлар ўқувчиларга бериладиган таълим мазмунининг мажбурий минимумини ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини белгилаб беради. Таълим мазмунининг мажбурий минимуми ўқув дастурлари ва дарсликларда тўлиқ ўз ифодасини топиши шарт. Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўра ўқувчи муайян босқичда эгаллаши шарт бўлган билим, кўникма ва малакаларининг минимал миқдори белгиланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ ДТС ишлаб чиқиши тамойилларининг асосийлари бўлиб қўйидагилар хисобланади:



Таълим сифатини бошқариш. Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилишнинг бош йўналишларидан бири унинг сифатини оширишдир. Ҳозирги вақтгача таълимнинг сифати муаммосига нисбатан ҳар хил ёндашувлар шаклланган: кимdir бу муаммога бошқарув муаммоси сифатида қарайди, кимdir мутахассисларни тайёрлаш сифати муаммолари тўғрисида сўз юритади, кимdir олий ўқув юртлари учун таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсларининг сифати хақида гапиради, кимdir ўқув жараёнини ташкил этиш сифати хақида сўз юритади.

Э.М.Коротков фикрига кўра, таълимнинг сифати – бу мутахассиснинг касбий фаолиятни иқтисодиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ самарали амалга оширишга қодирлигини белгиловчи профессионал онг тавсифлари мажмуудир.

Бизнингча, олий таълимнинг сифати (натижа сифатидаги) олий таълимнинг ранг-баранг эҳтиёжлар, мақсадлар, талаблар ва меъёрларга мувофиқлигидир.

Ҳозирги вақтда таълимнинг сифати ўқув юрти ва мамлакат олий мактабининг ракобатбардошлиқ даражасини белгиловчи муҳим тавсифлардан биридир. Муайян олий ўқув юртида таълимнинг сифати буюртмачига таклиф қилинувчи таълим хизматлари мажмууни ҳам ўз ичига олади.

Таълимнинг сифати бошқариладиган жараён бўлиши лозим. Олий ўқув юрти уч субъект – таълим жараёни буюртмачилари: таълим олувчи шахс, малакали кадрларга муҳтоҷ ишлаб чиқариш ва таълим жараёнининг

кафолатчиси саналган давлатга таълим хизматларини кўрсатади.

Сифат муҳим категориялардан бири бўлиб, унга мувофиқ ҳалқаро амалиётда беш асосий йўналиш ажратилади:

- биринчи: таълимнинг сифатини таъминлаш – олий ўқув юртининг нуфузини ошириш, чунки бундай олий ўқув юртининг битирувчиси меҳнат бозорида қулайроқ мавқега эга бўлади;
- иккинчи: таълим стандартларига мувофиқлик;
- учинчи: мижозни қаноатлантирувчи таълимгина сифатли ҳисобланиши мумкин;
- тўртинчи: истеъмолчи сифатни белгилайди ва унинг ҳар қандай истаги бажо келтирилади. Энг муҳими, олий ўқув юрти бунга пул олади;
- бешинчи: олий ўқув жамиятга, ўзи жойлашган минтақага фойда келтиради.

Замонавий рақобатбардош олий ўқув юрти ўз ишининг сифатини бошқаришга қодир тизимга эга бўлиши лозим. Айни шу сабабли жаҳон олий таълим амалиётида сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқишига катта эътибор қаратилади.

Таълим сифатига қўйиладиган талаблар ва олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Бозор шароитида хўжалик юритишда таълимга қўйиладиган талаблар ўзгаради – бугунги кунда улар кўп жиҳатдан муайян мутахассисларга бўлган талабни шакллантирувчи иш берувчи томонидан белгиланади. Бу олий ўқув юрти битирувчиси катта ҳажмда касбий билим, уқув ва кўнікмаларга эга бўлиши лозимлигини англатади. Уларнинг мавжудлигини тегишли диплом тасдиқлайди.

Таълимнинг сифатини олий ўқув юрти битирувчиси малакасининг иш жойи талабларига мувофиқлиги сифатида тавсифлаш мумкин. Мазкур талаблар Давлат таълим стандартлари билан белгиланади. Мутахассислар тайёрлаш сифатини белгиловчи пировард кўрсаткичлар улар таълим муддати мобайнида ўзлаштирган билимлар, уқув ва кўнікмалардир.

Таълимнинг сифати асосан унинг ЎзР “Таълим тўғрисида”ги Конунида таърифланган мақсади билан белгиланади: шахс ва жамиятнинг профессионал тайёрланган кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш.

Кўйидагилар таълим сифатининг энг муҳим тавсифлари ҳисобланади:

1. *Билимлар ҳажми.* У касбий фаолиятни амалга оширишга мувофиқ келиши лозим. Бунда билимлар миқдори олинган ахборот миқдори эмаслигини тушуниш керак.

2. *Билимлар тузилиши* – турли типдаги билимлар билан фан ва фаолиятнинг турли соҳаларига мансублик нисбати. Билимларнинг унумдорлиги ва амалий қиммати уларнинг уйғунлигига боғлик бўлади.

3. *Профессионал фикрлаш услуги,* яъни билимларни бошқариш қобилияти ва улардан амалий фаолиятда самарали фойдаланиш имконияти. Кўпинча битирувчи ўзи олган билимларни амалий фаолият вазифалари билан боғлай олмайди. Бу ерда фикрлаш услуги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. У гуманитар ёки технократик, стратегик ёки прагматик, диалектик ёки формал

бўлиши мумкин. Фикрлаш услуби – билимларни амалий фаолиятда воқелик талабига мувофиқ бириттира олиш қобилияти.

4. *Вақт омили*: касбий муаммолар ва вазифаларни ечишда вақтни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш кўникмаси.

5. *Ролларга нисбатан мўлжални шакллантириши*: муайян фаолият турларигагина эмас, балки маълум ролларга ҳам тайёрлаш. Бунда мутахассис ўз иши ўзгарганида, агар у турли ролларни, масалан, ташаббусчи, бажарувчи, эксперт, маслаҳатчи, ҳакам ролларини бажарса, профессионал функцияларни бажариш учун жавобгар бўлишини назарда тутади.

6. *Иш услубини белгилаш*. Таълим жараёнида мутахассиснинг касбий фаолият ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда устувор омиллар мавжуд бўлиб, улар унинг тафаккуридан мустаҳкам ўрин олади ва кейинчалик унинг иш услубини белгилайди.

7. *Бошқарув қарорларини қабул қилиши кўникмалари* – касбий фаолиятнинг муҳим омилларидан бири. Масалан, қарорлар қабул қилиш жараёни менежердан ўзининг барча касбий билим ва кўникмаларини ишга солишни талаб этади. Бошқарув қарорларини қабул қилиш қобилияти – бу маълум даражада таълим жараёнининг амалий маҳсулни.

8. Бозор вазиятларининг турли шароитларида *хулқ-автор стратегияларини ишлаб чиқиши кўникмалари ва қобилиятлари*. Стратегия – қарорлар ишлаб чиқишигина эмас, балки мақсадлар ва мўлжалларни белгилаш, воқеаларни тушуниш ва олдиндан кўра билиш, асосли бизнес-режани тузиш, керакли стратегияларни танлаш ва шароит ўзгарганида уларни ўзgartириш.

Бошқарув қарорларини ва меҳнат фаолиятининг самарали стратегияларини ишлаб чиқиши кўникмаларига маҳсус иш ўйинлари ёрдамида баҳо бериш мумкин. Улар бозор иқтисодиёти шароитида мутахассиснинг муваффақиятга эришиш имкониятларини намойиш этади.

Олий таълим тизимида аттестация ва аккредитациянинг аҳамияти ва уларни ўтказиш механизмлари. *Аттестация* – ходим ўз фаолиятини қай даражада самарали амалга оширишига баҳо бериш. Ташкилотда аттестациялар умумий тушунчаси билан бир қаторда Performance Assessment – натижаларга баҳо бериш, Personnel Evaluation – ходимларга баҳо бериш, Personal Performance Appraisal – шахсий ютуқларга баҳо бериш, Assessment – шахсий фазилатларга баҳо бериш атамалари ҳам қўлланилади.

Аттестацияни ўтказиш қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятини беради:

- асосий таълим дастури бўйича таълим жараёнининг ҳолати ҳақида аниқ ахборот олиш;
- битирувчиларни тайёрлаш мазмуни ва сифатининг Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги даражасини аниқлаш;
- олий ўқув юрти таркибий бўлинмаларининг таълим фаолиятида ижобий ва салбий жараёнларни аниқлаш;
- аттестация жараёнида аниқланган муаммоларнинг сабаблари ва уларни ечиш йўлларини аниқлаш.

Аттестацияни ташкил этиш ва ўтказишда муайян шартларга риоя қилиш лозим. Биринчидан, баҳолаш тизими мумкин қадар объектив бўлиши ва ходимлар томонидан объектив мезонлар сифатида идрок этилиши, аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Иккинчидан, баҳолаш натижалари сир тутилиши, яъни ходим, раҳбар ва кадрлар билан ишлаш бўлимигагина маълум бўлиши лозим.

Аттестация жараёнида ходим фаолиятининг турли томонлари, унинг хулк-атвори, шахсий фазилатларига баҳо берилади.

Аттестация олий ўкув юртларида асосий таълим дастурларини тайёрлаш сифатини давлат томонидан назорат қилиш шакли ҳисобланади. У битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини оширишни, таълим тизимини молиялаштириш учун ажратилаётган давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Аттестация натижаларига мувофиқ олий ўкув юртини аккредитациядан ўтказиш амалга оширилади. Бу тадбирнинг мақсади – олий ўкув юртининг мақомини ва мутахассислар тайёрлаш йўналишлари (ихтисосликлар) рўйхатини белгилаш. Олий ўкув юртининг давлат аккредитацияси унинг фаолиятини бюджетдан молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

Олий ўкув юрти асосий касб-ҳунар таълим дастурларини, шунингдек уларни амалга ошириш технологиясини мустақил ишлаб чиқади ва қабул қиласди. Олий ўкув юртида давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилиши устидан назоратни тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширади.

Ташқи экспертиза натижаларига кўра аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги қарорни Аттестация комиссияси қабул қиласди. Комиссия қарорида қўйидагилар акс эттирилади:

- аттестацион экспертиза ва кўрсаткичларга баҳо бериш натижаларига кўра олий ўкув юртини аккредитациядан ўтган (ёки ўтмаган) деб топиш тўғрисида хulosалар;
- ўкув юртининг давлат мақомини (типи ва турини) белгилаш;
- олий ўкув юртига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлар ва ваколатларни давлат номидан муайян муддатга бериш.

Қоидага биноан олий ўкув юртини аккредитация қилиш ҳар беш йилда бир марта ўтказилади.

Аkkreditatsiya ихтиёрий – ҳукumatga aloқadorsiz (AKШda) va mажбурий – ҳукumatga aloқador (Fарбий Европа мамлакатларида) бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам аккредитациядан ўтказувчи ташкилот тан олиш мезонини белгилайди, мазкур мезонларга таълим муассасалари мувофиқлигини белгилаш мақсадида жойларда текширувлар ташкил этади ва **таълим муассасаси ҳамда унинг тайёрлов дастурларига** аккредитланган мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қиласди. Бундан ташқари, аттестация ва ўз-ўзини аттестациялаш бир-бири билан турлича муддат ва функцияий боғликларга эга. У, норвег маърифатпарвари Тронд Алевик таснифига кўра, *бир вактда, кетма-кетликда ёки биргаликда ўтказилиши мумкин.*

Бир вақтда (параллел) ўтадиган аттестация ва ўз-ўзини аттестациялашда ташқи идора ҳамда таълим муассасаси ҳар бири ўз баҳосини беради. Текширув сўнгидаги натижаларни алмашадилар ва уларни қиёслайдилар.

Кетма-кет аттестацияда ва ўз-ўзини аттестациялашда аввал таълим муассасаси ўз фаолиятини баҳолайди, сўнг ташқи идора булардан ўз назоратида асоси сифатида фойдаланади.

Биргалиқдаги аттестацияда томонлар баҳолаш жараёни хусусида келишиб оладилар. Бунда манфаатлар турлилиги ва шу билан бир вақтда барча нуқтаи назарлар эътиборга олинади. Ҳозирги вақтда кўпчилик ривожланган мамлакатларда аттестация ва ўз-ўзини аттестациялашни кетма-кет ёки биргаликда ўтказишга ҳаракат қилинади, бунда таълим олувчилар ва улар ота-оналари сўровини ўтказишга катта эътибор берадилар.

Ўзбекистонда таълим муассасасини давлат аккредитациясидан ўтказишда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази таркибидаги *Қадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиши педагог ҳодимлар ва таълим муассасасининг аттестациялаши бошқармаси ўтказган давлат аттестацияси* кўшиб олиб борилади. Агар таълим муассасаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан таъсис этилган бўлса, унда у аттестациядан ўтгунига қадар аккредитациядан ўтган ҳисобланади.

Давлат аттестацияси 5 йилда камида бир марта ўтказилади.

Аккредитация ва комплекс баҳо беришни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги таълимни бошқариш органлари учунгина эмас, балки олий ўқув юртининг ўзи учун ҳам аниқ ва равshan. У таълим муассасалари фаолиятига баҳо бериш жараёнини такомиллаштириш ва оптималлаштириш имкониятини беради ва баҳолаш ва назорат тизимини ривожлантириш учун хизмат қиласи.

Олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини бошқариш ва лойиҳалаш воситалари. Педагогик лойиҳалаш – талабалар ва педагоглар, баъзан ота-оналар бўлғуси фаолиятининг асосий жиҳатларини олдиндан ишлаб чиқиши. Лойиҳалаш ҳар қандай раҳбарнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади.

Олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш бўлғуси фаолиятнинг тахмини вариантини яратишни назарда тутади. Олий ўқув юртида лойиҳалаш обьектлари:

Педагогик вазият.

Педагогик жараён.

Педагогик тизим.

Педагогик вазият лойиҳалаш обьекти сифатида педагогик жараён доирасида ҳар доим мавжуд бўлади. Педагогик вазият – таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми. У мазкур жараённинг муайян даврдаги ҳолатини тавсифлайди. Педагогик вазият таркиби жуда содда. Унга фаолиятнинг икки ёки бир нечта субъекти ва уларнинг ўзаро муносабатлари усуслари киради. Сиртдан педагогик вазият ҳар доим содда, лекин унда эмоциялар, куч-ғайрат мажмуи мужассамлашади. Вазиятнинг мураккаблиги одамларнинг ички маънавий маданияти савияси билан белгиланади.

Педагогик вазиятлар стихияли тарзда юзага келиши ёки олдиндан режалаштирилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда улар оқилона ҳал қилиниши лозим.

Моделлаштириш (моделни яратиш) – тизимни ёки жараённи яратиш мақсадини (умумий ғоясини) ва уларга эришишнинг асосий йўлларини ишлаб чиқиш.

Лойиҳалаш (лойиҳани яратиш) – яратилган моделни янада ривожлантириш ва уни амалда фойдаланиладиган даражага етказиш.

Конструкциялаш – яратилган лойиҳани муайян шароитда реал иштирокчилар томонидан фойдаланиш учун янада муфассаллаштириш.

Таълим тизимида ходимларни рағбатлантиришнинг турлари. Инсонни самарали бошқариш йўли уни рағбатлантирувчи омилларни тушуниш орқали ўтади. Бу ташкилотда инсонни бошқариш шакллари ва усулларининг самарали тизимини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

1. , иссиқлик, бошпана, саломатлик ва инсоннинг яшаб қолишини таъминловчи бошқа омилларга бўлган эҳтиёж.

2. Хавфсизликка бўлган эҳтиёжлар – улар барқарорлик, муҳофаза, тартиб, қўрқувдан холиликни англатади.

3. Ижтимоий эҳтиёжлар – инсон оиласа, дўстларга эга бўлиш, гурухга, мамлакатга мансуб бўлиш истагини акс эттиради.

4. Ҳурматга бўлган эҳтиёжлар – билимдон, қучли, қобилиятли бўлиш истагида намоён бўлади.

5. Ўз қобилиятларини намоён этишга бўлган эҳтиёжлар – инсон ўз билимлари, қобилиятлари, укув ва кўниммаларидан тўла фойдаланишга интилиши.

Рағбатлантириш тизими моддий ва номоддий рағбатлантиришни ўз ичига олади. Моддий рағбатлантириш меҳнатга тўланадиган ҳақни ва ташкилот ўз ходимларига берадиган имтиёзлар тизими (ижтимоий пакет)ни ўз ичига олади.

Меҳнатни моддий рағбатлантириш – инсоннинг меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси оширилиши, қўшимча ҳақ олиш ва бошқа стимуллардан моддий манфаатдорлигидан фойдаланишга асосланган иқтисодий шакллар ва усуллар.

Қўшимча ҳақ белгилашдан мақсад – иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун ходимлар меҳнатини рағбатлантириш. Олий ўқув юритида барча устамалар ва қўшимча ҳақлар қўйидаги кўринишни касб этади:

- лавозим, илмий даража, илмий унвон учун;
- кафедра мудири, деканлик учун устамалар;
- байрам кунлари, юбилей саналари, нафақага чиқиш муносабати билан мукофотлар;
- рейтинг кўрсаткичлари учун устамалар;
- мукофотлар;
- моддий ёрдам.

Олий ўқув юритида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди турли манбалардан таркиб топади. Мазкур манбаларга қўйидагилар киради: бюджетдан

молиялаштириш, бажарилган илмий-тадқиқот ишлари, ўқув ва маслаҳат хизматлари учун хўжалик ҳисоби шаклида молиялаштириш, давлат грантлари ва стипендиялар, контракт асосида мутахассисларни тайёрлаш учун бюджетдан ташқари молиялаштириш.

9 – Мавзу. Ўқув тарбия жараёнини услубий жиҳатдан бошқариш (4 соат)

(1 соат)

9. Таълим тизими муассасасида ўқув тарбия жараёнини бошқаришда ҳуқуқий ва услубий асослари.
10. Таълим тизими йўналиши ва мутахассисликлари классификатори.
11. ОТМда янги мутахассисликларни очиш ва тайёрлашни ташкил этиш.
12. Таълим жараёнини бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш хусусиятлари.


Таянч иборалар ва тушунчалар: таълим сифати, мутахассисликлар классификатори, мотивация, рағбатлантириш, ўқув тарбиявий жараён, мустақил таълим, таълимда назорат, мониторинг

Дарснинг мақсади: олий ўқув юртининг бошқарувида услубий ва ҳуқуқий томонларини асослаб бериш, республикада янги мутахассисликларни очиш механизмини қўрсатиб бериш, асосий ўқув тарбиявий компонентларини очиб бериш, билимларни ўзлаштириш жараёнида мотивациянинг ва мустақил таълимнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириб бериш, олий таълим тизимида замонавий назорат шаклларини таҳлил қилиш.

Олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг методик ва ҳуқуқий асослари. Ҳозирги даврда таълимнинг сифати олий ўқув юртининг рақобатбардошлиқ даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар таркиби ўқув ишининг самарадорлиги ўқитувчиларнинг методик маҳорати даражасига бевосита боғлиқ, шу боис методик иши – ўқув жараёнининг муҳим қисми.

Олий ўқув юртида методик иш ўқув ва Услубий кенгашларнинг иш режаларига мувофиқ ташкил этилади ва амалга оширилади ҳамда бир йилга режалаштирилади.

**Олий ўқув юртида методик ишнинг асосий
мақсадлари:**



Ўқув-методик иш профессор-ўқитувчилар таркибининг методик тайёргарлик сифатини оширишни, методик қўлланмалар ва бошқа методик материалларни тайёрлашни назарда тутади. Олий ўқув юрти Услубий кенгашининг мажлисларида ўқув фанлари тузилиши ва мазмунини, фанларнинг дастурларини, ўқув машғулотларини ўтказиш методикасини такомиллаштириш масалалари, ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш, тажриба алмашиш масалалари, талабаларга таълим ва тарбия бериш сифатини яхшилаш йўллари ва ҳоказолар муҳокама қилинади.

Олий ўқув юрти методик иш бўлимининг асосий вазифалари талабалар, аспирантлар, стажёрлар ва ўқитувчиларни зарур ўқув-методик материаллари билан таъминлаш, тематик кўргазмалар ташкил этиш, ташқи ташкилотлар, таълимни бошқариш органлари билан ўзаро муносабатларга киришишдан иборат.



Амалиёт методиканинг ривожланиш йўналишлари, шакллари ва усуллари бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш сифатини кўп жихатдан белгилашини кўрсатади.

Менежмент ахборот тизимларини ташкил этиш хусусиятлари ва уларни ривожлантириш. Замонавий таълим тизимининг хусусиятларидан бири билимларни саралаш, жамғариш, тизимлаштириш ва узатиш жараёнида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Ахборотлаштириш таълим тизимига икки томонлама таъсир кўрсатишни назарда тутади. Бир томондан, бу таълим хизматларини кўрсатишга нисбатан бутунлай янгича ёндашувлар. Улар: машғулотларни ўтказиш учун янги технологик муҳитни ишлаб чиқиш; ўқув жараёнида профессионал дастурий таъминотни қўллаш; янги таълим технологияларини ишлаб чиқиши ўз ичига олади. Ўз-ўзидан равshanки, бундай туб ўзгаришлар таълим хизматларини кўрсатиш харажатларини ўзгартиришни ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш янги иқтисодий механизмини шакллантиришни талаб қиласди. Бошқа томондан, бу таълимда янги ахборот технологияларини қабул қилишга тайёрлик, чунки улар инсон улар билан ишлашга қай даражада тайёр бўлса, шу даражада самаралидир.

Таълим соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш асосан қуйидаги янги имкониятларни беради: зарурий ўқув ва илмий ахборотни излаш вақтининг қисқариши ва улардан фойдаланиш имконияти; янги ўқув ва услубий адабиётларни ишлаб чиқишига ўқитувчилар вақтининг қисқариши ҳисобига янгилаш жараёнининг жадаллашуви; таълим олувчиларда индивидуал мустақил ишлаш учун қўшимча вақт пайдо бўлиши.

Таълимда ахборот технологияларини қўллаш таълим тизимини ўзгартириш ва таълим жараёнининг сифатини ошириш вазифаларини ҳал қилиш имкониятини беради.

Таълим жараёнига телекоммуникация воситаларини жорий этиш мазкур жараёнга чет эл университетларининг ўқитувчиларини жалб қилиш, видеоконференциялар ўтказиш, халқаро таълим лойиҳаларини қўллаб-куватлашни таъминлаш имкониятини беради.

Бугунги кунда Интернет ахборотни саклаш ва қидириш, ер юзининг нариги бурчагидаги ҳамкасблар билан хат ёзишиш, виртуал форум ва конференцияларда иштирок этиш имконини берувчи қудратли тизимгина эмас, балки алоҳида дунёдир. Айримлар учун Интернет яшаш услугига айланган. Ҳар қандай илмий тадқиқот фаолияти жаҳон фани ва техникасининг ўрганилаётган соҳадаги энг сўнгги ютуқларини акс эттирувчи кўп сонли маҳсус адабиётларни топиш ва ўрганишни талаб этади. Интернет дунёning деярли ҳар қандай қутубхонасидан фойдаланиш имкониятини таъминлаб, глобал “кутубхона” вазифасини бажаради.

Интернет тармоғининг яна бир афзаллиги – муайян мавзу бўйича илмий конференцияларнинг календарь рўйхатлари билан танишиш имконияти. Аниқ электрон адресни олгач, конференция дастурини аниқлаш ва маъруза тезисларини юбориш мумкин.

Ахборот технологиялари янги билимларни яратмоқда. Янги билимлар, ўз навбатида, янги ахборот технологиялари яратилишига сабаб бўлаётир. Ёш авлод амалга жорий этилаётган ахборот технологияларининг афзалликларини яхши англайди. Айни шу сабабли замонавий талаблар таълимнинг одатдаги стратегиясини қайта кўришни тақозо этади.

Мустақил ишлишни ташкил этиш ҳамда унга раҳбарлик қилиш методикаси. Ҳозирги шароитда инсоннинг ижодий иқтидори ва мустақил ностандарт фаолияти жамият ривожланишининг асосий ресурсига айланмоқда. Айни шу сабабли олий мактаб олдида жамиятимизнинг прогрессив ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қодир мутахассисларни тайёрлаш вазифаси турибди. Бу вазифани ҳал қилиш учун талабаларнинг билиш фаолиятини янада фаоллаштириш лозим.

Мустақил ишиш ўқув жараёнининг мухим элементларидан бири ҳисобланади. Мазкур жараён билим, уқув ва кўникмаларнинг, илмий ва техникавий вазифаларни ечиш қобилиягининг шаклланишига имконият яратади. Шу туфайли ҳам талаба мустақил ишишни режалаштириш ва ташкиллаштириш олий ўқув юртида талабага таълим беришнинг мухим вазифаси ҳисобланади.

Талабанинг мустақил иши самарали бўлиши учун қўйидаги шартларни бажариш талаб этилади:

- аудитория иши ва мустақил иши ҳажмларининг тўғри уйғунлигини таъминлаш;
- талабанинг аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги ишини методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш, талабалар мустақил ишиш зарурлигини тўғри тушуниши;

- зарур методик материаллар билан таъминлаш;
- мустақил ишлаш жараёни устидан назорат ва талабани мазкур ишни сифатли бажаришга рағбатлантириш.

Мустақил ўқиб-ўрганиш учун асос бўлиб кафедра мудири томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган талабанинг индивидуал режаси хизмат қиласи.

Кафедралар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг вазифаси талабаларнинг мустақил ишига методик раҳбарликни амалга оширишдан иборат. Кафедралар ўқув фанларининг барча бўлимлари бўйича дастур талабларини белгилайди. Улар мазкур фандан дарс соатлари ҳажмини ҳисобга олиб мустақил иш учун топшириқларни ишлаб чиқади, мажбурий ва қўшимча адабиётлар рўйхатини тузади; методик кабинетлар ишини ташкил этади.

Талабаларнинг мустақил ишига ўқитувчининг методик раҳбарлиги қўйидагиларни ўз ичига олади:

- мустақил ишни мазмун жиҳатидан йўлга солиш;
- группавий ва индивидуал маслаҳатлар бериш орқали изчили ёрдам кўрсатиш;
- талабалар дастур материалини ўзлаштириши сифатини текшириш.

Олий ўқув юрти ўрганилаётган ҳодисалар ва фанларни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун қизиқтираётган мавзу бўйича ўз билимларини мустақил чуқурлаштириш учун етарли бўлган кучли методик ёндашувни беради.

Олий таълим тизимида менежерларни ўқитиб-ўргатиши ташкил этиш. Ҳозирги замон фанида бошқарув мутахассисларини касбий тайёрлаш муаммоларига жиддий эътибор берилади. Самарали бошқарувнинг аҳамияти бу соҳага энг янги илмий маълумотлар, шу жумладан психологик тадқиқотларнинг натижалари жалб қилинишига сабаб бўлаётир.

Тренинг менежерлар билим, уқув ва кўникмалари ҳажминигина эмас, балки шахснинг мўлжаллари ва мотивацион муносабатларини ҳам ўзгартириш имкониятини бериши тренингни талабаларни тайёрлашнинг одатдаги усулларидан фарқлаш учун имконият яратади ва ундан фойдаланиш кўламини кенгайтиради.

Методик воситаларнинг ранг-баранглиги тренингда реал вазиятга мумкин қадар яқинлашиш имкониятини беради. Тренинг иштирокчилари мухитни яратиш борасидаги тажрибага қўшилиш имкониятига эга бўладилар.

Менежментда тренингнинг умумий мақсади менежер ўз ташкилоти, ташкилот ишлаб чиқараётган маҳсулот ва бу соҳадаги бошқарувчи сифатидаги ўзининг образини қабул қилишига эришишdir.

Тренинг дастурлари орасида менежерларда *самарали муносабатлар кўникмаларини шакллантиришга қаратилган дастур алоҳида ўрин эгаллайди*. Мазкур дастурда тренингнинг мунозаралар, қисқа маърузалар, ролли ўйинлар каби техникалари қўлланилади.

Жаҳонда М.Фортингнинг *ижтимоий-психологик тренинг* методикаси назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантирилган. Ушбу методика замирида қўйидаги вазифаларни ечиш орқали касбий маҳоратни ошириш ётади:

- шахс, гурух психологияси соҳасида билимларни ўзлаштириш;
- самарали муносабатлар укув ва кўникмаларини шакллантириш;
- ўзига, бошқа одамларга, уларнинг ўзаро муносабатларига тўғри баҳо бериш қобилиятини ривожлантириш;
- шахс муносабатлари тизимига тузатиш киритиш ва уни ривожлантириш.

Менежерларни касбий тайёрлаш манфаатларида амалга ошириладиган тренинг дастурларининг навбатдаги гурухини *интеллектуал тренинг дастурлари* ташкил этади. Уларга креативлик, қарорлар қабул қилиш, стратегик фикрлаш тренинглари киради.

Командани шакллантириши тренинги самарали ишлайдиган бошқарув гурухларини ташкил этишни назарда тутади.

АҚШ, Фарбий Европада кенг тарқалган сотувлар тренингининг мақсади ташкилот ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни илгари суриш жараёнларини бошқаришдир. Сотувлар тренингининг асосий вазифаларига ўзини ўзи тарғиб қилиш, маҳсулотни таништириш кўникмаларини шакллантириш, истеъмолчининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш киради.

Шундай қилиб, тренинг кўп функцияли метод сифатида, турли даражага менежерларнинг касбий маҳорати ва шахсий кўникмаларини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

10 – Мавзу. Таълим тизимида кадрлар сиёсати (2 соат)

Асосий саволлар:

8. Таълим тизимида кадрлар сиёсатининг асосий йўналишлари.
9. Ўқув-тарбия жараёнида кадрларни тутган ўрни.
10. Илмий педагогик кадрларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш самарасини ошириш масалалари.
11. Илмий педагогик кадрларга қўйиладиган талаблар ва улар фаолиятини баҳолаш мезонлари.
12. Профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионаллик даражаси.
13. Таълим тизимидағи ихтисослаштирилган марказларнинг, жамғармаларнинг вазифалари.
14. Олий ўқув муассасалари учун кадрлар таёrlаш ва уларни истиқболлаштириш.

Таянч иборалар ва тушунчалар: юқори малакали кадрлар, кадрлар билан ишлаш сиёсати, олий ўқув юртининг фалсафаси, педагогик маҳорат компонентлари, замонавий педагог модели, кадрларга қўйиладиган талаблар.

Дарснинг мақсади: ОТМнинг кадрлар билан ишлаш сиёсати билан таништириш, ОТМнинг фалсафаси тушунчасининг мазмунини ёритиб бериш, замонавий педагогик кадрларга қўйилган талабларни ўрганиш, педагогнинг умумлашган моделини лойиҳалаш.

Олий таълим тизимида кадрлар билан ишлаш сиёсатининг асосий йўналишлари. Ходимларни ишга қабул қилишда йўл қўйиладиган хатолар ташкилот учун айниқса қимматга тушадиган хатолар қаторига киради. Айни шу сабабли бу қадам энг масъулиятли қадамлардан бири ҳисобланади.

Кадрлар билан ишлаш – олий ўқув юрти раҳбарияти фаолиятининг энг мураккаб йўналишларидан бири. У ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа хил вазифаларни комплекс ечишни талаб этади. Олий ўқув юртининг кадрлар билан ишлаш сиёсати таълим бериш ва ривожланишнинг аниқ белгиланган тактикасини, шунингдек бошқарув салоҳиятини ривожлантириш жараёнининг мақсадини ўз ичига олиши лозим.

Кадрлар билан ишлаш сиёсатини амалга оширишда энг аввало ходимнинг ташкилот фалсафаси ва стратегиясига мувофиқлигини ҳисобга олиш талаб этилади. Ташкилотнинг ходимларга бўлган эҳтиёжлари асосан унинг олдида турган мақсадларга боғлик бўлади. Бу мақсадлар қанча аниқ таърифланган бўлса, ходимлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятни режалаштириш шунча осон бўлади. Ташкилот ўз стратегияларидан бирида бирор нарсани ўзгартирса, масалан, янги таълим хизматларини киритса, ходимлар сони ва малакасига қўйиладиган талаблар сезиларли даражада ўзгариши мумкин.

Кадрлардаги ўзгаришлар ишдан бўшатиш, нафақага чиқиш, декрет таътили ва ҳоказолар билан белгиланиши ҳам мумкин. Кадрлар бўлими ўзгаришлар мониторингини юритиши ва уларни тахмин қилиши лозим.

Ташқи омиллар орасида меҳнат бозорининг ҳолати биринчи даражали аҳамият касб этади. У макроиқтисодий вазиятга, техника ва технологиянинг ривожланиш даражасига, рақобат ва бошқа омилларга боғлик.

Таълим тизимининг кадрлар билан ишлаш сиёсатида лавозимнинг ташкилий тузилмадаги ўрнини, яъни бажариладиган ишнинг мазмуни ва ҳажмини, зарур малакани, ҳамкаслар билан муносабатларни белгилаш мухимдир.

Янги ташкилотга мослашиш жараёни ва бу ерда ишни бошлаш ҳар қандай одам учун оғир даврdir. Агар ташкилот бундай одамни қўллаб-куватламаса, унинг жамоага бўлган ишончи камаяди, ишнинг сифати пасаяди. Мослашишнинг икки типи: профессионал мослашиш ёки ишнинг мазмунига кириш ва ижтимоий-психологик мослашиш ёки жамоага қўшилиш фарқланади.

Таълим-тарбия жараёнида юқори малакали кадрларнинг аҳамияти. Маълумки, олинган билимлар эскиради ва инсон ўз билимлари, малака даражасини ошириш билан шуғулланмаса, унинг билимлари ҳал қилинаётган вазифаларга мувофиқ келмай қўяди.

Педагог касби ўз моҳиятига кўра ўта индивидуалдир. Ҳар бир педагогнинг бош мақсади – ўз ишининг устаси бўлиб етишиш. Педагогик маҳорат касб-кор соҳасида ўз индивидуаллигини ёрқин намоён этиш сифатида тушунилади. Педагогик маҳорат компонентлари касбий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган қўникмаларни белгилайди.

Кўникмаларнинг қуидаги гурӯҳлари фарқланади:

- a. Лойихалаш кўникмалари.
- b. Конструкциялаш кўникмалари.
- c. Ташкилотчилик кўникмалари.
- d. Коммуникатив кўнималар.
- e. Гностик кўникмалар.

Педагогик маҳорат замирида педагогик компетентлик ётади. Педагогик компетентлик деганда педагогик функцияларни муайян тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва талабларга мувофиқ бажаришга тайёрлик ва қодирликни белгиловчи профессионал-шахсий тавсиф тушунилади. Профессионал-педагогик компетентлик педагогик воқеликни тизимли тушуниш ва унда тизимли иш кўриш кўникмасини ўз ичига олади. Профессионал компетентлик ўз фаолият соҳасида эркин мўлжал олишни кўзда тутади. Компетентлик уч муҳим омил билан боғлиқ бўлган замонавий педагогик технологияларни ўзлаштиришни назарда тутади:

- 2. бошқа одамлар билан муносабатлар маданиятини;
- 3. ўз фаолият соҳаси ҳақида ахборот олиш кўникмасини;
- 4. ўқув ахборотини бошқаларга бериш кўникмасини.

Шундай қилиб, профессионал-педагогик компетентлик қуидаги асосий компонентлар билан тавсифланади:

- 5. шахсий-инсоний мўлжал;
- 6. педагогик жараённи тизимли идрок этиш;
- 7. ўз фаолияти соҳасида мўлжал ола билиш;
- 8. педагогик технологияларни ўзлаштирганлик.

Профессионал-педагогик компетентликнинг юкорида зикр этилган элементлари мураккаб тузилмани, мутахассиснинг “идеал модели”ни ташкил этади, унинг шахсий-фаол тавсифини белгилайди.

Илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Ўқитувчи - таълим миқиёсида раҳбар, у фанларни ўрганишда йўналишларни кўрсатади ва таълим олувчиларни тарбиялайди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур мақсад ва вазифаларни хал этиш биринчи галда қуидаги талабларни қўяди:

-олий таълим тизимидағи ўқитувчилар, илмий кадрлар, ходимлар, касбий-малакавий, маданий-таълимий, иқтисодий ва хуқукий даражасини ошириш;

-давлат ва ижтимоий муҳофазасини такомиллаштириш, шунингдек тарбиячи, педагог ва илмий ходим касби обрўсини қўтариш.

Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш муаммолари ҳақида сўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов шундай деган эди: «Ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг турмуши эҳтиёжларини таъминлашимиз, касблари обрўсини қўтариш учун улар меҳнатини разбатлантиришимиз лозим». Яна давом этиб: «... уни (мазкур муаммони) хал этмай келајсак авлод тарбияси ҳақида гапириши хеч қандай маъно касб этмайди».

Ўқитувчи меҳнатининг устиворлиги уч «нуктага таянади»:

-биринчиси - ўқитувчининг малакаси, маданий ва маънавий даражаси;

-иккинчиси - таълим олувчилар саводлилиги ва касбий малакаси учун ўқитувчиларнинг маънавий жавобгарлиги;

-учинчи - моддий ва ижтимоий таъминот, келгуси авлодни гармоник ривожланишга тайёрлашда ўқитувчи меҳнатининг аҳамияти, малакали кадрлар тайёрлаш орқали иқтисодиётни қўтаришдаги ўрни.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мужассам талаблар қўйилади, булар **замонавий ўқитувчи моделини** умумий тарзда ташкил этади қўйидагилар асосий талаблар ҳисобланади:

-ўқитувчи уddасидан чиқиши

-тарбиялашнинг уddасидан чиқиши

-шахсий сифатлар

-таълим олувчилар билимини объектив баҳолаши ва назорат қилишининг уddасидан чиқиши

Ўқитувчининг уddалай олишига ўз навбатида кўпгина муҳим омиллар таъсир этади:

-ўқув жараёнини қўллаб-қувватлаши ва унинг муҳити;

-ўқитувчиларнинг руҳий-педагогик тайёргарлиги;

-касбий маълумот манбаи сифатида чет тилларини билиши;

-фанни чуқур билиши, касбий ваколатлилик ва иқтидор;

-янги педагогик технологиялардан хабардорлик;

-илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишлари янги методик ва билимлар манбаи сифатида;

-ўз ишини такомиллаштиришига мунтазам интилиш;

-узлуксиз таълим тизими меъёрий ҳужжатларини яхши билиши;

-компьютер технологиясини эгаллаган бўлиши;

-информация базаси ва ресурслар.

Тарбиялашнинг уddасидан чиқиши ўқитувчининг маданияти ва маънавияти, унинг шахсий хулқ-автори ва обрўсига, ватанпарварлик ва бурчни хис этишига юқори даражасига таянади. Таълим олувчиларда яхлит олам қиёфасини, юқори маданият, маънавият ва жаҳон миқиёсида фикрлашни шакллантириш учун ўқитувчи кенг гуманитар ва инсонпарварона тайёргарликка, шунингдек ўқув тарбия ишини ташкил қилиши малакасига эга бўлиши лозим.

Шахсий сифатлар бўлиб, ўқитувчидаги талабчанлик ва адолатлилик ва хайриҳоҳлик, мулозаматлилик ва мутойибани хис этиши ҳисобланади. Бу сифатлар таълим олувчилар учун ўқитувчининг референтлиги (қадрлилиги)ни белгилайди.

Объектив баҳолашнинг уddасидан чиқиши таълим олувчиларнинг билими руҳий – педагогик маънода ўқита билишлик ва тарбиялай олишлик билан чамбарчас боғлиқдир.

Объектив баҳолаш воситаларига нимаики тааллуқли бўлса, ўқитувчи уларни билиши шарт ва аъло даражада фойдаланиши лозим.


Бу рейтинг назорат, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиши ва қўллашни уddалай олиш ва б.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқадиган ўқитувчининг умумлашма модели шундан иборат. Мазкур модел олий таълим ўқитувчилариға мос келиши керак.

Ана шу мувофиқликка эришиш учун, аввало, «**Ўқитувчи ким бўлиши керак?**» деган саволга жавоб бериши зарур. Шундан кейин малака ошириш ёки ўқитувчиларни, яъни мазкур мувофиқликни таъминловчи қайта тайёрлашнинг зарур хажми ва мазмуни белгиланади.

Илмий-педагог кадрларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг фаолиятига баҳо бериш мезонлари. Олий мактаб ўқитувчисининг шахсига юксак талаблар қўйилади. Улар педагоглар ва психологларнинг тадқиқотларида чуқур асослаб берилган.

Педагог шахсига қўйиладиган асосий талаблар унинг юксак малакасига қаратилган. Юксак малакасиз ўқитувчи фаолиятини тасаввур қилиш мумкин эмас. Таниқли математик М.В.Остроградский: “Яхши педагог яхши шогирдларни тарбиялади”, деган эди.



Расм 9. Ўқитувчининг умумлашган модели



11 мавзу. Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимини бошқариш тажрибаси (2 соат)

Асосий саволлар:

7. Ривожланган хорижий давлатлар таълим тизимидағи ҳозирги йўналишлари.
8. Хорижий давлатлардаги бакалавр ва магистрларни тайёрлашни бошқариш тажрибаси.
9. Америка, Фарбий Европа, Осиё мамлакатларидаги Олий ўқув муассасаларини молиялаштириш хусусиятлари.
10. Ўқув-тарбиявий муассасаси ходимлари.
11. Халқаро ҳамкорлик ва битимлар.
12. Олий ўқув муассасаларининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллари ва тайёрланаётган кадрлар сифати.

Таянч иборалар ва тушунчалар: хорижда олий таълим тизими, хорижда олий таълимни бошқариш, хорижда олий таълимни молиялаш, жаҳонда таълим тизимларини ислоҳ қилиш тенденциялари.

Дарснинг мақсади: ривожланган давлатларнинг олий таълим тизими ҳақида тушунча хосил қилиш, жаҳоннинг турли турли таълим тизимларида бакалавр ва магистрлар таёrlаш тажрибаси билан таништириш, ривожланган мамлакатларда олий таълим тизимини молиялашнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, ҳозирги кунда жаҳонда таълим тизимларини ислоҳ қилишга нисбатан асосий тенденцияларини кўриб чиқиш.

Жаҳонда олий таълимни бошқаришнинг ҳозирги йўналишлари. Ҳозирги вақтда мамлакатда таълим даражаси қанча юқори бўлса, унинг иқтисодиёти шунча самарали ривожланиши, ишсизлик даражаси паст ва умрнинг узоқлик даражаси шунча юқори бўлиши шак-шубҳасиз бир ҳол сифатида қаралади. Бундан ташқари, аҳоли билим даражасининг юқорилиги жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига, масалан, давлат бошқарувининг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аммо таълим барча иқтисодий муаммоларни ечишга қодир бўлган “мутлақ қурол” эмас.

Washington ProFile ахборот агентлиги хабар беришича, БМТ баҳолашларига кўра, ўтган ўн йилликлар мобайнида жаҳонда саводсизликка қарши курашда жиддий ютуқлар қўлга киритилган. 1960 йилда жаҳон аҳолисининг 36% базавий маълумотга эга бўлмаган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 5% гача камайган. Ҳолбуки, шу давр ичida жаҳон аҳолиси икки баравар (3 млрд.дан 6 млрд.гача) ўсган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти маълумотларига кўра, олий маълумот олаётган одамлар сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ўрта ҳисобда меҳнатга қобилиятли кишиларнинг 32% (25-65 ёшлилар

тоифаси баҳоланган) тугалланган олий маълумотга эга. Олий маълумотли кишиларнинг энг кўп улуши Канада (43%), АҚШ (38%) ва Япония (36%)да, энг кам улуши – Мексика (6%), Туркия ва Португалия (9% дан)да қайд этилган.

Францияда олий таълим тизими 87 университетни ўз ичига олади, шулардан бештаси – нодавлат католик институтлари ва учтаси – университет типидаги миллий политехника институтлари. Университетлар қошида ихтисослашган институтлар: 113 технология, 66 касб-хунар ва 30 педагогика институтлари бор. Давлат Миллий маориф, олий таълим ва фан вазирлиги сиймосида асосий бошқарув функцияларини бажаради. Ихтисослашган олий ўқув юртларининг аксарияти соҳа вазирликлари ва идораларга бўйсунади. Давлат олий таълимни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳамдир. Ўтган йили унга умумий харажатлар 17 млрд. еврони ташкил этди, шундан 5,6 млрд. евро умуммиллий бюджетдан ажратилди.

Японияда аҳолининг 42% олий маълумотли. Бу мамлакатда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш юксак даражада эканлиги, у ишчи касби вакилларидан юксак малакага эга бўлишни талаб қилиши билан изоҳланади. Бугунги кунда мамлакатда 600 га яқин университет бор, шулардан 425 таси – хусусий. Уларда 2,5 млн.га яқин талаба таҳсил олади. Энг нуфузли олий ўқув юртлари – Токио, Киото ва Осака университетлари. Хусусий олий ўқув юртлари орасида энг машҳурлари Тюо, Нихон, Васэда, Мэйдзи, Токай ва Кансай университетлари.

АҚШда олий таълим тизими марказлаштиришдан чиқарилган. Ҳар бир штат таълим соҳасида федерал қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз сиёсатини олиб бориш ваколатларига эга. АҚШда ўқиш муддати тўрт йил бўлган университетлар ва коллежлар берадиган олий маълумотга нисбатан штатларнинг таълим департаментлари минимал талабларни белгилайдилар. Улар асосан университет фаолиятининг умумдавлат сиёсатига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган.

АҚШ Федерал ҳукуматида таълим учун Таълим департаменти жавоб беради. У муайян даврда мамлакат учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим соҳаларини белгилайди. АҚШ Конгресси мамлакатда таълимни кучайтиришга таъсир этувчи қонунлар қабул қиласи, Департамент эса федерал бюджетдан маблағларни тақсимлайди ва улардан фойдаланишини назорат қиласи.

Германия олий таълим тизими 345 ўқув юртини бирлаштиради. Бу ўқув юртларининг аксарияти (98%) давлатга қарашли. Хусусий олий ўқув юртлари давлат лицензиясига эга бўлишлари лозим. Уларда 2 млн.га яқин талаба таҳсил олади. Тизимнинг негизини университетлар ва уларга тенглаштирилган олий ўқув юртлари ташкил этади. Ноуниверситет типидаги олий ўқув юртларига бизнес, иқтисодиёт, сервис, қишлоқ хўжалиги ва амалий санъат соҳасида маълумот берувчи касб-хунар олий мактаблари ҳамда санъат коллажлари киради.

Германияда олий ўқув юртларига қабул қилишнинг умумий қоидалари белгиланган. Ўрта маълумот ҳақидаги диплом (Abitur) университетга кириш

имтиҳонлари топшириш хуқуқини беради. Агар дипломдаги баҳолар умумий белгиланган стандартларга мувофиқ келса, одатда абитуриент имтиҳонларсиз қабул қилинади. Германия олий ўқув юртларида талаба касб бўйича амалий иш тажрибасини ўзлаштиради. Классик фанларнинг кенг мажмуудан иборат эски университетлар билан бир қаторда Германияда назария ва амалиёт ўртасидаги яқин алоқага урғу берувчи янги олий ўқув юртлари пайдо бўлмоқда. Келгусида илмий фаолият билан шугулланишни истамаган абитуриент юздан ортиқ йўналишда мутахассислар тайёрлайдиган олий маҳсус ўқув юртларидан бирини ёки политехника институтини танлайди. Амалий кўнималарни мазкур олий ўқув юртларининг талабалари корхоналарда ўзлаштирадилар.

Жаҳоннинг турли таълим тизимларида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш тажрибаси. Япония олий таълим тизимида университетлар, кичик ва техника коллежлари, маҳсус тайёрлов мактаблари киради. Япония олий ўқув юртларида ўқиши америкача андозага мувофиқ ташкил этилган бўлиб, юздан ортиқ йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича олиб борилади. Бунда муҳандислик йўналиши 35 таълим дастуридан, гуманитар йўналиш – 38 дастур (йўналиш)дан иборат. Таълим олувчиларнинг 90% ни хотин-қизлар ташкил этадиган 2 ёки 3 йиллик кичик коллежларнинг дастурлари гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар, санъат, тиббиёт, педагогика ва рўзғоршунослиқдан таълим беришга қаратилган. Техника коллежлари муҳандислик-техника соҳасига мансуб 30 дан ортиқ дастурларни ўз ичига олади. Уларнинг орасида информатика ва электроника, саноат дизайни ва муҳандислик графикаси бўйича дастурлар етакчилик қиласи.

Университетларда 4 йиллик дастур бўйича, тиббий ихтисосликлар учун эса – 6 йиллик дастур бўйича мутахассислар тайёрлаш амалга оширилади. Ўқишни муваффақиятли тамомлаганларга биринчи университет даражаси берилади. У АҚШда бериладиган бакалавр даражасининг аналоги ҳисобланади. Университетларда магистрлар ёки фан докторлари тайёрлашга қаратилган дастурлар мавжуд. Уларга университетларнинг бакалавр даражасига эга бўлган бити्रувчилари қабул қилинади. Ўқишнинг меъёрий муддати – тегишли равишда 2 йил ва 5 йил.

Таълим муаммолари мажмуи орасида таълимнинг сифати Японияда биринчи даражали аҳамият касб этади. Аммо мамлакатда ўқув юртларини давлат томонидан аккредитация қилиш тизими йўқлиги, уларни таъсис этиш (лицензиялаш) тизимиగина мавжудлиги туфайли, таълимнинг сифатига эришишда асосий урғу юқори малакали ўқитувчилар таркибини шакллантириш, турли типдаги ўқув юртлари учун мониторинг ва ўз-ўзига баҳо бериш тизимини амалга жорий этишга берилади.

Америка, Фарбий Европа, Осиё мамлакатларида олий таълим тизимини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги вақтда олий таълимни молиялаштириш билан боғлиқ бир нечта тенденцияларни фарқлаш мумкин. Биринчи – мазкур соҳага харажатлар таркибида давлат улушининг қисқариши. Бу ҳол ривожланаётган мамлакатлардагина эмас, балки иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилади. Масалан,

харажатлар сезиларли даражада қисқариши Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия каби мамлакатларда юз берди. Баъзи мамлакатларда молиялаштиришнинг пасайиши юз бергани йўқ, айрим мамлакатларда эса, у амалда ҳатто қўпайди (Австралия, Швеция, Португалия).

Иккинчи тенденция олий таълим одатда бепул бўлган мамлакатларда ўқиш учун ҳақ тўлаш тартибини жорий этиш ҳисобига маблағларнинг қайтишини қўпайтириш ёки мазкур амалиёт мавжуд бўлган мамлакатларда ҳақ миқдорининг ўсиши билан боғлиқ. Илгари қўпгина мамлакатларда олий таълимдан эркин баҳраманд бўлиш имкониятини таъминланган бўлса, эндиликда айрим мамлакатларни (масалан, Бразилия, Шри-Ланка, Танзания ва Европанинг бир қатор мамлакатларини) истисно этганда аксарият олий ўқув юртлари ўқиш учун ҳақ олмоқда. Натижада қўпгина ўқув юртлари бозорда талаб мавжуд бўлган фаолият турларини ривожлантироқдалар, чунончи: хизматлар (асосан маслаҳат хизматлари), буюмлар, патентларни сотмоқдалар.

Мисол тариқасида Японияда олий таълимни молиялаштиришнинг асосий йўналишларини келтирамиз.

Японияда таълимни молиялаштириш миллий ҳукумат томонидан ҳам, префектуралар ва муниципалитетларнинг маъмуриятлари томонидан ҳам амалга оширилади. Бу соҳага ҳукумат харажатлари миллий таълим муассасаларини таъминлашга маблағлардан ва маҳаллий даражада таълимни кувватлашга ва хусусий ўқув юртлари учун ажратиладиган субсидиялардан таркиб топади. Маҳаллий даражада таълим харажатларини молиялаштириш ҳажми бевосита префектуралар ва муниципалитетларнинг маъмуриятлари томонидан йиғилган соликлар ва бошқа даромадлардан белгиланади.

Олий ўқув юртларида таҳсил олиш учун талabalар маълум миқдорда ҳақ тўлайдилар. Миллий олий ўқув юртлари талabalari учун ҳақ тўлаш даражаси Таълим, фан, спорт ва маданият вазирлиги томонидан белгиланади. Префектуралар ва муниципалитетларнинг ўқув юртларида ўқиш қиймати маҳаллий қонунлар билан белгиланади. Мажбурий таълим тизимида банд бўлган ўқитувчилар маошига вазирлик бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажми 46,5% ни ташкил этади. Бу ўқитувчилар иш ҳақи фондининг ярми ҳисобланади, иккинчи ярми эса маҳаллий бюджетларнинг маблағларидан молиялаштирилади.

Маориф вазирлиги университетлар жорий харажатларининг тахминан ярмини яхлит грант сифатида молиялаштиради. Маблағларнинг иккинчи ярмини эса университет марказларининг ишидан, ўқишига тўланган ҳақдан, рақобатбардош лойиха ечимларини амалга оширишдан олинган даромадлар, айрим шахсларнинг эҳсонлари ва ҳоказолар ташкил этади. Бу даромадларнинг барчасидан университет ўз ихтиёрига қараб фойдаланиши, тежаб қолиши, навбатдаги йилга ўтказиши мумкин.

Таълим олувчилар кўп сонли ташкилотлардан, шу жумладан Япония стипендия жамғармасидан молиявий ёрдам олишлари мумкин. Турли давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларидан мадад олувчи мазкур жамғарма талabalарга фоизсиз қарз бериш ва кам фоизли (3% гача) кредитлаш

амалиётини кенг қўллади. Фоизсиз кредитлар барча даражадаги таълим олувчиларга берилиши мумкин. Кам фоизли кредит университетлар, кичик коллежларнинг талабалари, магистрлик дастурлари ва маҳсус тайёрлов мактабларининг тингловчилари учун мўлжалланган. У ёки бу турдаги стипендиал кредитлар ўқув юрти маъмурияти томонидан тавсия этилган таълим олувчиларгагина берилади.

12 – Мавзу. Таълим тизими маркетинг фаолиятини бошқариш (4 соат)

Асосий сабаблар.

8. Маркетинг фаолияти ва уни ташкил этиш тамойиллари.
9. Таълим тизими муассасалари маркетинг бўлими вазифалари.
10. Мутахассислар бозорини ташкил этиш шарт шароитлари.
11. Мутахассисларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш усуллари.
12. Таълим тизими муассасаларида маркетинг хизматидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш дастурлари.
13. Таълим хизматлари бозорида коммуникацияларнинг ўрни.
14. Таълим хизматларини ташкил этишда рекламанинг ташкилий ва технологик асослари.

Таянч иборалар ва тушунчалар: маркетинг, маркетинг микс, маркетинг принциплари, маркетинг хизматини ривожлантириш, таълимда реклама, ОТМ имиджи.

Дарснинг мақсади: ҳозирги вақтда маркетингнинг асосий йўналишларини ривожлантириш ва ташкил этиш принциплари ҳақида тушунча хосил қилиш, олий ўқув юртида маркетинг вазифаларини ўрганиш, таълим хизматларини ташкил этишнинг технологиясини ишлаб чиқиш .

Маркетингнинг асосий йўналишлари ва уни ривожлантириш. Бозор муносабатларига ўтилиши, бюджетдан молиялаштиришнинг етарли эмаслиги олий ўқув юртларини бюджетдан ташқари маблағларни қидириш билан шуғулланишга мажбур этади.

Олий ўқув юртида тижорат фаолияти қуйидаги асосий шаклларга эга бўлиши мумкин: ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий ва ўқув фаолияти. Уларни ривожлантириш ва техник жиҳатдан қўшимча жиҳозлаш олий ўқув юртининг бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик тизимларини янгилаш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Пулли таълим хизматлари ҳам давлат олий ўқув юртларига бюджетдан ташқари қўшимча даромадлар келтиради.

Олий ўқув юртида тижорат фаолиятининг ривожланиши унинг етарли миқдордаги ресурслари (илмий-педагогик кадрлар ва моддий-техника базаси), шунингдек кўрсатилаётган хизматларга аҳолининг тўловга қобилиятли талаби билан қувватланиши лозим.

Ҳозирги замон таълимининг иқтисодий ҳолати “таълим” ва “бозор” тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳақида мулоҳаза юритишга мажбур этади. Бизнингча, бунинг асосий сабаблари қуидаги омиллар билан белгиланади:

1. Давлат олий ўқув юртида ўқув жараёни ва олий ўқув юрти фанини етарли даражада молиялаштиришга қодир эмас. Кўпгина олий ўқув юртлари молиялаштиришнинг ўз манбаларини қидиришларига тўғри келади.

2. Олий ўқув юртининг тижорат фаолияти талабалар, ўқитувчилар ва ходимларда бозор мотивациясини тарбиялашга кўмаклашади.

Бозор шароитлари одамлар психологиясини ўзгартиради: меҳнатга кўпроқ ҳақ тўланадиган ишда ишлашни хоҳловчи ўқитувчилар улуси кўпаяди; одамлар ўз меҳнатининг сифатини яхшилашга, янги ғояларни илгари суришга ва ҳоказоларга ҳаракат қиласидар.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунига мувофиқ олий ўқув юртининг тижорат фаолиятини ривожлантириш учун янги кенг имкониятлар очилмоқда.

Олий ўқув юрти ва ўқув-илмий, ишлаб чиқариш тижорат тузилмалари ўртасида қўшимча маблағларни жалб қилишга доир ўзаро муносабатлар ҳамда ҳисоб-китоблар тартиби маҳсус низомлар ёки шартномалар билан белгиланади.

Бюджетдан ташқари асосий ўқув ва илмий фаолиятига чет эллик талабаларни пулли асосда ва шартнома асосида ўқитиш, қўшимча пулли таълим хизматлари қўрсатиш, хўжалик шартномаларига мувофиқ илмий фаолият билан шуғулланишни киритиш мумкин.

Таълим муассасалари ўз уставида назарда тутилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин:

- таълим муассасасининг асосий фондлари ва мол-мулкини реализация қилиш ва ижарага бериш;
- товарлар, асбоб-ускуналар билан савдо қилиш;
- воситачилик хизматлари қўрсатиш;
- бошқа (шу жумладан таълим) муассасалар ва ташкилотлар фаолиятида ўз улуси билан иштирок этиш;
- акциялар, облигациялар, қимматли қофозлар харид қилиш ва уларга даромадлар (дивидендлар, фоизлар) олиш;
- даромад келтирувчи бошқа хил операцияларни амалга ошириш.

Маркетинг фаолиятини ташкил этиш принциплари. Ҳозирги вақтда жаҳонда кенг тарқалган “маркетинг” тушунчаси бозорни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни англатади.

Кўпчилик маркетингни товарларни сотиш билан боғлайди. Аммо сотиш тизимининг вазифаси харидорни ишлаб чиқарилган маҳсулотни харид қилиш лозимлигига ишонтиришдан иборат бўлса, маркетинг фаолияти истеъмолчига нафақат бугун, балки эртага ҳам керак бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматларни қўрсатишни назарда тутади.

Маркетингнинг бош қоидаси – истеъмолчига амалда зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш, унга ўз эҳтиёжларини аниқлашга ёрдам бериш, истеъмолчини тўлақонли қондирадиган маҳсулот ва хизматларга талабни

шакллантириш.

Яна бир мухим хусусият: маркетингни бирон-бир битта хўжалик соҳасига, масалан, савдога киритиш мумкин эмас. У бозорнинг барча субъектларини қамраб олади, унинг методлари эса комплексда қўлланилган ҳолдагина самара беради ва аниқ таърифланган пировард натижага қаратилган ягона стратегик мўлжалга эга бўлади.

Содда қилиб айтганда, маркетинг – бозор фаолиятини пухта ўйлаб ташкил этиш. У қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- эҳтиёжлар ва талабни таҳлил қилиш, ўрганиш ва прогноз қилиш;
- бозорда ўз ўрнини топиш, сотувларнинг эҳтимол тутилган даражасини аниқлаш;
- товарни ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- нархни белгилаш;
- реклама;
- сотувни ташкиллаштириш ва рағбатлантириш.

Маркетинг ёндашуви асосида бозорни самарали бошқариш кам харажат билан кўп даромад олишни таъминлашга қаратилган ахборот йифиш, бозор тадқиқотларини ўtkазиш, реклами ташкил этиш, сотув операцияларини амалга ошириш ва хизматлар кўrsatiшни англатади.

Маркетинг-микс 4Р – маркетологларга маркетинг мажмуасини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи машхур схема. У маркетинг дастури билан қамраб олиниши лозим бўлган тўрт соҳани кўrsatади:

- **Product** – эътиборни тортиш, харид қилиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш учун бозорга таклиф қилиниши, бирон-бир эҳтиёжни қондириши мумкин бўлган ҳар қандай нарса. Жисмоний обьект, хизмат, шахс, жой, ташкилот ёки foя бўлиши мумкин.
- **Price** – мижоз маҳсулот ёки хизматни қўлга киритиш ёки ундан фойдаланиш устунликларига алмаштирувчи пуллар ёки бошқа бойликлар миқдори.
- **Promotion** – муайян тоифадаги мижозларга маҳсулот ёки хизмат, унинг афзалликлари ҳақида хабар берувчи ва харид қилишга оғдирувчи ҳаракатлар.
- **Place** – корхонанинг маҳсулот ёки хизматни муайян тоифадаги мижозлар учун очиқ қилишга қаратилган барча ҳаракатлари.

Ўқув юртида маркетинг ва PR. Умуман олганда маркетинг – бу ташкилот мақсадларига эришиш учун истеъмолчиларнинг талаблари ҳақидаги ахборотга асосан товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўrsatiшни тартибга солувчи фаолият.

Турли мамлакатларда маркетинг концепцияси ўз хусусиятларига эга. Масалан, АҚШда асосий вазифа – потенциал харидорни кўндириш ва ишонтириш. Японияда маркетинг концепцияси истеъмолчининг истакларини қондиришга қаратилади. Америкача шиор – “Сотувчилар гапирсын”, японча шиор – “Товарлар ва хизматлар ўзи учун гапирсын”.

Маркетинг товарлар ва хизматлар билангина чекланмайди. Одамлар ҳам маркетинг обьектлари бўлиши мумкин. Айни ҳолда олий ўқув юртларининг

битириувчилари маркетинг объектлари ҳисобланади.

Маркетинг соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар таҳлили уқув ва кўнималарни икки таркибий қисмга ажратиш мумкинлигини кўрсатади:

- ўз товарини профессионал билиш;
- харидор психологиясини билиш.

Таълим менежментида реклама психологик имкониятларининг таҳлили. Реклама (лотинча - қичқирмоқ) бу бирор корхона, маҳсулот, хизмат тури, ижтимоий фаолиятнинг бирор турини оммалаштириш мақсадида қилинган ишдир. Шу мақсадда реклама ўша корхона ёки ижтимоий фаолиятининг бирор-бир маҳсулотига ёки хизмат турига кенг жамоатчиликниң эътиборини жалб этади. Яхши ташкил этилган реклама бозор талабини олдиндан кўра билиш ва бозор шароитидан харидорлар оқимини бошқара олиш имконини беради.

Лекин рекламанинг вазифаси фақат бу билан чегараланиб қолмайди. Унинг ўзига хослиги шундаки, реклама ахборотни тарғибот ва ташвиқот билан бирга олиб боради. Шундай қилиб, фаол реклама ахборот берувчи ва айни вақтда ишонтирувчи, маълум мақсадга йўналтирувчи бўлиши лозим. Шу турдаги реклама талабни маълум йўналишга солади, уни бир турдаги хизмат ва маҳсулотдан бошқасига кўчиради, талабларни очади ва харидорнинг ниятларига таъсир қиласди. Реклама ишлаб чиқарувчи, савдо ва харидор ўртасида тижорат ахборот алмашишига имкон беради.

Таълим хизматлари рекламасида баъзан информативлик эмоционалликдан устун келади, мақбул жамоатчилик фикрини яратиш вазифалари эса амалда ечилмайди. Айни ҳол реклама далилларини тузиш билан бу ерда интеллект ва заковатни эмоциялардан устун қўйишга одатланган одамлар шуғулланиши билан изоҳланса керак. Аммо улар таълим хизматлари рекламаси адресатларининг кўпчилиги, айниқса ёшлар учун эмоциялар сермазмун ахборотдан кам аҳамиятга эга эмаслигини ёдда тутишлари керак.

Замонавий реклама аллақачон глобал даражага чиқкан, унинг кўпгина манбалари (энг аввало электрон ахборот воситалари) эса миллий чегара билмайди. Бу реклама хабарлари сифатига қўйиладиган талабларни янада кучайтирган. Реклама сифатининг пастлиги ҳавога совурилган пуллардан бошқа нарса эмаслиги, боз устига, улар салбий самара беришига кўпгина реклама берувчилар амалда ишонч ҳосил қилганлар.

Сифатсиз рекламанинг салбий самараси таълим хизматлари бозорида айниқса бўртиб намоён бўлади. Хато ва камчиликлар билан берилган реклама эълони реклама берувчининг билим ва маданият савияси пастлигидан далолат беради ва таълим хизматларини харид қилишдан воз кечиши учун жиддий омил ҳисобланади.

Реклама матнини тузиш, иллюстрацияларни тайёрлаш ва умумий макет устида ишлаш – ижодий ёндашувни талаб этувчи ҳар хил фаолият турлари.

Олий ўқув юрти рекламасини жойлаштириш медиарежага мувофиқ амалга оширилади. Реклама бўйича менежер у айниқса яхши самара бериши мумкин бўлган оммавий ахборот воситаларини танлайди.

Истеъмолчилар бозорини сегментлашнинг психологик жиҳатлари.

Бозорни сегментлаш – маркетингнинг муҳим воситаларидан бири. Сегментлашнинг мақсади – бутун бозорда кучни беҳуда сарфлаш ўрнига бозорнинг айrim сегментларига мумкин қадар кенг кириш.

Бозор сегментининг асосий кўрсаткичлари: 1) *сегмент ҳажми* – истеъмолчилар сони; 2) *сегмент сизими* – товарни реализация қилишнинг эҳтимол тутилган ҳажми.

Самарали сегментлаш ва сегментни тўғри танлаш шартлари:

- истеъмолчилар ўртасидаги фарқлаш;
- сегмент сифимининг катталиги;
- истеъмолчилар учун рекламанинг очиқлиги;
- рақобатни ҳисобга олиш (рақиблар ва уларнинг товарларини ўрганиш).

Бозорнинг қамров даражасини танлашнинг уч ечими фарқланади:

- 1) оммавий маркетинг – кенг истеъмол бозорига қараб мўлжал олиш.
- 2) сегмент учун ишлаш (сегментлаш) – ноёб товар ишлаб чиқарувчиси сифатида бозорга чиқиш.
- 3) бир нечта сегментга ишлаш – турли номдаги товарлар ишлаб чиқаришга қараб мўлжал олиш.

Истеъмолчиларнинг белгиларига кўра сегментлашда тўрт асосий гуруҳ фарқланади:

- 1) Ижтимоий-иқтисодий (демографик) белгилар – ёш, жинс, оиланинг катта-кичиклиги, касб, иш жойи, маълумот, дин, миллат.
- 2) Географик белгилар – мамлакат, минтақа, шаҳар ёки қишлоқ.
- 3) Психографик белгилар – ижтимоий қатлам (тўқлик даражаси), яшаш услуби, шахсий фазилатлар.
- 4) Хулқ-автор белгилари – янги товарга мослашиш жараёнининг муддати, хариднинг тасодифийлик даражаси, доимий мижоз мақоми, тоқарга бўлган эҳтиёж, рекламага муносабат.

Таълим хизматлари маркетингида ўтказилган тадқиқотлар асосида стратегия ишлаб чиқлади. У, масалан, бозорни, унинг улуши, сегментини қамраб олишни, бозорда илгари эгалланган мавқени сақлаб қолишни назарда тутиши мумкин. Маркетинг инфратузилмаси: инсон ва техника ресурслари, коммуникациялар даражаси, маркетинг муҳитининг хусусияти ҳам ҳисобга олинади.

Таълим муассасаси имиджи менежменти. Маркетингда имидж (image – образ, кўзгудаги акс) деганда ташкилот, унинг маҳсулот ва хизматлари образи, обрўси, улар ҳақида истеъмолчилар фикри тушунилади.

Имидж турли обьектлар: инсон, товар, ташкилот, давлатга хос бўлиши мумкин. Имиджни шакллантириш изчил амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда имидж бўйича мутахассислар (имиджмейкерлар) керакли сифатларни атайлаб кучайтирадилар ва номақбул сифатларни сусайтирадилар. Имидж уч даражада: ташки қиёфа, руҳий хоссалар ва ижтимоий хусусиятлар кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Мазкур тизим элементлари қаторига ўқув юртининг машҳурлиги ва обрўсини, инновацион имкониятларини, таълим дастурларининг нуфузини,

олий ўқув юртининг реклама сиёсатини, хорижий алоқаларнинг ривожланиш даражасини, молиявий таъминланганликни, рақобатбардошлиқ даражасини киритиш мумкин. Ҳар бир элемент ўз мезонлари ва қўрсаткичларига эга.

Ҳар қандай раҳбарнинг иш хусусияти ҳамкаслар, қўл остидаги ходимлар билан муттасил мулоқот қилишдан иборат. Шу сабабли раҳбарнинг муҳим вазифаси – яхши имиджни шакллантиришни ўрганиш.

Имидж бўйича мутахассислар – имиджмейкерлар раҳбар имиджининг уч элементини ажратадилар:

- 1) шахсий тароват – у доим раҳбар ўз касбий фаолиятида муваффақиятга эришишига кўмаклашади;
- 2) ахлоқий фазилатлар – киришимлилик, гапга усталик;
- 3) ўз-ўзини тақдим этиш техникаси – ўз билимлари, кўникмалари ва тажрибасидан фойдаланиб ўзини яхши томондан намойиш эта билиш.

Менежер фаолиятининг хусусияти унинг ташқи қиёфасига жиддий талаблар қўяди. Ташқи қиёфа – муваффақиятга эришиш йўлидаги биринчи қадам. Аммо энг муҳим омил – раҳбарнинг индивидуаллиги.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. ., “Ўзбекистон”, 2009 й.
3. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислоҳотлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар. 1-2 қисм. Т.: 1998 й.
6. Ахлидинов и др. “Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиск, решения”. Т. “Ес-ТАСИС”. 1999г.
